

Сайдмухтор Оқилов

КАЛОМ ИЛМИ (АҚОИД)

(ўкув қўлланма)



26
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
«ИСЛОМШУНОСЛИК» КАФЕДРАСИ

САЙИДМУХТОР ОҚИЛОВ

КАЛОМ ИЛМИ
(АҚОИД)

Ўқув қўлланма

Toshkent islam universiteti
Axborot-resurs markaziga

Inv. № 18380

20 vii

“Тошкент ислом университети”
нашириёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2011

УДК: 297 (075)
86.38
О-98

Оқилов, Сайдмухтор.

Калом илми (Ақоид) : (ўкув кўлланма) / С.Оқилов; масъул мухаррир Д.Рахимжонов; ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Исломшунослик кафедраси. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.

ББК 86.38 я73

Мазкур ўкув кўлланма Тошкент ислом университети Диншинослик таълим йўналиши бакалавр талабалари ўкув режасига мувофиқ амалга оширилди. Ўкув кўлланмасидан жой олган маълумотлар жамиятда (кенг халк оммаси, айниска ёшларда) ақидавий масалаларни тўғри талқин килиш ва энг мухими уларда соглом эътиодни шакллантиришда ҳам катта ахамиятга эгадир. Шу билан бирга ўкув кўлланмана материаларидан исломшунослик тарихи ва назарияси, ислом ахлаки ва маданияти тарихи, айниска, калом илми ва ақоид фанлари бўйича дастурлар тузиб диний ўкув муассасаларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мазкур кўлланмадан калом илмiga оид тадқикотлар олиб боришда баъзи мутакаллим олимлар, ҳусусан мотуридия ва ашъария таълимотлари ҳамда ислом динидаги турли оқимлар ҳакида ҳам муайян даражада маълумотга эга бўлиш мумкин.

*Тузувчи –
тарих фанлари номзоди
С.С.Оқилов*

*Масъул мұхаррир –
тарих фанлари номзоди,
доцент Д.О.Рахимжонов*

*Тақризчilar –
тарих фанлари номзоди
Қ.Т.Зоҳидов,
тарих фанлари номзоди
И.И.Бекмирзаев*

Уибу ўкув кўлланма Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги мажлисига мұхокама қўлингандаги ва нашрга тавсия этилган.

Ўкув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан Дин шилари бўйича қўмитанинг 2011 йил 31 майдаги 1082-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-390-23-2

© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011 й.
© С.Оқилов, 2011 й.

МУҚАДДИМА

Тарихга назар ташласак, ислом динининг дастлабки даврлариданоқ мусулмонлар орасида бир қанча ақидавий мавзуларда ихтилофлар юзага кела бошлаган эди. Ушбу ихтилофларнинг негизида кейинчалик калом илмининг энг нозик масалаларидан бирига айланган «қазо ва қадар» масаласи ҳамда Аллоҳнинг зотини сифатловчи муташобиҳ оятларини қандай талқин этиш масаласи ётар эди. Табиийки, исломнинг дастлабки даврларида бундай ихтилоф ва мунозараларга Пайғамбар Мұхаммад^ﷺ томонидан барҳам берилар ва ҳар қандай тортишувларнинг олди олинар эди. Лекин Пайғамбар^ﷺнинг вафотидан кейин бундай баҳс-мунозара ва тортишувлар ҳатто қонли тўқнашувларгача бориб етди. Натижада ислом тарихида мусулмонлар орасида энг катта фитнага сабаб бўлган Сиффин ва Жамал жанглари содир бўлди. Ушбу фитнанинг юзага келишига кейинчалик калом илмининг масаласига айланган «имомат» (халифалик, раҳбарлик) масаласи асосий омил бўлиб хизмат қилган. Ушбу қонли тўқнашувлар натижасида ислом оламида икки катта ақидавий гуруҳ: хорижийлар ва шиалар пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мусулмонлар орасида юзага келган бу фитна на шариат қонунларига ва на Пайғамбар^ﷺнинг кўрсатмаларига (суннатга) тўғри келар эди. Чунки Расулуллоҳ^ﷺ ўзларининг вафотларидан кейин мусулмон уммати орасида бўлиниш юзага келишини қуидагича башорат қилган эдилар:

أَخْبَرَ النَّبِيِّ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَسَلَمُ: «سَتَفْتَرِقُ أُمَّتِي عَلَىٰ ثَلَاثَ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً، النَّاجِيَةُ مِنْهَا وَاحِدَةٌ وَالْباقُونَ هُلْكَىٌ». قيل: و من الناجية؟ قال: أهل السنة والجماعة. قيل: وما السنة والجماعة؟ قال:

ما أنا عليه اليم واصحابي» (رواه أبو داود، ابن ماجة، أحمد).

(Маъноси: Набий^ﷺ хабар бердилар: «Менинг умматим етмиши уч фирмага бўлинниб кетади. Улардан биттаси најсом топади, қолгани эса ҳалокатга учрайди. Расууллоҳ^ﷺдан сўрашди: «Најсом топадиганлар кимлар?» Жавоб бердилар: «Аҳли сунна вал жамоа». Яна сўрашди: «Аҳли сунна вал жамоа кимлар?» Расууллоҳ^ﷺ жавоб бердилар: «Менинг ва саҳобаларимнинг йўлларини ушлаганлар» (Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можжса, Имом Аҳмад ривояти).

Кейинчалик ислом динининг ривожланиши жараёнида, араб тилига турли фалсафий адабиётларнинг таржима қилиниши натижасида хорижийлар ва шиалар билан бир қаторда аҳли сунна вал жамоа эътиқодларига зид деб эътироф этилган қадария, жабария, мұтазилия, мушаббиха, муржия ва карромия каби оқимлар юзага келди. Ушбу оқимлар орасида мұтазилия таълимоти ўзининг рационалистик қарашлари билан алоҳида ажралиб турган.

Лекин юқоридаги ақидавий фирмә ва таълимотлар орасида аҳли сунна вал жамоа ақидасига мувофиқ турган мотуридия ва ашъария таълимотларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки ушбу икки таълимот ўзининг фаолияти давомида юқорида номлари зикр этилган ақидавий оқимларга қарши ғоявий кураш олиб борган.

Мотуридия ва ашъария таълимотларига нисбатан ҳам уламоларнинг фикрлари турлича бўлган. Ушбу уламолар юқорида келтирилган ҳадисни далил қилиб, ислом динида пайдо бўлган ҳар қандай ақидавий фирмә ва оқимлар аслида шариатга ва суннатга хилофдир, деган фикрда турганлар. Шунга қарамай, аксарият уламолар мотуридия ва ашъария таълимотини аҳли сунна вал жамоа эътиқодларига мувофиқ таълимот сифатида эътироф этганлар.

Юқоридаги маълумотлардан аён бўладики, ҳар қандай

даврда пайдо бўлган ақидавий оқимлар илгари сурган гоявий қарашлари шариат ва суннатга зид ҳисобланиб келинган. Демак, хозирги кунда ислом оламида ва юртимизда пайдо бўлган турли ақидавий оқимларнинг гоявий қарашларига ҳам танқидий муносабатда бўлиш ҳам асослидир.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, тарихда ва бизнинг давримизда пайдо бўлган турли ақидавий оқим ва фирқаларнинг ақидавий қарашларига қарши курашда ахли сунна вал жамоа эътиқод принципларига мувофиқ бўлган каломий ва ақидавий таълимотлардан боҳабар бўлиш замон талаби ҳисобланмоқда. Зеро, сўзимизнинг исботи тариқасида юртимиздан чиққан аллома Сўфи Аллоҳёрнинг куйидаги мисраларини мисол келтириш мумкин:

*Ақида билмаган шайтонга элдур,
Гарчи минг йил ибодат қилган бўлса, елдур.*

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур ўқув қўлланмада ақидавий ихтилофларнинг юзага келиш сабаблари, калом илмининг пайдо бўлиши ва ақидавий оқимларнинг тарихи ҳамда бир қанча ақидавий масалалар борасида юқорида номлари зикр этилган оқимларнинг эътиқодий қарашлари ахли сунна вал жамоа, хусусан, Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг ақидавий қарашлари билан қиёслангандан ҳолда баён қилинган. Зеро, юртбошимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида таъкидлаганларидек, «Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини ҳавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани, бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради. Ул зот асос солган мотуридия

мактаби Шарқ мамлакатларида бундай катта шухрат топишининг сабаби шундаки, унда илгари сурилган гоялар ислом динимизнинг асосини тўғрилик, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қарап ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди».

БИРИНЧИ БОБ

КАЛОМ ИЛМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА МОВАРОУННАҲРГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ

1.1. САҲОБАЛАР ДАВРИДА КАЛОМ ИЛМИ ВА КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ РИВОЖИ

РЕЖА:

- Дастлабки ақидавий ихтилофлар ва калом илмининг дастлабки вакиллари.**
- Калом илмига нисбатан уламоларнинг билдирган фикрлари.**
- Калом илмининг турли тарихий номлари.**

Таянч иборалар:

<i>калом,</i>	<i>мутакаллим,</i>
<i>ақоид,</i>	<i>ал-Фиқҳ ал-акбар,</i>
<i>ихтилоф,</i>	<i>илоҳиёт.</i>

1. Дастлабки ақидавий ихтилофлар ва калом илмининг дастлабки вакиллари. Илк ислом даврида Куръон илмлари ҳали алоҳида фан сифатида шаклланмаган эди. Ўша даврда саҳобалар маъносини тушуниш қийин бўлган (муташобих) оятлар борасида Мухаммад^ﷺга кўплаб саволлар берар эдилар. Бунинг натижасида турли хил ихтилофлар келиб чиқар эди. Жалолиддин Суютий «Савн ал-мантиқ» («Соғлом мантиқ илми») асарида таъкидлашича, Ибн Аббос шундай деган: «Ихтилофлар авж ола бошлигач, Расулуллоҳ^ﷻ қалбларга шак-шубҳа тушишига сабаб бўлаётган муташобих оятлар ҳақида баҳс юритишни кескин тақиқлаб қўйганлар». Ибн Аббос яна таъкидлашича, «Биринчи бўлиб бу суннатга хилоф иш

тутган Абдуллоҳ ибн Сабиғдир. У Мадинага келганды муташобиҳ оялтар ҳақида баҳс юрита бошлади. Халифа Умар ибн Хаттоб уни ўз хузурига ҳақириб исмини сўради. Сўнг унинг буйруғи билан Сабиғни хурмонинг қуриган шоҳи билан боши қонагунча саваладилар. Сабиғ турган жойида тик тураверди. Чунки у муташобиҳ оялтар ҳақида баҳс юритишни тарқ этишга бир неча бор ваъда берган эди. Абдуллоҳ ибн Сабиғ шундай деди: «Агар мени ўлдиришни хохласангиз чиройли ўлим билан ўлдиринг. Мен ўз мақсадларимдан воз кечмайман». Бироқ Ҳазрат Умар уни қўйиб юборди ва Абу Мусо Ашъарийга у билан ҳеч бир мусулмон бирга ўтирмаслигини тайинлади». Демак, Расулуллоҳ  даврлариданоқ айрим ақидавий ихтилофлар сабабли калом илмига мойиллик пайдо бўла бошлаган эди.

Калом илми VIII асрда пайдо бўлган ва турли ақидавий масалаларда ўзаро тортишув ва низолар натижасида юзага келган турли оқимларнинг (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржийлар) ўзаро олиб борган баҳс-мунозаралари ва бошқа дин вакилларидан маздаизм ва христианларнинг ҳам юкоридаги оқимлар билан бўлган тортишувлари натижасида шаклланиб ривожланган. Калом илми билан машғул бўлган диний уламолар «мутакаллим» деб аталган. Мутакаллимлар ақидавий масалаларни ечишда нақлий (Қуръон ва ҳадис) далиллар билан бир қаторда ўз тафаккурлари, яъни ақл-идрокларига ҳам суюниб иш тутганлар. Нақлий далилларни келтирганда ҳам Қуръонни шарҳлар эканлар, уни ўзгача тарзда тафсир қилганлар. Мутакаллимларнинг Қуръонни бундай шаклда шарҳлашларини баъзи уламолар тафсирнинг «ат-Тафсир бир-раъ» туридан ҳисоблаб, уни тафсир деб атаса бўлади, деган фикрга келганлар. Аммо аксарият илк ислом уламолари Қуръонни бу шаклдаги шарҳини тафсир деб аташ нотўғри, балки уни «таъвил» деб аташ керак деган фикрни билдирганлар.

Калом илмига оид масалаларни биз дастлаб Жаъд ибн Дирҳам (ваф.743 й.)нинг ижодида учратишимииз мумкин. У биринчилардан бўлиб Куръоннинг вақти-вақти билан яратилган (махлук) деган концепция ҳамда инсонда ирода эркинлиги каби масалаларни илгари сурган. Унинг фикр-мулоҳазаларини шогирди Жаҳм ибн Сафвон (745 йил Марвда Хорис ибн Сурайж бошчилигидаги қўзғолонда иштирок этгани учун қатл қилинган.) давом этирган. Жаҳм ибн Сафвон кейинчалик «жаҳмия» оқимига асос соглан.

2. Калом илмига нисбатан уламоларнинг билдирган фикрлари. Калом илми пайдо бўлганда дастлаб аввалги уламолар унга кескин қаршилик билдирганлар. Чунки улар, шаръий масалаларни очища наклий далил (Куръон ва ҳадис) кифоядир, деган ақидада турганлар ва накл билан бир каторда ақлий тафаккурга ҳам ўрин ажратган калом илмини кескин қоралаганлар. Калом илмининг қаршиликка учрашига улар қуидаги омилларни сабаб қилганлар:

1. «Ўзи»нинг Китоби ва Расулининг суннати билан Аллоҳ мусулмонларни Аллоҳни таниш ва тавхидини исботлаш, исмлари ва сифатларини билиш учун бошқа манбаларга мурожаат қилишдан беҳожат қилди.

2. Ислом динида Расулуллоҳ ёритиб бермаган ва комил баён этилмаган бирорта масала қолмаган. Улар ушбу фикрларига қуидаги оятни далил қиласдилар:

... أَلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَنْمَتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمْ

الإِسْلَامَ دِينًا

Маъноси: Бугун динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим («Моида» сураси, 3- оят).

3. Аввалги уламолар калом илми масалалари, терминлари ва баҳслари билан шуғулланиш фойда бермайдиган ортиқча гап сотиш, деб ҳисоблайдилар. У билан шуғул-

ланган инсон қувватини ва вақтими зое кетказади. Чунки Аллоҳ ўз бандаларига ҳозирги ва келажак даврда керак бўладиган барча вазифаларни баён этган.

4. Китоб ва суннатда келтирилмаган калом илми терминларини қўллаш фитналар, қўркув ва гумонларга сабаб бўлади.

Шу сабабли калом илмига дастлаб қуйидаги уламолар салбий муносабат билдирганлар:

Абу Ҳанифа: «Амр ибн Убайдни Худо урсин. Чунки калом илмига эшикни айнан у очиб берди».

Абу Юсуф: «Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни тарк этиш эса илмдир».

И мом Шофий: «Ахли калом ҳақида менинг фикрим қуйидагича: Уларни дараҳт пўстлоқлари ва кавушлар билан савалаб, эшакка тескари мингизиб ўз қабилаларига сазойи қилиш керак ва қабила ахлларига, бундай жазо фақат Куръон ва суннатни тарк қилганларга берилур, дея жар солиш керак».

И мом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Калом илми билан шуғулланувчи одам хеч қачон соодатга эришмас».

Абул Лайс Ҳофиз: «Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташлансин».

Лекин калом илмига бўлган бундай совуқ муносабатлар асосан мусулмон оламида пайдо бўлган мұтазилийларнинг таълимотларига қарши қаратилган эди. Шунинг учун бироз вақт ўтгач, уламолар калом илмига нисбатан ижобий муносабат билдира бошладилар. Калом уламолари ўз илмларини ҳимоя қилишда қуйидаги ҳужжатларга таянганлар:

1. Калом илми табаа тобииналар замонида зохир бўлган ва бу илм маъқул деб тан олинган. Шу нуқтаи назардан бу илмни «бидъат ҳасана» деб ҳисоблаш керак.

2. Ақлий далиллар дин асослари саҳихлигини ва ҳақиқатлигини билимсизларга тушунтириш учун зарурдир.

3. Агар диннинг асоси ақл эмас, фактат эргашишлик деб белгиланса, бу Куръонга зид фикрдир. Чунки Аллоҳ Куръонда тақлид қилишни қоралаган ва инсонларни назар солиб ақл юритишга чақиради.

Калом илмига нисбатан қуйидаги уламолар ижобий фикр билдирганлар:

Калом илми мұтазилийларнинг ахли сунна вал жамоа әътиқодига кескин қылган хуружлари натижасида олимларнинг аксарияти наздидә ижобий әътироф әтила бошланди. Масалан, мотуридиянинг машхур вакили Абул Юср Паздавий шундай деган: «Калом илми фарзи айн бўлган усул ад-диннинг шархидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни әътиқодлilarдан ўрганиш мубоҳ, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир».

Абу Ҳомид Мұхаммад Фаззолий «Ихё улум ад-дин» («Дин илmlарини жонлантириш») асарида шундай деган: «Ҳаж зиёратига борувчиларни йўлтўсар қароқчилардан ҳимоя қилиш учун қўриқлаб борувчи соқчиларнинг шарт бўлгани каби, чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний әътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан қўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибdir».

Саъдиддин Тафтазоний ўзининг «Мақосид ат-толибин» («Толиблар мақсадлари») номли асарида калом илмига шундай шарҳ беради: «Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмdir. У билан шаръий, назарий ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-уқубатдан ҳалос топишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмdir».

3. Калом илмининг турли тарихий номлари. «Калом» арабча сўз бўлиб, гап, нутқ, баён каби маъноларни англатади. Калом илми мусулмон кишининг ақидаси, әътиқоди, дунёқараши қандай бўлиши кераклигини ёритиб

берувчи фандир. Акоид илми ўз тарихининг турли босқичларида шароит ва тушунчалардан келиб чиқиб, бир неча номлар билан аталган.

Агар ислом динининг таълимоти ва амалиёти шартли равишда икки қисмга бўлинса, Калом илми унинг биринчи қисми, яъни таълимоти билан шуғулланади. Фикҳ илми эса иккинчи, яъни амалий қисмига тегишилдири. Дастреб ислом илмларининг барчаси юқоридаги каби икки қисмга бўлинмай, умумий тарзда «Ислом илмлари» ёки «Фикҳий илмлар» деб аталган. Улардан ақида, яъни ислом таълимотига оид қисми «ал-Фикҳ ал-акбар» («Катта фикҳ»), фикҳга, яъни диний амалларга доир илмлар эса «ал-Фикҳ ал-асгар» («Кичик фикҳ») деб аталган. Сўнгра улардан ҳадис, тафсир, фикҳ, тасаввуф, акоид каби турли илмлар ажралиб чиқиб, ислом динига хос илм сифатида эътироф этила бошлаган. Акоид ва калом илмлари ҳам ўзларининг ушбу номларида баркарор қолгунча турли номлар билан аталиб турган. Демак, «ал-Фикҳ ал-акбар»ни калом, акоиднинг дастребки номи деб ҳисоблаш мумкин.

Шу тариқа Калом илми турли даврларда «ал-Фикҳ ал-акбар», «Илм ал-калом», «Усул ад-дин» («Дин асослари»), «Илм ат-тавхид» («Яккахудолик таълимоти») ва ниҳоят сўнгги номи «Акоид» («Ақидалар») ва «Калом» деган номлар билан аталган.

«Калом» акоиднинг энг машхур исми ҳисобланиб, «ал-Фикҳ ал-акбар» исми билан бир асрда, яъни VIII асрда юзага келган. Чунки бу исм Имом Абу Ҳанифа, Имом Шоғирий, Имом Молик ва бошқалардан ривоят қилинган.

Ҳозирги даврга келиб ғарб ва турк шарқшунослари ушбу илмга нисбатан «Илоҳиёт» (араб. «Илоҳ ҳақидаги фан») ва «Теология» (лот. Тео – худо, логия – фан; «Худо ҳақидаги фан») каби атамаларни ишлатмоқдалар. Чунки кейинги асрларда акоид илми тўртта қисмга бўлинган:

1. *Илоҳиёт*. Бунда Аллоҳ ва У зотга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади.

2. *Нубувват*. Бунда ваҳий, пайғамбарлик, расуллар ва

уларга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади.

3. *Кавниёт*. Бунда борлиқдаги мавжуд инсоният, фаришта, жин ва сабабият қонунлари ҳақида баҳс юритилади.

4. *Самъиёт*. Бунда эшитиш билангина, яъни асосан нақлга таянилган ҳолда событ бўладиган ақидалар ҳақида баҳс юритилади. Булар, асосан, ғайб оламига тегишли масалалар ҳисобланади.

Ақоиднинг юқорида келтирилган номларига келсак, тарихда уларнинг барчасига тааллуқли асарлар битилган. Масалан, «ал-Фикҳ ал-акбар» номини биринчи бўлиб Абу Ҳанифа қўллаган ва шу ном билан ўзининг ақоид илмига оид машхур рисоласини ёзган. «Усул ад-дин» номини биринчи бўлиб қўллаган шахс Абул Ҳасан Ашъарий бўлган. Унинг «ал-Ибона ан усул ад-диёна» («Дин асослари ҳақида баён») номли асари мавжуд бўлган. Ақоид илмининг ушбу номига яна Абул Муин Насафийнинг бизга маълум бўлган «Табсират ал-адиллафи усул ад-дин» («Дин асосларининг аник далиллари») асарини ҳам мисол келтириш мумкин. Ақоиднинг «Илм ат-тавҳид» номини эса, бевосита Абу Мансур Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» («Тавҳид китоби») асарида учратиш мумкин. «Ақоид» номига эса Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий» («Насафий ақидалари») номли асари ёрқин мисол бўла олади. Ақоиднинг мазкур номлари умумий тарзда «Илм ал-калом» деб аталган ва ушбу соҳа вакиллари «мутакаллим» номи билан эътироф этилган.

Ўтилган мавзуу бўйича саволлар:

1. *Абдуллоҳ ибн Сабиг ким эди?*
2. *Калом илмига дастлаб уламолар қандай муносабатда бўлганлар?*
3. *Калом илмига муносабат қачондан ижсобий тарафга ўзгарди?*
4. *Калом, ақоид илмининг қандай тарихий номлари бўлган?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
2. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.
3. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
4. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – 579 б.
5. Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идейные расхождение в исламе).

1.2. КАЛОМ ИЛМИНИНГ МОВАРОУННАҲРГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ

РЕЖА:

1. Калом илмининг Мовароуннаҳрга кириб келиши.
2. Муржийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳаракатлари.

Таянч иборалар:

жизя,	муржийлар,
имон,	имон шартлари,
калом,	ҳанафия ақидаси.

1. Калом илмининг Мовароуннаҳрга кириб келиши. VIII асрдан бошлаб калом илми кенг кўламда ривожлана бошлади. Натижада Мовароуннаҳрга ҳам калом илми секин-аста кириб келди. Бу минтақага ислом дини кириб келиши билан калом илмининг ҳам пайдо бўлишига замин

яратилди. Ушбу илмнинг ўлкамизда ривожланишига айрим сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг ҳам таъсири бўлган.

Тарихга назар ташласак, VIII аср бошларига келиб Мовароуннахр ва қўшни Хуросонда бошқа худудларга нисбатан ислом динига киравчиларнинг сони ортиб борар эди. 728 йили Хуросон волийси Ашрас ибн Абдуллоҳ Суламий Мовароуннахр аҳолисининг ҳам исломга кириши учун ҳаракат қилишга қарор қилди. Унга ушбу вазифани бажариш учун Абус Сайдо Солих ибн Тарифни юборишни маслаҳат берадилар. Абус Сайдо Ашрасдан янги исломга киргандарни солик (жизя) тўлашдан озод қилиш керак эканини талаб қилди ва унинг вайдасини олгач, Самарқандга йўл олди.

Жизядан қутулиш учун кўплаб аҳоли ислом динига кира бошлади. Натижада ислом динини қабул қилган маҳаллий аҳоли жизядан озод этилдилар. Бу эса давлат хазинасини бойитишини ўйловчи ҳукмрон доираларнинг норозилигини келтириб чиқарар эди. Шу сабабли ушбу худудларда жон бошидан олинадиган солик масаласи ҳақида кўп мунозаралар бўлиб турган. Айниқса, илмсизлик натижасида янги мусулмонлар жизя билан бир қаторда унга умуман алоқаси бўлмаган «хирож» солигини ҳам тўлашдан бош торта бошладилар. Бу Хуросон ноибларининг норозилигини келтириб чиқарди. Чунки улар бундай даромаддан осонгина воз кечишни истамас эдилар.

Вазиятдан боҳабар бўлган Ашрас Самарқанд кўмондони ал-Ҳасан ибн Абил Амаррата Киндийга янги мусулмонларнинг исломга чиндан киргандигини текшириш вазифасини топширди. Ашрас ҳар бир мусулмондан хирож солигини олишга буйруқ бергач, янги мусулмонлар бунга норозилик билдириб, ўз хуқуқларини талаб қилиб, ҳатто Дамашқдаги халифага шикоят қиласидилар.

Ҳар икки томоннинг далиллари чин мусулмон хисобланиб, жизя солигидан озод бўлиш учун қандай шартларни бажариш зарур, деган муаммога бориб тақалар

эди. Бу муаммо эндиликда фақат сиёсий мазмунга эга бўлмай, балки «мўмин» тушунчасига қандай таъриф бериш керак, деган масала билан боғлиқ эди. Чунки Хуросон ноиблари ўз моддий манфаатлари йўлида имоннинг шартларини нихоятда мураккаблаштириб, ҳаттоки, унинг ичига Куръоннинг энг узун сураларидан бирини ёд олишилик шартларини ҳам киргизган эдилар. Бундай вазифа араб тилини яхши билмайдиган форс ва туркларда қийинчилик уйғотар эди. Натижада имон масаласи қалом илми бўйича ҳал қилиниши талаб қилинар эди.

2. Муржийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳаракатлари. Юқоридаги вазиятлардан келиб чиқиб янги мусулмонларга муржийлар ўзларининг ақидалари билан «ёрдам» берадилар. Улар имоннинг шартларини кўриб чиқиб, имон фақат тил билан икрор ва қалб билан тасдиқ қилишдан иборат (*ал-икрор бил лисан ват тасдиқ бил қалб*), деган ақидани илгари сурдилар.

Бунинг натижасида муржийлар ўз-ўзидан янги мусулмонлар дуч келган муаммоларга бевосита дахлдор бўлиб қолдилар ва жизя солиғига қарши курашаётган Мовароуннаҳр аҳолисига иттифоқдош ҳисобланиб қолдилар. Бу эса Хуросон маъмуриятининг муржийларга нисбатан кескин норозилигига сабаб бўлди.

Бу воқеалар жиддий тўқнашувларга олиб келди. 728-729 йили муржийлар бошчилигига биринчи қўзғолон амалга оширилди. Орадан олти йил ўтгач, Ҳорис иби Сурайж бошчилигига яна йирик исён бошланди. Исёнчилар узоқни кўзловчи сиёсий максадни кўзда тутган бўлсалар-да, ушбу исён бир томондан диний мазмунга ҳам алоқадор эди. Бунинг бошида эса, шубҳасиз муржийлар тураг эдилар.

Мазкур исён 746 йили батамом бостирилди. Жизя масаласи ҳам вақт ўтиши билан ўз долзарблигини йўқота бошлади. Лекин юқоридаги воқеалар натижасида муржийлар келажакда етакчи диний ҳаракат сифатида минтақада ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олишга эришган эдилар.

Аммо муржийлар ҳаракати Мовароуннахрда узоқ муддат сақланиб қолмади. Чунки ушбу худудда муржиия вакиллари мустақил фикрлаш ва чуқур билимга эга эмас әдилар. Улар бирон бир масаланинг ечимини топишида қийналиб қоссалар, Ироққа, аникроғи муржийлар маркази ҳисобланган Куфага йўл олар әдилар.

Бундай шароит Мовароуннахрда нафақат калом масаласида, балки умумий диний мухит учун ҳам иккинчи босқични белгилаб берди. Мовароуннахрдан Куфага сафар қилган олимлар у ерда Абу Ҳанифанинг қарашларидан таъсирланиб ўз юртларига қайтар әдилар. Натижада Мовароуннахрда муржийлар таълимоти аста йўқолиб, Абу Ҳанифа таъсирида шаклланган таълимот сингиб кира бошлади.

IX асрга келиб эса, Мовароуннахрнинг Бухоро ва Сармарқанд шаҳарларидағи диний мухит бутунлай ҳанафийларшиб бўлган эди. Шу тариқа Мовароуннахр ва Хуросонда имон масаласи мухим аҳамият касб этганлиги сабабли ҳанафий мазҳабига мансуб олимларнинг VIII–X асрдаги фаолиятларида калом масалалари асосий ўринни эгаллади.

Бундай вазият кейинги асрларга келиб Мовароуннахрда хоҳ фиқхий масалаларда, хоҳ ақидавий таълимотда Абу Ҳанифанинг йўлини тутган қатор уламоларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди.

Демак, Мовароуннахрда калом илмининг шаклланишига VIII асрдаги сиёсий вазиятлар сабаб бўлган. Сиёсий вазиятлардан келиб чиқиб фаолият олиб борган муржийлар ушбу худудда «имон» масаласини ҳал қилиш орқали калом илмининг дастлабки ривожланиш босқичларини белгилаб бердилар. Лекин кейинги даврларда муржийлар фаолияти умуман йўқолиб кетди. Мовароуннахрда кейинги асрларда калом илмининг ривожида Абу Ҳанифанинг ақидавий фикрларини давом эттирган ва ривожлантирилган ҳанафий уламолардан Аҳмад ибн Исҳоқ Абу Бакр Жузжоний (IX аср), Абу Сулаймон Мусо ибн

Сулаймон Жузжоний, Абу Наср Иёдий ҳамда Абу Мансур Мотуридий (ваф. 944 й.) каби олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. *Калом илмининг Мовароуннаҳрга кириб келишига асосан нима сабаб бўлган?*
2. *Муржиийларнинг мавқеи қандай бўлган?*
3. *Нима учун муржисия таълимоти Мовароуннаҳрда тўлиқ ривожланмай қолди?*
4. *Мовароуннаҳрда тарқалган дастлабки ақидавий таълимот сифатида қайси таълимотни олиши мумкин?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.
2. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
3. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарканд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халкаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
4. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
5. Шаҳристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдулкодир ал-Фозилий нашри. – Дамашк: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.

1.3. АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ

РЕЖА:

- 1. Мовароуннахрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллимлар.**
- 2. Абу Мансур Мотуридий илмий мероси.**
- 3. Мотуридия таълимотининг йириқ намояндалари.**

Таянч иборалар:

<i>мотуридия,</i>	<i>калом,</i>
<i>тавҳид,</i>	<i>Мовароуннаҳр,</i>
<i>ҳанафия,</i>	<i>муътазилия.</i>

1. Мовароуннахрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллимлар. VIII–IX асрларда Мовароуннахрда фаолият олиб борган машхур мутакаллим ва факих олимлардан бири Абу Муқотил Самарқандий ҳисобланади. У 823 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Манбалар ушбу аллома Абу Ҳанифа билан учрашгани ва ундан дарс олгани ҳақида хабар беради, Абу Муқотил Самарқандий ҳақида немис шарқшуносӣ У.Рудольф маълумотлар бериб, машхур «ал-Олим вал мутааллим» («Устоз ва шогирд») асарини айнан ушбу алломага тегишли деган хulosага келади. Бунга қадар барча тарихий манбаларда ушбу манба Абу Ҳанифага тегишли эканлиги таъкидланади.

Рудольф ушбу хulosасини факат Абу Муқотилнинг Абу Ҳанифа билан бир даврда яшагани ва Абу Муқотил Маккага ҳам боргани ва у ерда факих билан учрашгани каби сабабларни ўз далилларининг асоси қилиб олади. Шунингдек, китобнинг номидан ҳам хulosса қилиб «Устоз ва шогирд» деган иборани келтириб чиқаради ва Абу Муқотил факихдан эшитган сўзларини ушбу китобида ёзиб қолдирган деган фикрни ҳам илгари суради. Демак, Абу

Муқотил Самарқандий Абу Ҳанифанинг энг яқин издоши ва шогирди сифатида гавдаланади. Лекин Рудольф ўз тадқиқотининг кейинги бандларида Абу Муқотил Мовароуннахрда Абу Ҳанифанинг таълимотини тарқатганлиги мавхумдир, деган фикрни ҳам билдириб ўтади. Демак, «ал-Олим вал мутааллим» китоби Абу Муқотилга тегишли деган фикр мавхум фикрдир. Чунки ушбу асарнинг Абу Ҳанифага хос эканлигини машхур мотуридия мутакаллими Абул Муин Насафий ўзининг «Табсират ал-адилла» («Аник далиллар») асарида таъкидлаб ўтган. У Абу Ҳанифанинг фикрларини келтирас экан, «Ва қола ҳаказа ал-фақих Абу Ҳанифа фи китабиҳи «ал-Олим вал мутааллим» (Абу Ҳанифа ўзининг «ал-Олим вал мутааллим» китобида шундай деган) деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Абу Муқотил Самарқандий Абу Ҳанифа билан қанча давр мобайнида учрашгани ва қанча муддат ўз юртида фаолият олиб боргани келажакда ушбу алломанинг илмий мероси билан яқиндан тадқиқотлар олиб бориш орқали аниқ бўлади. Лекин ҳозирги кунда ушбу алломанинг фикр ва ақидада Абу Ҳанифанинг издоши бўлганига шубҳа йўқдир.

Минтақадаги Абу Ҳанифа издошларидан яна бири Абу Бакр Самарқандий ҳақида тарихий манбаларда олдинги мутакаллим Абу Муқотил Самарқандийга нисбатан кўпроқ маълумотлар келтирилган. IX аср охирларида келиб Мовароуннахрда мотуридия таълимотига рақиб бўлган карромия таълимоти ҳам кириб кела бошлаган эди. Бу эса албатта, ўша даврда Абу Ҳанифа издошларини бефарқ қолдира олмас эди. Ҳатто шундай вазият ҳам юзага келган эдики, баъзи мовароуннахрлик олимлар фикхий масалаларда Абу Ҳанифа мазҳабида бўлсалар, ақидавий масалаларда Ибн Карром таълимотига эргашар эдилар.

Ибн Карром асли Хуросоннинг Сеистон (Сижистон) воҳасида таваллуд топган. Ибн Карром Сижистоний

кейинчалик Хуросонга кўчиб ўтган ва Нишопур, Марв ва Хиротда ҳам бир қанча таникли олимлардан таълим олган. Айниқса, у Балхда устози Абу Юсуфдан (ваф. 854 й.) кўп таълим олади ва беш йил давомида Маккада яшаб ижод қиласди. Ибн Карром ўз ҳаётида кўплаб қийинчиликларга дуч келган. Уни Нишопурдан Сейистонга бадарға қилгандар. Сўнгра Хуросондаги ваъзлари туфайли Нишопур ҳокими томонидан ҳибсга олинган ва саккиз йил давомида қамоқда бўлган. Умрининг охирги йилларини Нишопурда ўтказган ва 869 йили вафот этган.

Манбаларда келишича, унинг таъқибга учрашига таълимоти эмас, балки омма олдида зоҳидлик ҳақидаги қарашлари сабаб бўлган. Шунинг учун маҳаллий ҳукмдорлар уни доим таъқиб қилиб келганлар. Унинг ақидавий масалалардаги эътиқодига келсақ, у Аллоҳнинг сифатларини инсонга хос аъзолар билан таърифлаган (антропоморфист-мушаббиҳа). Бу эса, мотуридийларнинг энг катта қаршилигига сабаб бўлган ва шунинг учун ҳам Мотуридий издошлиари унинг ғоялари Мовароуннаҳрда тарқалишига қарши чиққанлар.

Ибн Карром ғояларига энг катта қаршилик кўрсатган олим Абу Бакр Самарқандий бўлган. Абул Муин Насафий ўзининг «Табсират ал-адилла» асарида Мовароуннаҳрда ҳеч бир олим Абу Бакр Самарқандий каби карромийларга қарши кураш олиб бормаган, деб таъкидлаган. Самарқандлик бошқа олимларга нисбатан ушбу олимнинг бизга кўплаб асарлари ҳақида маълумотлар етиб келган. Олимнинг бизгача маълум бўлган асарлари орасида «Китоб ал-анвор» («Нурлар китоби») рисоласининг номи етиб келган. Аммо асарнинг матни етиб келмаган. Шунинг учун ушбу асарнинг қандай мавзуга оид экани номаълумдир. Иккинчи асар «Китоб ал-иътисом» («Ҳимоя китоби») бўлиб, ушбу асар ҳадис илмига бағишлиланган. Олимнинг учинчи рисоласи «Мақолат ал-исломийин» («Мусулмонлар сўзлари») бўлиб, Абу Бакр Самарқандий ушбу асарида карромийлар-

нинг нотўғри ақидаларига далиллар келтирган. Олимнинг яна «Маолим ад-дин» («Дин белгилари») номли асари ҳам бизгача етиб келган. Ушбу асарнинг Машҳадда қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Немис тадқиқотчиси У.Рудольфнинг таъкидлашича, ушбу асар фикҳ илмига бағишиланган ва IX асрда ёзилган фикҳга оид асарларнинг сақланиб қолган ягона нусхаси ҳисобланади.

Абу Бакр Самарқандий 881 йили она юрти Самарқандда вафот этган. Унинг Мовароуннаҳрда фикҳ, ҳадис ва қалом илмлари ривожи учун қўшган ҳиссаси катта бўлган.

2. Абу Мансур Мотуридий илмий мероси. Абу Мансур Мотуридий номи тилга олинганда, аввало бутун мусулмон оламида эътироф этилган икки ақидавий таълимот – ашъария ва мотуридиянинг бири кўз олдимиизда намоён бўлади. Абу Мансур Мотуридийнинг келажак авлодга қолдириб кетган илмий-маънавий меросини таҳлил қилас эканмиз, у ўз асарлари орқали ўша даврда ислом эътиқодларига зид бўлган турли ақидавий оқим ва тоифаларга қарши қурашганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Халифа Маъмун даврида гуллаб-яшнаган мұтазилийларнинг ахли сунна вал жамоа ақидасига зид бўлган фикрларига қарши қурашга Мотуридий ўзининг бутун умрини сарфлаган.

Аксарият манбаларда Мотуридий 870 йили Самарқанднинг «Мотурид» қишлоғида туғилгани ва Самарқандда 944 йили вафот этгани ҳақида маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда унинг 100 йилга яқин умр кўргани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Араб олими доктор Мухаммад Айюбнинг таҳлилига кўра, Мотуридий 870 йили эмас, балки 853 йили туғилгани ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки унинг манбаларда номлари келган икки устози: Мухаммад ибн Муқотил Розий 863 йил, Нусайр ибн Яҳё Балхий эса 882 йил вафот этганини инобатга олсак, Мотуридийнинг 870 йилда туғилгани мантиқан тўғри бўлмайди. Олимнинг қабри Самарқанд яқинидаги Чокардиза авлиёлар қабристонида жойлашган. Манбаларда Мотуридийнинг

хориж сафарларига борганлиги ҳақида хабарлар учрамайди. Аммо Мотуридий Мовароуннахрда Абу Ҳанифа Нұғынбай ибн Собитнинг фикхий ва ақидавий қараашларини сақлаб қолған ва кейинчалик ўзининг “мотуридия” деб тан олинган таълимотига тамал тошини қўйиб кетган олим сифатида шуҳрат қозонганди. У ўзининг бутун умри давомида калом, ақоид (ақида) илми билан машғул бўлған.

Мотуридий ҳақида тўлиқ ва дақиқ маълумотларни биз унинг энг машҳур издоши ва таълимотининг давомчиси насафлик аллома Абул Муин Насафийнинг илмий меросларида учратишими мумкин. Насафий ўзининг шайхи Мотуридий ва ундан олдин Мовароуннахрда яшаб ижод қилган ҳанафий алломалар ҳақида «Табсират ал-адилла фи үсул ад-дин ала тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий» («Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан дин үсулларини аниқ далиллар билан шарҳлаш») номли асарида маълумотлар келтирган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Насафийнинг «Табсира» асарида мовароуннахрлик мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида келтирилган муҳим маълумотлар биронта ҳам хоҳ комусий, хоҳ ақоид илмига оид асарларда учрамайди.

Асарда таъкидланишича, Мовароуннахр ҳамда Хуросоннинг Марв ва Балх шаҳарларидан етишиб чиққан уламоларнинг барчаси азалдан ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар ва Абу Ҳанифанинг йўлини маҳкам тутиб, мұтазилийларнинг азалий ракиблари ҳисобланғанлар.

Насафий «Табсират ал-адилла» асарида мовароуннахрлик машҳур мутакаллимлар Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабих Жузжоний (ваф. 864 й.), Шайх Абу Наср Аҳмад ибн Аббос ибн Ҳусайн Иёдий (ваф. 888 й.) ҳақида маълумотлар келтиради. Асарда шундай маълумотлар бор: Шайх Абул Қосим Ҳаким Самарқандийнинг ривоят қилишича, Абу Наср Иёдийнинг олдига турли адашган фирмаларнинг вакиллари ўзларининг нотўғри ақидаларини исботлаш учун келганларида, албатта улар Иёдийнинг

кучли далил ва исботларидан маглуб бўлиб қайтар эдилар.

Шунингдек, «Табсира»да Абу Наср Иёдийнинг икки ўғли: Абу Аҳмад (ваф. 967 й.) ва Абу Бакр Иёдий (ваф. 971 й.)лар ҳақида маълумотларни учратамиз. Асарда келтирилишича, бухоролик машҳур олим Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг невараси, Мовароуннахр ва Хурсонда «Садр ал-фуқаҳо» унвонига эга бўлган олим Абу Ҳафс Ажалий Бухорий шундай деган: «Абу Ҳанифанинг мазҳаби тўғри йўл эканлигига яна бир исбот шуки, ушбу мазҳабда Абу Аҳмад Иёдий эътиқод қилган. Чунки Абу Аҳмад Иёдий ботил мазҳабга эътиқод қилиши мумкин эмас эди».

Иёдийлар билан бир қаторда Насафийнинг мовароуннахрлик бошқа мутакаллим олимлар, яъни Қозий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Маслама ибн Абдуллоҳ ибн Муғира, «Маолим ад-дин» («Дин белгилари»), «Китоб ал-иътисом» («Ҳимоя китоби») ва «Китоб радд алал карромия» («Карромийларга раддия китоби») асарларининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Яман Самарқандий ҳақидаги маълумотлари ҳам эътиборга моликдир. Насафийнинг фикрича, Абу Бакр Муҳаммад Самарқандий биринчилардан бўлиб карромийларга раддия билдирган олим ҳисобланган.

Насафий табақот шаклида юқоридаги мутакаллим олимлар ҳақида маълумотлар келтирас экан, ниҳоят ўзининг шайхи Абу Мансур Мотуридий ҳақида сўз юрита бошлайди. У Мотуридий ҳақида шундай дейди: «У шундай зотки, илм уммонининг энг қаърига шўнғиб, ундан дуру гавҳарларни олиб чиқди ва диний хужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганда, Шайх Абул Қосим Самарқандий унинг қабри устига «Ушбу қабр илмларни нафасларигача қамраб олган, уни тарқатишда кўп заҳматлар чеккан, у қолдирган мерос кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дараҳтидан кўплаб мевалар тера олган улуғ зотнинг қабридир», деб ёзишларига буюрган эди».

{Насафий «Табсира»да Мотуридийнинг ўндан ортиқ асарлари ҳақида маълумотлар келтиради. «Китоб ат-тавхид» («Тавхид (яккахудолик) китоби»), «Китоб ал-мақолот» («Сўзлар китоби»), «Китоб радд авоил ал-адилла лил-Қаъбий» (Қаъбийнинг далилларига раддия китоби), «Китоб баён ваҳм ал-муътазила» («Муътазилийларнинг ёлғон ғоялари баёни ҳақида китоби»), «Китоб радд таҳзиб ал-жадал лил-Қаъбий» («Қаъбийнинг мунозараларига раддия китоби»), «Радд китоб ал-Қаъбий фи вайид ал-фуссок» («Қаъбийнинг жазо ва фосиқлар ҳақидаги китобига раддия»), «Радд усул ал-хамса ли Аби Умар ал-Бохилий» («Абу Умар Бохилийнинг бешта усулига раддия»), «Радд китоб ал-имома ли баъзи ар-равофиз» («Рофизийларнинг имомат мавзуидаги китобларига раддия»), «Китоб радд алал-қаромита» («Қарматийларга раддия китоби») ҳамда усул ал-фиқҳга оид «Маъхаз аш-шароиъ» («Шариат манбалари»), «ал-Жадал» («Бахс-мунозара») каби асарлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, «Табсира»да Мотуридий ҳақида келтирилган яна бир ривоят ҳам диққатга сазовордир. Унда таъкидланишича, маълум бир сабабларга биноан Мотуридий бирон бир мажлисда иштирок этмай қолса, ҳатто унинг устози Абу Наср Иёдий ўз шогирдига нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг изҳори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас экан. Агар у Мотуридийни узокдан бўлса-да, мажлисга келаётганини кўриб қолса, таажжуб билан унга тикилиб қолар ва Қуръондан «Қасос» сураси, 68-оятни ўқир эди:

وَرَبُّكَ -خَلَقَ مَا يَشَاءُ وَمَحْتَاجٌ ...

Маъноси: Раббингиз ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (хоҳлаган ишини) ихтиёр қилур...

Насафий ўз асарида яна таъкидлашича, Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон ал-карим» («Қуръони карим таъвили

(тафсири)») номли асари ўз даврида машҳур ҳисобланган ва кўплаб олимлар ушбу асарни қўйидагича тавсиф билан юксак баҳолаганлар: «Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устуни эди. Унинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булутларни ҳайдовчи ҳамда ниҳоятда гўзал васф ила яратилган асардир. Шундай китобни ёзган зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин».

Абул Муин Насафий ўзининг «Табсира» асарида мовароуннаҳрлик уламолар ҳақидаги маълумотларни Абул Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 953 й.) ҳақидаги маълумотлар билан тугатар экан, шундай дейди: «Агарда мен ҳанафия мазҳабига эътиқод қилган бухоролик ҳамда Мовароуннаҳр туркларининг энг куйи чегарасигача бўлган барча диёrlаридағи уламолар ҳамда Марв ва Балх уламолари ҳақида гапираверсам, ушбу китобим тугамайди. Шунинг учун сизнинг эътиборингизга юқорида зикр этилган уламолар ҳақидаги муҳтасар хабарлар етказишни афзал деб билдим. Лекин мен зикр қилган олимларнинг биронтаси бўлмаганида ҳам, Мотуридий уларнинг барчасининг ўрнига кифоя қила олар эди».

Абул Муин Насафийнинг Мотуридийга оид фикрлари ҳақида юқорида «Табсира» асари орқали муайян тасаввур ҳосил қилган эдик. Насафий Мотуридийни нафақат ўзининг, балки бутун мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг «шайхи» (устози) деб ҳисоблаган ва шундай аталишига катта ҳисса қўшган. Буни «Табсира»нинг бир қанча ўринларида «Бизнинг шайхимиз Абу Мансур Мотуридий...», деган иборанинг ишлатилганидан ҳам кўриш мумкин. Насафий «Табсира»да Мотуридийга нисбатан юксак мактovларни шу даражада билдирганки, ҳатто унга «Аъраф ан-нос би мазҳаби Аби Ҳанифа» (*Абу Ҳанифа мазҳабининг энг билимдони*) деб таъриф беради.

3. Мотуридия таълимотининг йирик намояндадлари.

Мотуридия таълимоти вакилларига Мовароуннаҳрда

фаолият олиб борган бир қанча олимларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг орасида Абул Муин Насафийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.)

Абул Муин Насафий. Абул Муин Маймун ибн Мұхаммад Макхулий Насафий 1046 йил Насаф воҳасида зиёли оилада таваллуд топган. Дастлабки таълимни ўзининг отасидан олган. Насафийнинг бобоси Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл Насафий (ваф. 930 й.) ўз даврида машхур мутакаллим ва мутасаввиф олим ҳисобланган. Абул Муин Насафийнинг фикҳ илмига оид асарлари ҳам мавжуд бўлган. У 1114 йил вафот этган. Алломанинг қабри Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган. У умри давомида ўндан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Олимнинг асарлари орасида «Табсират ал-адилла», «ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид» («Тавҳид қоидаларига муқаддима») ва «Бахр ал-калом» («Калом илми уммони») каби асарлари бизгача етиб келган.

Абул Муин Насафий асарлари орасида «Табсират ал-адилла» энг муҳим ва асосийси ҳисобланади. Асарнинг тўлиқ номи «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ала тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий» («Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан дин усусларини аниқ далиллар билан шарҳлаш») деб номланади. Абул Муин Насафий ушбу асарини ёзишига ўша даврда мотуридия таълимоти бўйича «Китоб ат-тавҳид»дан кейин биронта ҳам иирик асар ёзилмаганлиги сабаб бўлган. У «Табсират ал-адилла» асарини ёзиб тугатгач, ушбу асарига хотима ва фиҳрист сифатида икки асари «Тамҳид» ва «Бахр ал-калом» асарларини ёзган.

Абу Ҳафс Насафий. Унинг тўлиқ номи Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Насафий (1068–1142) бўлиб, баъзи манбаларда унга ҳам «Мотуридий» нисбаси берилган. Бу унинг Ином Мотуридийнинг маънавий шогирди ва мотуридия таълимотининг давомчиси эканидан дарак беради. Зоро,

Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимларини зикр этиш бўйича қанддек (ширин) китоб») асарининг бир нечта жойида Имом Мотуридий номини ўзининг маънавий устози сифатида хурмат билан зикр этган. Шунингдек, Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Ақоид ан-Насафий» («Насафий ақидалари») асарида мотуридия таълимотини акс эттирган.

Абу Ҳафс Насафийга «Мотуридий» нисбаси берилишига унинг Имом Мотуридий юрти Самарқандда умрининг асосий қисмини ўтказганини ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Жумладан, ўрта аср аллома ва машхур кишиларининг нисбалирини ёритиб берувчи «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») номли қомусий асар муаллифи Абу Саъд Самъоний (ваф. 1167 й.) алломани Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий Мотуридий, деб атаган.

Нажмуддин Насафий ўрта аср шарқ олимларига хос қомусий билим соҳиби бўлиб, замонасининг машҳур тарихчиси, факиҳи, муфассири, тилшуноси, географи, файласуфи ҳамда шоири ҳам бўлган. У ёзган асарларнинг мундарижаси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг бир қисмигина бизгача етиб келган.

Нажмуддин Насафий тилшунослик, тарих, фиқҳ каби илмларга бағишлаб 100 дан ортиқ асарлар яратган. Абу Саъд Самъоний Абу Ҳафс Насафий билан мактублар орқали илмий мулоқотда бўлган. Ҳозирги маълумотларга кўра, унинг бизгача 10 та китоби етиб келган. Унинг мотуридия калом мактабига оид «Ақоид ан-Насафий» асари катта шуҳрат қозонган. Ушбу асар мотуридия таълимотида Абул Муин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асаридан кейинги ўринда туради. Нажмуддин Насафийнинг фалсафа ва ақоидга доир кўплаб асарлари мавжуд бўлган. Айниқса, унинг «Манзумот ан-Насафий фил хилофиёт» («Ихтилофлар ҳақида Насафий манзумаси») номли шеърий асари машҳур бўлган.

Абул Юср Паздавий. Садр ал-ислом Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдилкарим Паздавий 1030

йилда туғилған. Дастребки сабоқни отаси Абул Ҳасан Мұхаммад Паздавийдан олган. Бобоси Абдулкарим ибн Мусо Имом Мотурийнинг шогирдларидан бири бўлиб, у оиласи орқали ҳам Самарқанд қалом мактаби билан танишиш имконига эга бўлган. Паздавий ўз даврида бир қанча ҳанафий олимлардан таҳсил олган. Паздавийнинг устозлари орасида Абу Яъқуб Юсуф ибн Мұхаммад Нишопурний ва Абул Хаттоб каби олимларнинг ўрни катта бўлган. Абу Ҳафс Нажмуддин Умар Насафий ва Абул Муин Насафий Паздавийнинг энг машҳур шогирдлари ҳисобланган. Яна унинг шогирдлари орасида Рукнул аимма Абдулкарим ибн Мұхаммад Саноий (ёки Сабоий) Маданий, Мұхаммад ибн Тохир Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Мұхаммад Ҳуламий каби олимларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Манбаларда қайд этилишича, у 1099 йилда Бухорода вафот этган.

Паздавийнинг асарлари орасида унинг «Усул ад-дин» («Дин асослари») асари муҳим аҳамиятта эга. Мазкур асар 96 масаладан ташкил топган ва мазмун-моҳиятидан аҳли сунна вал жамоа йўналиши ва мотуридия мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш ва Мовароуннахрда тарқалган бидъат ва хурофотлар жамоаси («аҳл аз-зайф вал бидъа») таъсирини камайтириш учун ёзилган.

Шунингдек, Паздавийнинг Имом Мұхаммад Шайбонийнинг «ал-Жомиъ ас-сағир» («Кичик тўплам») асарига шарҳ сифатида «Таълиқот» («Шарҳлар») ҳамда фиқҳга оид «ал-Воқиот» («Воқеалар») ва «ал-Мабсут» («Кенг маънолар») асарлари мавжуд бўлган. Паздавий Мовароуннахрда, айниқса Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридия қалом мактабининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланган.

Алоуддин Самарқандий. Ушбу аллома ҳам мотуридия таълимотининг йирик намояндаси Абул Муин Насафийнинг энг яқин шогирдларидан ҳисобланган ва фиқҳ соҳасида улкан муваффақиятларга эришган. Унинг тўлиқ

исми Мұхаммад ибн Аби Аҳмад Абу Бакр Алоуддин Самарқандий бўлиб, унинг тугилган йили ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Олимнинг вафоти кўпчилик манбаларда 1143 йил деб кўрсатилган. Алоуддин Самарқандий Абул Муин Насафийдан фиқҳ ва қалом илмларини ўрганган ва шу асосда ўзининг фиқҳга оид «Тухфат ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар тухфаси») номли машхур асарини яратган. Алоуддин Самарқандий нафақат фиқҳ, балки қалом ҳамда тафсир илмлари борасида ҳам самарали ижод қилган ва мотуридия қалом мактабини қўллаб-куватлаган. Натижада Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилот аҳли сунна» («Аҳли сунна таъвиллари (тафсири)») номли тафсирига «Шарҳ таъвилот аҳли сунна» («Таъвилот аҳли сунна тафсири») номи билан шарҳ ёзган. Алломанинг ушбу шарҳни ёзишида Абул Муин Насафийнинг хизмати ниҳоятда катта бўлган. Чунки Алоуддин Самарқандийнинг ўзи Насафий билан Мотуридийнинг «Таъвилот» асарини бирга мутолаа қилганини ва Насафий жоиз, деб топган жойларга шарҳ ёзиб илова қилиб борганлиги ва кейинчалик ушбу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтиргани ҳақида таъкидлаган. Шунингдек, Алоуддин Самарқандий Абул Юср Паздавийдан ҳам илм ўрганган. Алломанинг бир қанча шогирдлари ҳам бўлган. Унинг энг яқин шогирди ўз қизи Фотима бинт Алоуддин ҳисобланган. Фотима бинт Алоуддин машхур фақиҳа олима даражасига кўтарилган. Алоуддин Самарқандий қизини ўзининг яқин шогирди Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косонийга никоҳлаб берган. Косоний устозининг «Тухфат ал-фуқаҳо» асарига шарҳ тарзида «Бадоиъ асаноиъ фи тартиб аш-шароиъ» («Шариат тартибида ажойиб санъатлар») номли китобини ёзган. Косоний Абул Муин Насафийнинг ҳам шогирдларидан ҳисобланган.

Иброҳим Саффор Бухорий. Иброҳим ибн Исҳоқ Саффор Бухорий (ваф. 1139 й.) Абул Муин Насафийдан Бухорода қалом илмидан таълим олган. Даствори у ўзининг

«Рисола фиҳа масоил суила анҳа аш-Шайх ас-Саффор фа ажаба анҳа» («Шайх Ас-Саффор жавоб берган масалалар ҳақида рисола») номли рисоласини ёзган. Ушбу рисолада Абу Мансур Мотуридийнинг фикрларини баён қилган. Олим бухороликлар учун калом илми бўйича «Китоб талхис ал-адилла ли қавоид ат-тавҳид» («Тавҳид қоидала-рига оид далилларнинг қисқача баёни») номли ўқув қўллан-масини яратади. Ушбу қўлланманинг қўллёзмаси Туркия-нинг «Атиф Эфенди» (Atif Efendi) номли кутубхонасида № 1220 рақами остида сақланади. Иброҳим ас-Саффорнинг Бухорода мотуридия калом мактабининг тарқалишида хизматлари ниҳоятда катта бўлган.

Нуруддин Собуний. Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр Собуний (ваф. 1184 й.) ҳам Иброҳим Саффор билан Бухорода мотуридия калом мактабининг тарқалишида жонбозлик кўрсатган олимдир. У Абул Муин Наса-фийни ўзининг устози деб ҳисоблаган ва ундан калом илмини ўрганганди. Нуруддин Собуний Бухорода ашъария мактаби вакили Фахруддин Розий билан ҳам учрашган. Олим дастлаб «ал-Бидоя фи усул ад-дин» («Бошланғич дин асослари») номли ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Истанбулда Б.Топалўғли томонидан 1978 йил биринчи маротаба нашр эттирилган. Шундан сўнг бу асар муҳимлиги учун яна етти маротаба нашр этилди. Собунийнинг яна «ал-Кифоя фил ҳидоя» («Ҳидоят ҳақида муҳтасар китоб») номли асари мавжуд бўлиб, унинг қўллёзма нусхаси Туркиянинг «Лолали» (Laleli) номли кутубхонасида № 2271 рақами билан сақланади. Шунингдек, унинг «ал-Мунтаقا мин исмат ал-анбиё» («Гуноҳлардан ҳоли бўлишлик фақат пайғамбарларга хос») номли асари бўлган. Ушбу асарнинг қўллёзма нусхаси ҳам «Лолали» (Laleli) кутубхонасида № 2426 рақами билан сақланади.

Алоуддин Асмандий. Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Самарқандий Асмандий 1095 йили Самарқанд атрофидаги

Асманд шаҳрида туғилган. Бу шаҳар Усманд ёки Саманд деб ҳам аталган. У «Тұхфат ал-фуқаҳо» асари муаллифи Алоуддин Мұхаммад ибн Ахмад Самарқандий билан чалкаштирилгани боис, манбаларда унга Асмандий нисбаси ҳам қўшиб аталади. Асмандий Ашраф ибн Мұхаммад Алавийдан фикҳ имини ўрганган, «ас-Садр аш-шаҳид» номи билан машҳур Бурхон ал-аймма Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийдан (ваф. 1142 й.) ҳадис ривоят қилган. Али ибн Умар Ҳарротдан ҳадис имини ўрганган.

Асмандий Абул Муин Насафий билан учрашгани ҳақида маълумотлар келмаса-да, калом илмиға оид асарларини ёзишда асосан унинг илмий меросидан таъсиrlанган. У Абул Муин Насафий асарларини замондоши Алоуддин Самарқандийдан ўрганган. Асмандийнинг калом илмиға оид биргина асари ҳақида маълумотлар бор. Баъзи манбаларда унинг номи «Лубоб ал-калом» («Дақиқ калом илми») деб аталган бўлса, баъзи манбаларда унинг номи «ал-Ҳидоя фи усул ал-эътиқод» («Эътиқод асосларида ҳидоятга эришиш») ёки «ал-Ҳидоя вал калом» («Ҳидоят ва калом илми») деб келтирилган. Ушбу асар усул ад-дин мавзуларини янги ўрганаётгандарга йўлланма бериш учун ёзилган. Асмандийнинг бошқа мавзуларга оид асарларига тўхталсак, унинг фуруй ал-фикҳга оид «Тариқат хилоф ал-фикҳ байнал аиммат ал-аслоф» («Салаф имомларининг фикҳдаги ихтилоф йўллари»), «Базл ан-назар фи усул ал-фикҳ» («Усул ал-фикҳга назар солмоқ»), «ат-Таълиқа фил фикҳ» («Фикҳ илмиға шарҳ») ва «ал-Амолий фит тафсир» («Тафсирдаги имлолар») номли асарлари ҳам мавжудdir. Лекин баъзи манбаларда ва кутубхона каталогларида «Тұхфат ал-фуқаҳо», «Мезон ал-усул» («Усул илми мезони»), «Шарҳ ал-жомиъ ал-калом» («Калом илми тўплами шарҳи») ва «Шарҳ таъвилот ал-Қуръон» асарлари Алоуддин Самарқандийга эмас, балки янгилиш равишда Алоуддин Асмандийга тегишли деб қайд этилган. Ҳанафий фақиҳлари

орасида ўзига хос обрўга эга бўлган ушбу аллома XII асрда Мовароуннаҳрда калом илми ривожига салмоқли кисса қўшган. Асмандий 1157 йил Бухорода вафот этган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. *Абу Мансур Мотуридий қачон ва қаерда тугилган?*
2. *Мотуридийнинг қандай асарларини биласиз?*
3. *Мотуридия таълимоти вакилларидан кимларни биласиз?*
4. *Мотуридия таълимотига оид қандай асарларни биласиз?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айдын Али-заде. Матуридизм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws .
2. Айдын Али-заде. Ашаризм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws .
3. Ahmet Ak. Büyük Türk Âlimi Mâturîdî ve Mâturîdîlik / Монография. – İstanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008. – 216 б.
4. Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.
5. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
6. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: «Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2010. – 39 б.
7. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
8. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
9. Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
10. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.

ИККИНЧИ БОБ

АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ВА ОҚИМЛАР

2.1. МУТЬАЗИЛИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАРИХИ

РЕЖА:

1. Муътазилия таълимотининг юзага келиши (Восил ибн Ато ақидаси).
2. Муътазилия таълимотининг бешта асоси. «Миҳна» ҳаракатининг фаолияти.
3. Муътазилия таълимотида пайдо бўлган оқимлар.

Таянч иборалар:

муътазилия,	ал- манзила байнал
адл,	манзилатайн,
тавҳид,	калом,
ал-ваъд вал ваийд,	ал-усул ал-хамса,
	миҳна.

1. Муътазилия таълимотининг юзага келиши (Восил ибн Ато ақидаси). Муътазилия таълимоти вакилларининг ақидавий қарашлари натижасида ушбу илм «калом» деб ном олган. Шунингдек, қалом илмида биринчи йирик йўналиш ҳам муътазилия таълимоти ҳисобланади. Муътазилияниң тарихи Ҳасан Басрийнинг собиқ шогирдларидан бўлган Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайдга бориб тақалади. Муътазилийлар Дамашқ ва Бағдод халифалиги ҳаётида VII–IX асрларда муҳим ўрин тутганлар. Ҳасан Басрий (ваф. 728 й.) даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато (ваф. 748 й.) ва Амр ибн Убайд (ваф. 761 й.) ўзларининг «кал-манзила байнал манзилатайн» («икки манзил орасидаги бир манзил») мавзуидаги

ақидалари билан ажралиб чиқадилар ва «муътазила» («ажралғанлар») номини оладилар.)

Ривоят килинишича, умавий халифа Ҳишом ибн Абдулмалик даврида Шайх Ҳасан Басрий ҳузурига бир одам келиб: «Эй динимизнинг пешвоси, замонамизда бир жамоа пайдо бўлдики, улар гунохи кабира қилувчиларни кофир ҳисоблайдилар. Яна бир жамоа эса, кофирга тоат фойда қилмаганидек, мўминга ҳам гуноҳ зарар қилмайди, дейдилар. Улар ҳақида сиз нима дейсиз?» – деб сўради. Ҳасан Басрий фикрга чўмиб, жавоб беришга улгурмай Восил ибн Ато ўрнидан туриб, масжид устунига суюниб деди: «Мен гунохи кабира қилганни мутлақ мўмин демайман, мутлақ кофир ҳам эмас, икковининг ўртасидаги манзилладир. Мўминлик мақтов исмдир, фосиқ эса мақтовга лойиқ эмас, демак бундай одам мўмин бўлолмайди. Уни кофир ҳам деб бўлмайди, чунки у шаҳодат калимасини айтган. Агар тавба қилмай ўлса, абадий дўзахга тушади, чунки охиратда фақат икки тоифалар: жаннатга тушувчилар ва дўзахга тушувчиларгина бўлади. Лекин фосиқнинг азоби кофирнинг азобидан енгилроқ бўлади», – деб жавоб беради. Ҳасан Басрий: «Восил бизлардан ажради», – деди. Шундан буён бу тоифа «муътазила» деб ном олган.

Мұтазилийларнинг ўzlари ҳам доим бир-бирлари билан мубоҳасада, ихтилофда бўлувчи бир неча гурухларга бўлинган эдилар. Уларнинг энг катта ва кучлиси Бағдод ва Басра мактаблари эди. Бағдод мактаби бошида Бишр ибн Мұттамар, Басра мактаби бошида эса Восил ибн Ато турарди. Мазкур икки мактаб вакиллари орасида кучли баҳслар бўлган. Бу икки мактаб ўртасидаги тортишувларни мұтазилия олими Абу Рашид Найсабурийнинг (ваф. 1024 й.) «ал-Масоил фил хилоф байнал басрийин вал бағдодийин» («Басралик ва бағдодлик мұтазилийлар ўртасидаги ихтилофли масалалар»). 1979 йил Байрутда нашр эттирилган) номли китобида яққол кўриш мумкин.

Муътазилийлар умавийлар давлатига мухолиф бўлиб фаолият олиб борганлар. Шиалардан бўлган зайдийларга хайрихоҳликлари туфайли аббосийлар ҳам уларга дастлаб салбий муносабатда бўлдилар. Айниқса, Ҳорун ар-Рашид даврида улар қаттиқ таъқиб остига олинадилар. Лекин Маъмун ва ундан кейинги икки халифа Муътасим ва Восик даврларида (813–847) аҳвол бутунлай ўзгариб, улар аббосийларнинг суюкли пешволарига айланадилар, ҳатто баъзи йирик давлат мансабларига ҳам сазовор бўладилар. Чунки халифа Маъмун ҳам ёшлигидан муътазилийларнинг обрўли олими Абул Ҳузайл Аллофдан сабоқ олган эди. Халифа Маъмун даврида муътазилийлар жуда катта кучга эга бўладилар. Ҳокимиятнинг катта лавозимларини ҳам эгаллаганлар. Улар «Миҳна» деган уюшма ташкил қилиб, ўзларининг ақидаларига эргашмаган уламоларни қаттиқ таъқиб остига олганлар. Бу даврдаги энг устувор ақида, шубҳасиз «Қуръон маҳлукдир» деган ақида эди. «Миҳна» харакатининг илғор вакилларидан бири Аҳмад ибн Аби Дауд бу борада энг ашаддийлардан эди. Тарихдан унинг ҳанбалий мазҳаби имоми Аҳмад ибн Ҳанбални жазолатгани ҳақидаги хабарлар етиб келган. Лекин Мутаваккил ҳукмронлигига (847–861) улар яна таъқиб остига олинадилар. Бу даврда илгари «Қуръон маҳлукдир» деган ақидаларини уламоларга мажбурлаб сингдирган ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбални фитна билан Маъмун саройида дарра билан жазолатган Аҳмад ибн Аби Дауд ҳам қатл қилинган эди. Буидлар даврида (945–1055) муътазилий Қози Абдулжаббор (ваф. 1025 й.) мактаби яна ривожланди. XII–XIII асрларда эса муътазилийлар фикри Хоразмда ҳам кенг ёйилди.

2. Муътазилия таълимотининг бешта асоси. «Миҳна» харакатининг фаолияти. Муътазилийлар ҳокимият масаласида халифа бўлиш лозимлигини уқтирадилар. Илк муътазилийлар халифа қурайшлик бўлиши шарт эмас, деб хисоблаганлар, аммо кейинги даврлардаги айрим муътазилийларини таълимотининг бешта асоси. «Миҳна» харакатининг фаолияти. Муътазилийлар ҳокимият масаласида халифа бўлиш лозимлигини уқтирадилар. Илк муътазилийлар халифа қурайшлик бўлиши шарт эмас, деб хисоблаганлар, аммо кейинги даврлардаги айрим муътазилийларини таълимотининг бешта асоси.

зилийлар эса халифаликка қурайшиликдан бошқа киши лойиқ әмас, деб уқтирганлар. Уларнинг фикрича, имом илохий кўрсатма бўйича ҳокимият тепасига келмайди, балки у ижтимоий, этник келиб чиқишидан қатъи назар, мусулмон жамоасидан сайланиши лозим.

Улар «адлийун», «аддия», «аҳл ал-адл», «аҳл ал-адл ват тавҳид» каби номлар билан аталганлар. Уларнинг бундай номланишига беш асосий тамойиллариңинг дастлабки иккитаси сабаб бўлган. Мұтазилияниянг машхур олимларидан Абул Ҳузайл Аллоф (ваф. 841 ёки 849 й.) «ал-Усул ал-хамса» («Бешта усул») номли асар ёзиб мұтазилия таълимотининг асосиңи бешта тамойилга бўлиб чиқкан. Унинг ушбу асари мұтазилийлар орасида шу қадар машхур бўлганки, ҳатто улар бир-бирларининг қанчалик катта илмга эга эканликларини ушбу асарни қай даражада билишлари орқали баҳолаганлар. Мұтазилияниянг беш асосий тамойили қўйидагилардир:

1. «Адл» (*Аллоҳнинг адолати*) – илохий адолат инсоннинг ирода эркинлигини тақозо этади. Аллоҳ фақат яхшилик (ал-аслаҳ) ижодкори бўлиб, у инсон умри давомида қилиши керак бўлган нарсалар тартибининг бузилишига йўл қўймайди, яъни Аллоҳ фақат яхши амалларни яратган.

2. «Тавҳид» (*Аллоҳнинг ягоналиги*) – Аллоҳнинг оламда танҳолигини эътироф этиш, кўпхудолик ва антропоморфизм, яъни Аллоҳни одам қиёфасида тасаввур қилишни инкор этиш. Бунда улар мужассима ва мушаббиҳаларга қарши турганлар. Шунингдек, Аллоҳнинг сифатларини қадимиyllигини инкор этганлар. Уларнинг эътироф этишича, агар Аллоҳнинг сифатлари ўзи билан азалий бўлса, «тавҳид» йўқ бўлиб қолади.

3. «ал-Ваъд вал ваййд» (*мукофот ва жазо*) – мұтазилийлар билан бирга хаворижлар эътироф этган бу қоидага кўра, Аллоҳ мўминларга жаннат ва коғирларга дўзах ваъда қилган бўлса, ўз ваъдасида туриши лозим, яъни имон келтирган кишиларни жаннатга, куфрга сабаб бўлувчи

ишлиарни қилган кишиларни дўзахга киритиши керак. Бунда Расулуллоҳ^ﷺнинг шафоатлари-ю, Аллоҳнинг «Раҳмон», «Раҳим» сифатлари ҳам ёрдам бермаслиги керак. Чунки инсон ўз хатти-ҳаракати учун тўлиқ жавоб бериши лозим. Бунда улар осий, яъни гуноҳкор мусулмоннинг шафоат билан жаннатга киришини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, агар осий мусулмон ҳам, итоаткор мусулмон ҳам бирга жаннатга кирса Аллоҳнинг адолати йўқ бўлиб қолади.

4. «ал-Манзила байнал манзилатайн» – гуноҳи кабира қилган мусулмон мўминлар қаторидан чиқарилади (муржийлар фикрига карши), лекин коғир бўлиб қолмайди (хаворижлар ақидасига мувоғик), балки оралиқ ҳаётда бўлади. Бу тамойил юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биринчи мұтазилийларнинг Ҳасан Басрий даврасидан ажралишига сабаб бўлган эди. Ҳасан Басрийнинг фикрига кўра, ундан мусулмонлар муноғик ҳисобланган.

5. «ал-Амр бил маъруф ван нахий анил мункар» (*Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш*) – барча воситалар билан, яъни зўрлик қилиб, «қилич билан» бўлса ҳам бу ҳукм бажарилиши лозим деб ҳисоблаганлар. Улар «ал-амр бил маъруф» деганда ўзларининг эътиқодий қарашларини сингдиришни, «ан-Нахий анил мункар» деганда ўз эътиқодий қарашларидан бош тортганларни мажбурлашни назарда тутганлар.

Шунингдек, мұтазилийлар Аллоҳнинг қазо ва қадарини инкор этиб: «Инсон ўз тақдирини ўзи яратади», деганлари учун, «қадарийлар» деб ҳам номланган. Лекин улар ўзларига берилган «қадарий» номини инкор этганлар.

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, «хайр» ва «шарр»нинг (яхшилик ва ёмонлик) холиқи аслида Аллоҳдир. Мұтазилийлар фикрича, Аллоҳ «шарр»ни (ёмонликни) тақдир қилмаган ва у билан ҳукм ҳам этмаган. Агар ёмонлик билан ҳукм этса-ю, кейин азоб берса, Аллоҳ ўз бандасига зулм қилган бўлади, деган ақидани илгари сурғанлар.

Мұтазилийлар ислом уламолари томонидан ашъария ва мотуридиядан фарқли равища диний-ақидавий қарашларни белгилашда нақлий далиллар, яғни Қуръон ва суннани әмас, балки ақлий далилларни биринчи ўринга күйищда айбланадилар. Ақидавий масалаларни ечища ақл ва фикрни асосий манба қилиб олиб, унга түғри келмаса, ҳатто, оят ва ҳадисларни инобатта олмай, балки уларни ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Шунинг учун муҳаддис уламолар, мотуридия ва ашъария вакиллари мұтазилия таълимотини танқид қилганлар.

Мұтазилия таълимоти аббосийлар даврида кескин ривожланиши натижасида ушбу таълимот вакиллари катта лавозимларни эгаллаганлар. Натижада ушбу таълимотнинг ҳар қандай ақидавий қарашлари ўша даврдаги уламоларга мажбуран сингдирилар эди. Мұтазилийлар ўзларига муҳолиф бўлган уламоларга қарши курашиш мақсадида «Миҳна» номли ҳаракат ташкил этадилар. Ушбу ҳаракат уларнинг «Қуръон махлуқдир» деган ақидаларига қарши турган барча олимларга қарши курашиш мақсадида юзага келган эди. Аббосий халифалардан Маъмун, Мұтасим ва Восиқлар даврида ушбу ҳаракат ўзининг қаттиқ сиёсатини олиб борган. Натижада кўплаб маҳаллий уламолар тазийикқа учраган. Ушбу ҳаракатнинг пешқадамларидан халифаликда «Қози ал-қузот» мақомига эга бўлган Аҳмад ибн Аби Дауд, мисрлик қози Мұхаммад ибн Абил Лайсни мисол келтириш мумкин. Ушбу кишилар асосан Мұтасим ва Восиқ халифалиги даврларида фаолият олиб борганлар.

Халифа Восиқ хукумат тепасига келгач, «Миҳна» ҳаракати янада жонланиб кетди. Халифа Восиқ Мұхаммад ибн Абил Лайсга Бағдоддаги барча кўзга кўринган уламоларни имтиҳон қилишга ва «Қуръон махлуқдир» деган ақидани тан олмаган олимларни маъмурий жазога тортишга буюради. Мұтазилийларнинг шу тариқа ўз диний қарашларини мажбуран сингдириш сиёсати натижасида Бағдодда «Миҳна» таркибига кирмаган на муҳаддис,

на муаззин ва на муаллиф қолмайди. Ушбу ақидани тан олмаган уламолар ҳибсга олинган. Ҳатто, Мұхаммад ибн Абіл Лайс Бағдоддаги барча масжидларнинг пештоқ ва меҳроблари устига «Ла илаҳа иллаллоҳ раббил Қуръанил махлуқ» (маъноси: яратилган Қуръоннинг раббиси бўлмиши Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир) деб ёзиб қўйишга буюрган.

«Миҳна» ҳаракати билан боғлик сиёsat натижасида муҳаддис олим Аҳмад ибн Ҳанбал қаттиқ азият чеккан. Ўз даврининг машҳур факиҳи ва муҳаддиси ҳисобланган ушбу олим аввал уй қамоғида бўлган, сўнгра зиндонга маҳкум қилинган эди. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бундай жазога хукм этилишида Аҳмад ибн Аби Дуаднинг ўрни катта бўлган.

849 йил ҳукумат тепасига Халифа Мутаваккил келгач «Миҳна» ҳаракати тугатилган ва ҳаракат тепасида турган мұтазилийлар жазога тортилган. Шундай қилиб, Мутаваккил халифалиги давридан бошлаб мұтазилия таълимотининг ривожи сусайиб боради. Бунда албатта, IX–X асрларда фаолият олиб борган мовароуннахрлик Абу Мансур Мотуридий ва басралик Абул Ҳасан Ашъарийнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мұтазилия таълимоти ўзининг куйидаги ақидавий қарашлари билан ахли сунна вал жамоа эътиқодидан ажралиб турган:

- Аллоҳнинг исми ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас. Аллоҳнинг исми билан сифатлари бир нарса;
- Аллоҳни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам кўриш мумкин эмас;
- Куръон махлуқдир. У азалий эмасдир;
- банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб. Банданинг қудрати ва тоқати Аллоҳга боғлик эмас. Уларнинг фикрича, феълларни банданинг ўзи яратади;

— қатл этилган ёки ҳалокат туфайли вафот этган банда ажалидан олдин ўлган ҳисобланади;

- ҳалол луқма банданинг ўз ризқидир, лекин ҳаром луқма эса аслида унинг ҳақиқий ризқи эмас;
- Аллоҳнинг иродаси ҳодисдир, қадим эмас;
- Аллоҳ фақат яхшиликни (аслаҳ) ирода қилади, ёмонлик эса унинг иродасидан ташқаридадир;
- амаллар имоннинг таркибига киради ва амаллар имоннинг асосий рукнидир;
- банданинг имони унинг амалларига қараб камайиб ва кўпайиб туради;
- гуноҳи кабира қилган мусулмон имон билан куфр ўртасида қолади;
- гуноҳи кабира қилган мўминлар дўзахда абадий коладилар;
- шафоат фақат яхши одамларга нисбатан қилинур. Гуноҳларни ҳеч ким шафоат эта олмас;
- жаннат билан дўзах ҳали яратилмаган. Чунки Аллоҳ дўзах аҳллари ва жаннат аҳллари сонини қиёматгача аник билмайди;
- қабрдаги азоб ёки роҳат, қиёмат тарозуси, Сирот кўприги, Кавсар ҳовузи кабилар аслида йўқ тушунча;
- авлиёларнинг каромати бўлмаган нарса. Чунки уларнинг каромати пайғамбарлар мўъжизалари билан бир хил бўлиб қолади;
- муқаллид (бошқаларга тақлидан мўмин бўлган одам, масалан, ота-онаси мўмин бўлгани учун ўзини мўмин ҳисоблаган киши)нинг имони қабул қилинмайди.

3. Муътазилия таълимотида пайдо бўлган оқимлар. Муътазилия таълимоти ўзининг фаолияти давомида бир қанча олимларининг ўзаро тортишувлари натижасида турли оқимларга ҳам ажралишга улгурган эди. Бунда асосан, юқорида таъкидлаб ўтилган Басра ва Бағдод мактаби вакиларининг «хизмат»лари катта бўлган. Абул Фатҳ Шахристоний «ал-Милал ван ниҳал» («Динлар ва диний фирмалар») асарида муътазилия таълимотини бир қанча оқимларга бўлиниб кетганини эътироф этган.

1. Восилия. Ушбу оқим вакиллари Абу Ҳузайфа Восил ибн Ато ал-Ғаззол Алсаънинг тарафдорлариридир (*Абу Ҳузайфа Восил ибн Ато ал-Ғаззол Бани Зоббана ёки Бани Маҳзумнинг мавлоларидандир*). У мұтазилияning дастлабки вакили бўлган. Унинг «Алсаъ» деб аталишига сабаб, у араб тилидаги «ро» товушини «гайн» қилиб талаффуз қилган. Ғаззол номини эса, Басрадаги ип сотувчилар бозорига кўп борганидан олган). Унинг фикрий қарашлари тарафдорлари «восилия» деб аталган. Улар қўйидаги ақидавий қарашлари билан бошқа мұтазилия фирмаларидан ажралиб турғанлар:

— Аллоҳнинг илм, кудрат, иродада ва ҳаёт каби сифатларини инкор қилганлар. Дастраса ушбу масала борасида мұтазилийларда ихтилофлар бўлмаган эди. Лекин Восил ибн Ато: «Кимда-ким биронта қадим сифатни Аллоҳга событ қилса, у икки илоҳни событ қилган бўлади», — деган ақидани ўртага олиб чиққан. Натижада восилия тарафдорлари эътиқоди бўйича, ҳар қандай қадим сифат гўё алоҳида илоҳдай бўлиб қолади ва Аллоҳнинг тавҳиди йўққа чиқиб қолади деган ақида юзага келган. Кейинчалик восилия тарафдорлари фалсафа китобларини кўп мутолаа қилиб улардан қаттиқ таъсирланишлари натижасида Аллоҳнинг барча сифатларини инкор этганлар;

— қадар масаласида восилийлар Маъбад ал-Жуҳаний, Фийлон ад-Дамашкий ақидасини илгари сурдилар. Восил ибн Ато қадар масаласига юқоридаги сифат масаласидан ҳам кўпроқ эътибор берган. Унинг таъкидлашича, Аллоҳ Ҳаким ва Ориф зотдир. Унга ёмонлик ва зулм нисбат қилиниши нотўғридир. У ўз бандаларига буюрган нарса-сининг аксини иродада қилиши мумкин эмас. Ахир Аллоҳ ўз бандаларининг тақдирига гуноҳни битиб, сўнгра ўзи уни жазолаши адолатдан бўлмайди. Шунинг учун банданинг ўзи яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам, имон ёки куфрни, тоат ва маъсиятни ҳам ўзи ҳосил қилувчиидир. Шу тариқа у ўзи амалга оширган ишига кўра жазоланади ёки мукофот-

ланади. Аллоҳ буларнинг ҳаммасига қодир қилиб қўяди. Банданинг феъллари ҳаракат, сукунат, суюниш, назар қилиш ва билишда чегараланади;

– «кал-манзила байнал манзилатайн» ақидаси. Восил ибн Атонинг ушбу ақидаси туфайли устози Ҳасан Басрийнинг дарсидан ҳайдалгани ва «муътазилия» номи ҳам шундан сўнг пайдо бўлгани ҳакида юқорида тўхталиб ўтилган эди;

– Жамал ва Сиффин жангларида иштирок этган икки томон мусулмонларга нисбатан билдирилган фикр. Восил ибн Атонинг фикрича, ушбу фитнада икки томоннинг бири аниқ хато қилган. Лекин қайси томон хато қилгани Аллоҳга аёндир. Икки томоннинг бири фосиқдир. Икки томоннинг ҳам шаҳодати қабул қилинмайди.

2. Ҳузайлия. Абул Ҳузайл Аллоф Ҳамадон ибн Ҳузайл Аллофнинг (ваф. 841 ёки 849 й.) тарафдорларидир. У муътазилиянинг машҳур шайхи бўлган. У муътазилия таълимотини Восил ибн Атонинг шогирди Усмон ибн Холид Товилдан ўрганган. Ҳузайлия оқими ҳам бир қанча ақидавий қарашлари билан бошқа муътазилийлардан ажралиб турган:

– Аллоҳ ўз илми билан Олимдир. Илми эса унинг зотидир. Кудрати билан Қодирдир. Кудрати эса унинг зотидир. Ҳаёт билан тирикдир. Ҳаёти эса, яъни тириклиги унинг зотидир. Ҳузайлия ушбу ақидани файласуфлардан ўзлаштирганлар;

– Абул Ҳузайл Аллоҳнинг каломи ҳакида шундай дейди: «Аллоҳ каломининг баъзисининг ўрни йўқ. Масалан, араб тилидаги «кун» (бўл) калимаси. Баъзисининг ўрни бордир. Масалан, амр, наҳий, хабар ва бошқалар;

– қадар масаласидаги сўзи. У қадар масаласида аввалгилар айтган сўзни айтади. У дунёда, яъни инсоннинг дунёдаги ҳолати борасидаги фикрида қадарийлардан ҳисобланади, охират масаласида эса жабарийлар йўлини тутади. Охиратда жаннат ёки дўзахда абадий қоладиганларнинг ҳаракати бўлмайди. Барчаси Аллоҳнинг маҳлуки

бўлади. Унда банданинг касби йўқ. Агар касби бўлса мукаллаф бўлиб қолади. Охиратда эса таклиф йўқ (таклиф масаласи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз);

– жаҳаннам ва жаннатда абадий қоладиганларнинг ҳаракатлари тўхтайди. Улар доимий жимжитликда бўладилар. Лаззатлар ёки азоблар ана шу жимжитликда ўз аҳлида жам бўлади;

– иститаат масаласи. Иститаат қалбий ишларда эмас, балки аъзолар билан бўладиган ишларда намоёндир;

– хабар етиб бормаган мукаллаф тўғрисидаги сўз. Мукаллафга Аллоҳ таолони далил билан билмоқлиги вожибдир. Агар Аллоҳни ақли билан танимаса абадий азобга лойик бўлади;

– ажал ва ризқлар тўғрисидаги сўз. Киши агар ўлдирилмаса, ўз вақтида ўлади. Агар қатл қилинса, ажалидан аввал ўлган бўлади.

3. Наззомия. Бу оқим вакиллари Иброҳим ибн Ясор ибн Ҳониъ ан-Наззомнинг (ваф. 836 й.) тарафдорлариидир. Иброҳим ибн Ясор хузайлия оқимиининг асосчиси Абул Ҳузайлнинг жияни бўлган. У Жоҳизнинг мұтазилиядаги устозларидан бири ҳисобланган. Кўп фалсафа китобларини ўқиган ва ундаги фикрларни мұтазилия эътиқодига олиб кирган. Наззомиянинг қуйидаги ақидавий қарашлари мавжуд бўлган:

– Наззом «қадарнинг яхши ёки ёмони ҳам инсондан», – деган мұтазилия эътиқодига қуйидаги фикрни қўшимча қилган: «Аллоҳ маъсият ва ёмонликтарга қодир бўлиш билан сифатланмайди. Аллоҳ ундей нарсаларга қодир эмас». Бу ақида бошқа мұтазилийлар фикрига хилофдир. Чунки улар, «Аллоҳ ёмонлик ва маъсияттарга қодир, лекин уни қилмайди. Чунки у ёмон ишдир», – деб таъкидлаганлар;

– Наззом ирова борасида, «Аллоҳ ҳақиқатда ирова билан сифатланмаган», деган ақидани илгари сурган;

– бандалар феълларининг барчаси фақатгина ҳаракатлардир ва бошқа нарса эмасдир;

- ҳақиқатда инсон нафсдир. Рух билан бадан эса, унинг қолипи, ғилофи ҳисобланади;
- барча күдрат чегарасига етган феъл яратишиликда Аллоҳнинг феълидир;
- Наззом фалсафадан «бўлинмайдиган бўлак йўқдир», деган фикрни ислом ақидасига олиб кирган;
- «жавҳар»лар («жавҳар», қалом илмида бошқа нарсалардан таркиб топмаган ва бўљакларга бўлинмайдиган нарса деб, тушунилади) жамланган «араз»дан (ўзи қойим бўла олмай бошқа нарсанинг мавжудлигига муҳтож нарса) ташкил топган;
- Аллоҳ барча мавжудотларни (наботот, ҳайвонот, инсоният) бирданига ҳозирги кўриниш ҳолатида яратган. Одам^{عَلَيْهِ السَّلَامُ}нинг яратилиши унинг фарзандлари яратилишидан олдин бўлмаган. Аллоҳ унинг фарзандларининг баъзисини маълум муддат яшириб турган;
- Куръоннинг иъжози (мўъжизаси) ўтган ва келажак ишлар ҳақида хабар беришда ва арабларни даъво қилишдан мажбуран буришда намоён бўлади. Зоро, Аллоҳ уларга имкон берганда балоғат, фасоҳат ва назмда Куръонга ўхшаш асарни ёза олардилар. Яъни аслида улар ҳам бирор сурага ўхшаш нарса айтишга имконлари етар эди. Лекин Аллоҳ томонидан улубу қобилият мажбуран улардан тўсиб қўйилган;
- ижмо ва қиёс шариатда ҳужжат эмас. Лекин бегуноҳ имомнинг сўзи ҳужжат бўлиши мумкин;
- банда «самъ» (хабар эшитиш) келмасидан олдин ҳам коғир бўлиши мумкин. Киши оқил (ақлли), ҳужжат излашга имконли бўлса, ҳужжат ва далиллар билан Аллоҳни танимоқлиги лозим;
- Наззом «кал-ваъд вал ваййд» масаласи ҳақида шундай дейди: «Ким 199 дирҳамни ўғирласа ёки бошқа нарса билан кимгадир хиёнат қилса, ўғирлаган нарсаси закот нисобига етмагунга қадар фосиқ бўлмайди. 200 дирҳамни ўғирласа фосиқ бўлади.

4. Хобития ва ҳадасия. Хобития вакиллари Аҳмад ибн Хобитнинг (ваф. 847 й.) издошлариdir. Шунингдек, ҳадасия вакиллари Фазл ал-Ҳадасий (ваф. 871 й.) номли олимнинг издошлариdir. Ушбу икки олим ҳам Наззомнинг назариясига эргашган. Улар ҳам фалсафа китобларидан таъсиrlанган ва наззомия оқимиға қуйидаги ақидавий қарашларни киритганлар:

- улар насронийларнинг «Исо Масиҳ охиратда маҳлуқотни ҳисоб-китоб қиласи», деган эътиқодларига мувофиқ Исо^{худо}да илоҳийлик ҳукмини сабит қиласидилар;
- улар ўз эътиқодларида таносух эътиқодига мувофиқ айрим фикрларни илгари сургандилар;
- уларнинг фикрича, бандалар қиёматда Аллоҳни кўзлари билан эмас, қалб ва ақл билан кўра оладилар.

5. Бишрия. Бишр ибн Мўътамарнинг (ваф. 825 й.) издошлари. У мұтазилия уламоларининг пешқадамларидан бўлган. Унинг ақидавий қарашлари мұтазилияning бошқа фирқаларидан қуйидаги масалалар билан ажralиб туради:

- ранг, там, ҳид, идрокларнинг барчаси эшитиш ёки кўришдан пайдо бўлади. Бишр ушбу ақидасини файласуфлардан ўзлаштирган;
- иститаат тананинг ва тана аъзоларининг соғломлиги-дадир;
- Аллоҳ гўдакни азоблашга қодир. Агар бу ишни қилса, золим бўлади. Лекин бу гапни Аллоҳ ҳакида айтишилик тўғри эмас. Агар Аллоҳ гўдакни азобласа, у гўдак балоғатга етган, ақлли ва гуноҳкор, жазога ҳақли бўлиб қолади;
- Аллоҳнинг иродаси феъллардан бир феълдир. Аллоҳнинг иродаси икки хил бўлади: зотий сифат ва феълий сифат. Зотий сифат бу Аллоҳ ўзининг барча феълларини ва бандаларнинг тоатини ирова қилмоқлигидир. У Ҳаким зот бўлиб, яхшиликни билиб туриб, уни ирова қилмаслиги мумкин эмас. Феълий сифат

эса, агар ўзининг феълини ирода қилса, бу уни яратмоқлигидир. Агар бандаларнинг феълини ирода қилса, унга буюрмоқлигидир;

– Аллоҳнинг бир лутфи борки, агар уни берса, ердаги барча мўминлар савобга ҳақли бўладиган даражада имонга эришадилар. Лекин буни Аллоҳ бандаларига бермоқлиги вожиб эмас;

– ким бир гуноҳи кабирадан тавба қилса, сўнг яна унга қайтса, у аввалги гуноҳининг ҳам жазосини олади. Чунки унинг аввалги тавбаси гуноҳга қайтмаслик шарти билан қабул қилинган эди.

6. Муаммария. Муаммар ибн Ибод Сулламийнинг (ваф. 830 й.) тарафдорлариdir. Унинг исми Абу Амр Муаммар ибн Ибод ас-Сулламий бўлиб, машхур олим бўлган. Муаммария оқими қадарийларнинг энг каттаси бўлиб, Аллоҳнинг сифатларини ва қадарнинг яхшиси ва ёмони Аллоҳдан эканини инкор қилган. Муаммариylар қўйидаги ақидавий фикрлар билан бошқа мұтазилийлардан ажралиб турган:

– Аллоҳ «жисм»лардан бошқа нарсани яратмаган. «Араз»лар эса, «жисм»лардан пайдо бўлган нарсадир. У мажбурий бўлиши мумкин: худди олов ёнишни пайдо қилганидек. Ёки ихтиёрий бўлиши мумкин: худди ҳайвон ҳаракатни, жим туришни, тўпланиш ва бўлинишни пайдо қилганидек;

– Аллоҳнинг бирор нарсани ирода қилиши аслида бирор нарсани яратиши ҳам эмас, амр ҳам эмас, хабар ҳам эмас.

Муаммариянинг ушбу қарашида тушунарсизлик ва чигаллик бор. Чунки инсон Аллоҳнинг иродасидан бошқа ишни қилмайди. Зеро, туриш, ўтириш, ҳаракат қилиш, жим туриш каби таклифий ишларнинг барчасида инсон Аллоҳнинг иродасига таянади. Муаммариянинг яна бир ақидасига кўра, инсон аслида жасад бўлмаган маъно ва жавҳардан иборат. Инсон олим, қодир, муҳтор, ҳаким ҳисобланса-да, лекин у ҳаракатланувчи, жим турувчи эмас. У кўрмайди,

ушламайди, ҳис қилмайди ва бирор жойга тушмайди ҳам. Уни макон ўраб олмайди, замон ҳам қамраб олмайди. У фақат жасадни бошқарувчидир. Инсоннинг ўз жасадини бошқариши жасади билан бўлган алоқаси ҳисобланади.

7. Мардория. Бу оқимнинг асосчиси Абу Мусо кунясини ва ал-Мардор лақабини олган Исо ибн Субайх ҳисобланади (ваф. 841 й.). Сўзга уста, кўп қисса айтувчи Исо ибн Субайх мұтазилийларнинг пешқадам олимларидан бўлган. У Бишр ибн Мұттамарнинг шогирди бўлган. Исо ибн Субайх зоҳид инсон бўлиб, «мұтазилийларнинг роҳиби» деган лақабни олган. Унинг оқими бошқа мұтазилия оқимларидан қуидаги фикрлар билан ажралиб туради:

– уларнинг қадар ҳақидаги фикрларига кўра, Аллоҳ ёлғон гапириш, зулм қилишни тақдир қилган. Лекин у ёлғон гапирса (ўз ваъдасида турмаса) ёки зулм (тақводор билан осий мўминни баробар жаннатга киргизса) қилса, ёлғончи, золим илоҳ бўлиб қолади.

– Куръон ҳақида фикрларига кўра, инсонлар аслида фасоҳат, балоғат ва назмда Қуръонга ўхшаш асарни яратишга қодирлар. Куръон эса маҳлукдир (яратилган). Кимки Қуръонни қадим деб ҳисобласа ва «бандаларнинг феълларини Аллоҳ яратади», деса, у диндан чиқади.

8. Сумомия. Ушбу оқимга Абу Муин Сумома ибн Ашрас ан-Нумайрий (ваф. 828 й.) асос солган. Мұтазилиянинг обрўли уламоларидан ҳисобланган Сумома ибн Ашрас Жоҳизнинг устози бўлган ва Ҳорун ар-Рашиднинг саройида фаолият олиб борган. Сумомия оқими қуидаги ақидавий қарашлари билан ажралиб турган:

– фосиқ мўмин тавбасиз ҳолатда ўлса, дўзахда абадий қолади, ҳаётлик чоғида эса икки манзилнинг ўртасида бўлади;

– кофирлар, мушриклар, мажусийлар, яхудийлар, насронийлар, зиндиклар ва даҳрийлар ҳам қиёмат кунида худди ҳайвонлар, қушлар ва мўминларнинг сагир ўлган болалари

каби тупроққа айланиб кетади;

— иститоат, саломатлик ва аъзоларнинг соғломлиги уларнинг балолардан холи эканлигидир. Бу эса феълдан олдин бўлади.

— маърифат назардан пайдо бўлади. Назар бу бажа-рувчиси йўқ ишдир;

— сумомиянинг ақлга қараб иш қилиш ва хабар етиб бормасдан олдин маърифатни вожиб қилиш ҳақидаги фикрлари бошқа мұтазилия оқимларининг фикрларига ўхшайди. Лекин ушбу масаладаги айрим қарашлари бошқа оқимларнинг фикрларига хилофдир. Масалан, «кофиirlарнинг орасида ўз холиқини танимасликда узрли бўлганлари ҳам бор, маърифатларнинг барчаси зарурий нарсадир. Ким Аллоҳни танишга мажбур бўлмаса унга буюрилмайди. Чунки инсон ҳам аслида бошқа маҳлукотлар (ҳайвонлар) каби яратилган», деган ақидаси бошқа мұтазилия оқимларининг қарашларига зиддир;

— инсонда иродадан бошқа феъл йўқ. Иродадан бошқа нарсалар аслида пайдо қилувчисиз пайдо бўлган нарсалардир. Олам Аллоҳнинг ўз табиати билан яратган нарсасидир.

9. Ҳишомия. Ушбу оқимнинг асосчиси Ҳишом ибн Амр ал-Футый (ваф. 841 й.) ҳисобланиб, у мұтазилия таълимотининг дастлабки вакилларидан бўлган. Халифа Маъмун билан алоқаси яхши бўлган. У қазо ва қадар масалаларида бошқа мұтазилийлардан кўра чукур кетган. Ҳишом ибн Амр Аллоҳга феълларнинг нисбатини ишлатишини тақиқлаган. Унинг таъкидлашича, Аллоҳ мўминлар қалблари орасини улфат қилмайди, балки улар ўз ихтиёrlари билан улфат бўладилар. Аллоҳ мўминларга имонни севдирмайди ва қалбларида зийнатли қилиб кўрсатмайди. «Араз»лар Аллоҳнинг холиқ (яратувчи) эканига далолат қилмайди. Унинг холиқлигига фақатгина «жисм»ларгина далолат қилади. Подшоҳлик (имомат) фитна кунларида, инсонлар бир-бирлари билан ихтилоф қилган кунларда ҳақиқий ҳисобланмайди, балки ҳамма бир-бири билан бир

фикрли бўлгандағина ҳакиқий ҳисобланади. Ҳишом ибн Амр бу фикри билан Ҳазрат Алининг халифалигига бўлган байъати фитнали кунларда бўлганига ва ҳакиқий бўлмаганига ишора қилган. Яна унинг таъкидлашича, жаннат ва дўзах ҳануз яратилган эмас. Чунки айни дамда жаннат ўз ахллари ундан фойдаланишидан (роҳатланишидан), дўзах эса ўз ахллари ундан заарланишидан (азобланишидан) холидир. Шунинг учун уларнинг мавжуд бўлишидан ҳеч қандай манфаат йўқдир. Ҳишом ибн Амрнинг бу эътиқоди кейинчалик мұтазилияning асосий ақидаларидан бирига айланди. Яна унинг эътиқодига кўра, «Аллоҳ кофирни яратади» деб айтиш мумкин эмас. Чунки кофир одам аслида куфр ва инсондан иборат. Аллоҳ эса куфрни яратмайди. Шунингдек, пайғамбарлик мақоми инсоннинг қилинган яхши амалларига мукофот тарзида берилади. Дунё бор экан, пайғамбарлик ҳам доимо бўлади.

10. Жоҳизия. Бу фирмага Абу Усмон ибн Баҳр ибн Маҳбуб ал-Каноний ал-Лайсий ал-Жоҳиз асос солган (ваф. 840 й.). У Басрада яшаган ва мұтазилийлар орасида дастлабки асар ёзган олимларидан ҳисобланган. Унинг асарлари орасида «ал-Баён ват табийин» («Баён ва тушунириш») ва «ал-Ҳайвон» («Ҳайвон зоти») каби асарлари машҳур бўлган. У фалсафага оид китобларни кўп ўқиган ва уларни балогат билан тавсифлаб, гўзал кўринишида ифодалаб берган. Жоҳиз халифа Мўътасим ва Мутаваккил замонларида яшаган ва қўйидаги ақидавий фикрларни илгари сурган:

– дўзах ахли абадий азобда қолмайди, балки улар ҳам олов табиатига айланиб кетадилар. Дўзах, бирор унга кирмаса-да ўзига тортиб олади. У ҳам бошқа мұтазилийлар каби барча сифатларни инкор этади. Унинг эътиқодига кўра, қадарнинг яхшиси ва ёмони ҳам бандадан;

– Куръоннинг ҳам аслида ўз жасади бор: бир сафар у одам қиёфасида кўринса, бир сафар ҳайвон шаклида кўринади;

– маърифатларнинг (Аллоҳнинг борлигига далолат қилувчи нарсалар) барчаси табиий, зарурий нарсадир (*яъни Аллоҳнинг борлигига бирор киши далил кўрсатиши шарт эмас. Балки, у нарсалар зарурий бўлиб, дарҳол ақл билан идрок қилиши мумкин*);

– банданинг феъли ҳам касби ҳам йўқ, фақатгина унда ирода бор. Кимки «Аллоҳ – жисм ҳам эмас, сурат ҳам эмас ва уни кўзлар билан кўриб бўлмайди. Аллоҳ одилдир ва у маъсиятларни ирода қилмайди», – деб эътиқод қилса, у ҳақиқий муслим ҳисобланади;

– кимки Аллоҳни бирор бир нарсага (жисм) ўхшатса, ёки Аллоҳдан баъзи нарсаларни инкор қилса, у ҳақиқий мушрик, кофири ҳисобланади. Кимки юқоридагиларнинг бирортасига эътиқод қилмаса ва уларни инкор ҳам қилмаса-да, лекин Аллоҳ унинг раббиси эканини, Мұхаммад^ﷺ Аллоҳнинг пайғамбари эканини икror қилса (тан олса), мўмин ҳисобланаверади ва маломат қилинмайди.

11. Ҳаййотия ва қаъбия. Бу оқим Абул Қосим ибн Мұхаммад Қаъбийнинг устози Абул Ҳусайн ибн Абу Амр ал-Ҳаййотнинг (ваф. 913 й.) ақидавий қараашлари натижасида пайдо бўлган. Унинг тўлиқ исми Абул Ҳусайн Абдураҳим ибн Мұхаммад ибн Усмон ал-Ҳаййотdir. У муҳаддис, фақиҳ ва мутакаллим бўлган.

Қаъбийнинг тўлиқ исми эса, Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Балхий Қаъбий (ваф. 931 й.) бўлиб, муътазилия шайхларидан бўлган. Бу икки олим муътазилиянинг Бағдод мактаби вакилларидан бўлган. Лекин улар айрим ақидавий фикрларда бир-бирлари билан ихтилофда бўлган.

Ҳаййот «маъдум» (йўқ нарса)ни «шайъ» («Шайъ» калом илми терминларидан бўлиб, истилоҳда мавжуд, бор деган маънони англатади. Шунинг учун Мотуридий мушаббиҳа оқимига қарши турган ҳолда Аллоҳни «Шайъ» деб эътиқод қилган. Бу ерда, «маъдум» ҳали яратилмаган нарса бўлса, у мавжудми ёки йўқми? – деган масаладаги ихтилофга

ишора қилинмоқда) деб атаган. Унинг эътироф этишича, «шайъ» билинадиган ва у ҳақда хабар бериладиган нарсадир. «Жавҳар» «адам»ликда (йўқликда) ҳам «жавҳар»дир. «Араз» «адам»ликда ҳам «араз»дир. Ундан чиқадиган, пайдо бўладиган нарса йўқликда ҳам бўлгандир. Худди шунингдек, қоралик ҳам йўқликда ҳам қораликдир. У вактда ҳамма нарса бору, аммо борлик (мавжудлик) сифати йўқдир. Ҳайот бу фикри билан маъдум нарсага ҳам борлик (мавжудлик) сифатини берган. Шунингдек, у бошқа мұтазилийлар каби сифатларни инкор қилган. Қадар, самъ ва ақл борасида ҳам бошқа мұтазилийлар билан бир фикрда бўлган.

Каъбий эса ўз устозидан қуидаги ақидавий фикрлар билан ажралиб турган:

— Аллоҳнинг иродаси ўз зотида қоим бўлган сифат эмас ва Аллоҳ ўз зотини ирова қилмайди. Унинг иродаси бирор-бир нарсанинг ичида пайдо бўлувчи эмас. Агар Аллоҳга нисбатан, «у ирова қилувчидир» дейилса, Аллоҳ олим, қодир, бирор ишга мажбурланувчи ҳам, мажбурловчи ҳам эмас, деган маъно пайдо бўлади. Агар Аллоҳга нисбатан феълларини ирова қилувчи дейилса, у феълларни илмига мувофиқ ҳолда яратувчидир, деган маъно ҳосил бўлади. Агар Аллоҳ, «бандаларнинг феълини ирова қилувчидир» дейилса, у ишларга буюрувчи ва уларга рози бўлувчи, деган маъно ҳосил бўлади. Аллоҳни эшитувчи ва кўрувчи дейилганда ҳам худди шундай бўлади. Яъни эшитувчи аслида эшитадиган нарсани билувчидир. Кўрувчи эса, кўрадиган нарсаларни билувчидир.

12. Жуббоия ва баҳшамия. Бу икки оқим Абу Али Мұҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Жуббоий (ваф. 915 й.) ва унинг ўғли Абу Ҳошим Абдусаломнинг (ваф. 933 й.) номлари билан боғлиқ. Бу икки олим мұтазилия таълимотининг Басра мактаби вакиллари бўлган. Жуббоий мұтазилия таълимотининг машхур олимларидан бўлган. Унинг Жуббоий тахаллуси Басрадаги Жуббо номли

кишлоққа тааллуқли. Бу икки олим ҳам бир қанча масалаларда бошқа мұтазилийлардан ажралиб турған ва ўзаро айрим фикрларда ихтилофда бўлганлар.

Улар қуйидаги масалаларда бошқа мұтазилийларнинг ақидавий қарашларидан ажралиб турған:

– Аллоҳ мутакаллим бўлиб, ўз қаломини «маҳал» («маҳал» калом илми термини бўлиб, ўрин, тушадиган жой маъносини англатади) ичида яратади. Аллоҳнинг қаломи ҳақиқатда бўлак-бўлак товушлар ва назм ҳолатидаги ҳарфлардир. Мутакаллим – қалом билан қоим бўлган зот эмас, балки қаломни яратган зотдир.

– Аллоҳни қиёмат кунида кўзлар билан кўриб бўлмайди. Маърифат, неъмат берувчига шукр қилишилик ва яхши билан ёмонни ажрата олишлик ақл орқали намоён бўлади. Жуббоиянинг ушбу фикрига кўра ақлий-шариат мавжуд бўлган. Ушбу оқим бошқа мұтазилийлар каби, «ким гуноҳи кабира қилса, у фосиқ бўлиб, мўмин билан куфр ўртасида бўлади, агар гуноҳига тавба қилмай ўлса, дўзахда абадий қолади» – деб таъкидлаган.

Абу Али билан Абу Ҳошим қуйидаги масалаларда ўзаро ихтилофда бўлган:

Аллоҳнинг сифати борасида Жуббоийнинг эътироф этишича, Аллоҳ зотида билувчи, зотида қодирдир. У ушбу сўзи билан Аллоҳнинг олимлигини инкор қилади. Абу Ҳошимнинг наздида эса, «Аллоҳ зотида билувчи» деган гапдан мурод – Аллоҳ бир ҳолат эгаси бўлиб, ушбу ҳолат зотдан бошқа бир маълум сифатдир. Сифат зот билан билинади, зотдан алоҳида билинмайди. Абу Ҳошим ушбу фикри билан «Аллоҳда мавжуд ҳам бўлмаган, йўқ ҳам бўлмаган ва маълум ҳам бўлмаган, номаълум ҳам бўлмаган сифатлар бор» деб ҳисоблаган.

Шунингдек, улар яна Аллоҳнинг «самиъ» (эшитувчи) ва «басир» (кўрувчи) исмларида ҳам ўзаро ихтилофда бўлганлар. Жуббоийнинг таъкидлашича, Аллоҳнинг «самиъ» ва «басир» исмларидан мурод, Аллоҳ касаллиги йўқ, тирик

зотдир.

Абу Ҳошимнинг наздида эса, Аллоҳнинг «самиъ»лиги бир ҳолат ва «басир»лиги алоҳида бир ҳолат бўлиб, Аллоҳнинг олимлигидан бошқа нарсадир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, муътазилия таълимоти вакиллари ўзларининг рационалистик қарашлари билан ҳам ўзаро гоявий тортишувда ва ихтилофда бўлганлар. Улар ўзларининг ақидавий фикрларини баён этишда асосан фалсафий мушоҳада ва мантиққа сунянган ҳолда фаолият олиб борганлар. Табиийки, муътазилийларнинг бундай фаолиятлари тарихда аҳли сунна вал жамоа уламолари томонидан кескин танқидга учраган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. *Восил ибн Ато ким бўлган?*
2. *Муътазилия таълимоти қачон ривожланган?*
3. *Муътазилия таълимотининг нечта асоси бўлган ва уни ким тузган?*
4. *Муътазилия таълимотининг қисқача ақидавий қарашлари ҳақида гапиринг.*
5. *«Миҳна» ҳаракатининг пешқадамларига қайси шахсларни мисол келтириши мумкин?*
6. *Муътазилия таълимоти ичida пайдо бўлган оқимлар ҳақида гапиринг.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мұхаммад ибн Абдурахмон ал-Ҳомиши. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
2. Оқилов С. Абул Мунан Насафи илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
3. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.

4. Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идейные расхождение в исламе).
5. Шахристоний, Абул Фатх. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Мухаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.

2.2. АБУЛ ҲАСАН АШЬАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА АШЬАРИЯ ТАЪЛИМОТИ

РЕЖА:

1. Ашъарийнинг дастлабки ҳаёт йўли.
2. Ашъарийнинг устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси.

Таянч иборалар:

*ашъария, мұътазилия,
ал-манзила байнал манзилатайн, мотуридия.*

1. Ашъарийнинг дастлабки ҳаёт йўли. Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ибн Билол ибн Аби Бурда ибн Аби Мусо Ашъарий Басрада 873 йили таваллуд топган ва 936 йили Бағдодда вафот этган. Ашъарий дастлабки илмини ўз отасидан олади ва Абу Исҳоқ ал-Марвазий ва Ибн Сурайждан/ фикҳ илмини, Закариё ибн Яҳё ас-Сожийдан ҳадис илмларини ўрганади.

Ашъарий умрининг иккинчи ярмини асосан мұътазилияга қарши курашишга бағишилаган бўлса-да, дастлаб мұътазилия таълимоти вакилларидан эди, чунки унинг устози Абу Али ал-Жуббоий ҳам мұътазилия ақидасида бўлган. Лекин ёши қирқларга етганда унинг қалбida ушбу

таълимотга нисбатан шубҳалар пайдо бўла бошлайди, у устозининг ҳалқасида ўзини нокулай сезар ва устозининг ақидавий қарашлари, фикрларидан тўлиқ қониқиши ҳосил қилмас эди. Ниҳоят, Ашъарий устозининг дарсларидан бирида унга уч мўмин ака-укаларнинг қиёматдаги аҳволи ҳақида ушбу саволни беради: Бу дунёда мўмин уч ака-ука яшаб ўтган, уларнинг каттаси тоат-ибодатда ҳаёт кечирган. Иккинчи ака эса, гуноҳ, маъсият ишлар билан яшаган. Учинчиси эса, сағирлик пайтида (балогатга етмасдан) вафот этган. Уларнинг қиёматдаги ҳолати қандай бўлади?

Жуббоий шундай жавоб беради: Катта ака аҳли тақво бўлгани учун тўғри жаннатга тушади. Иккинчиси дўзахга тушади. Чунки у осий банда бўлган эди. Учинчи ука эса жаннатга ҳам, дўзахга ҳам кирмайди. Чунки у гуноҳ ҳам, ибодат ҳам қилмаган.

Шунда Ашъарий эътиroz билдира бошлайди: Аросатда қолган кичкина ука, – «Эй Раббим, сен менга катта акам сингари узок умр берганингда, мен ҳам умримни тоат-ибодат билан ўтказардим. Сен мени сағирлик пайтимда жонимни олдинг. Энди мен жаннатга киришдан маҳрум бўлиб қолдим, менинг айбим нима?!» – деб эътиroz билдирса-чи?

Жуббоий: Аллоҳ шунда айтади: «Мен сенга узок умр берганимда, сен иккинчи акангдек гуноҳкор банда бўлардинг. Чунки мен сенинг тақдирингни аввалдан биламан. Шунинг учун мен сенга раҳм қилиб, сағирлик пайтингда жонингни олдим».

Ашъарий ҳайрон бўлиб яна сўрайди: Агар иккинчи ака, – «Эй Раббим, сен менга узок умр бердинг, мен гуноҳкор банда бўлдим. Лекин сен мени кичик укам каби сағирлик пайтимда жонимни олсанг бўлмасмиди?! Шунда мен дўзахга тушишдан сақланиб қолар эдим» – деб, эътиroz билдирса-чи?

Ашъарийнинг ушбу эътиroz сифатидаги саволига Жуббоий жавоб бера олмайди. Шундан сўнг Ашъарий

муътазилия таълимотидан воз кечади.

Ашъарийнинг ўзи «ал-Ибона ан усул ад-диёна» («Дин асосларининг баёни») китобида муътазилиядан қандай воз кечганини қуидагича ҳикоя қилиб берган: «Мен борган сари ушбу таълимотдан безиб борар эдим. Ундаги фикрлар мени асло қониқтирмас эди. Кечалари ҳам ҳаловатим йўқолган эди. Бир куни мен тунда уйгониб таҳажжуд намози ўқидим ва Аллоҳдан кўнглимдаги ғашликни даф қилишни ва мени ўз ҳидоятига бошлишини сўраб дуо қилдим. Шу аснода мен уйқуга кетибман. Шунда тушимда

Расулуллоҳ^ﷺни кўрдим ва ул зотга қалбимдаги кечаётган ғалаён ҳакида шикоят қилдим. Шунда Расулуллоҳ^ﷺ, – «сенинг нажот топишинг фақат менинг суннатимни маҳкам тутишинг билан амалга ошади», – деб жавоб бердилар. Шундан сўнг мен бир неча кун уйда михланиб қолдим, жамоат намозларига ҳам чиқиши хоҳламас эдим. Лекин еттинчи кун масжидга чиқиб, мўминларга шундай хитоб қилдим: «Эй биродарлар, мен елқамдаги ушбу тўнимни танамдан қандай ечиб улоқтираётган бўлсан, қалбимдан ҳам бидъат эътиқодни шундай улоқтириб ташляпман. Мен бугундан бошлаб муътазилия таълимотидан воз кечдим ва умримнинг қолган қисмини ушбу таълимотга қарши курашга сарфлайман».

Шундан сўнг Ашъарий Басрадан Бағдодга кўчиб ўтади ва умрининг охиригача Бағдодда фаолият олиб боради. У шундай даврда ҳаёт кечирганки, ўша даврларда фикрий курашлар авжга чиққан ва «аз-Занж» қўзғолони бўлган ва қарматийларнинг қўли баланд келиб Баҳрайндан то Шомгача (Сурия) тарқалган эди.

2. Ашъарийнинг устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси. Ашъарий ўз даврининг машҳур шайхлари, мутасаввиф ва фақиҳлари саналган Муҳаммад ибн Жарири ат-Табарий, Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий, Маҳмуд ибн Довуд ал-Исбаҳоний, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал,

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳамда ўша давр уламолари томонидан «зиндиқ»ликда айбланган Ибн ар-Ровандий билан бир даврда яшаган. Ашъарийнинг юқорида келтирилган замондошларидан маълумки, у бир томондан шунчадиний уламолар орасида ўз мавқеини тиклаб олиши зарур эди.

«Табақот аш-шофия ал-кубрө» («Шофия мазҳаби машҳур уламолари ҳақида табақот китоб») асари муаллифи ас-Субкий Ашъарий шогирдлари ҳақида маълумот бериб, уларнинг яшаган даврларини еттига бўлиб чиқкан:

Биринчи давр: Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Аҳмад ат-Тойй, Абул Ҳасан Боҳилий, Бандор ибн ал-Хусайн, Абул Ҳасан Али ибн Мухаммад Табарий.

Иккинчи давр: Абу Бакр Боқиллоний, Абу Бакр ибн Фурак. Учинчи давр: Абдулжаббор ибн Али Исфаройиний.

Тўртинчи давр: Хатиб ал-Бағдодий, Абул Қосим Күшайрий.

Бешинчи давр: Абу Ҳомид Фаззолий, Ибн Асокир, Абул Фатҳ Шаҳристоний.

Олтинчи давр: Фахруддин Розий, Сайфуддин Омидий, Иззуддин ибн Абдиссалом.

Еттинчи давр: Тақиюддин ибн Дақиқ ал-Ийд.

Ашъарийнинг илмий мероси, яратган асарлари ҳақида турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи тарихчилар унинг юзга яқин асарлари мавжуд бўлган деса, баъзилари эллиқдан ортиқ асарлар ёзгани ҳақида маълумотлар бериб ўтганлар. Ашъарий мұтазилия эътиқодида бўлган даврида ҳам ушбу таълимотга оид асарлар ёзган бўлиши мумкин. Лекин бизгача унинг мұтазилия таълимоти ҳақида бирор-бир асари етиб келмаган. Субкий «Табақот аш-шофия ал-кубрө» номли асарида Ашъарийнинг бир нечта асарлари ҳақида маълумот бериб ўтган: «ал-Умда фир руъя» («Кўриш асоси»), «ал-Фусул фирмад алал мулхидин» («Худосизларга раддия фасллари»), «ал-Муъжаз» («Мўжаз»), «Имомат Аби Бакр ас-Сиддик» («Абу Бакр ас-Сид-

диқ халифалиги»), «Халқ ал-аъмол» («Амалларнинг яратилиши»), «ал-Иститоа» («Ирода»), «ас-Сифот» («Сифатлар»), «ар-Руъя» («Кўриш»), «ал-Асмо вал аҳком» («Исламлар ва ҳукмлар»), «ар-Радд алал мужассима» («Мужассималарга раддия»), «ал-Изоҳ» («Изоҳ»), «ал-Лумай ас-сағир» («Кичик шуъла»), «ал-Лумай ал-кабир» («Кагта шуъла»), «аш-Шарҳ ват тафсил» («Шарҳ ва тафсилот»), «ал-Муқаддима» («Муқаддима»), «ан-Нақс алал Жұббой» («Жуббойнинг хатолари»), «ан-Нақс алал Балхий» («Балхийнинг хатолари»), «Мақолот ал-мулҳидин» («Динсизлар сўзлари»).

Шунингдек, энциклопедик олим Ҳожи Халифа «Кашф аз-зунун» асарида яна Ашъарийга «Тафсир Абил Ҳасан» («Абул Ҳасан тафсири»), «Изоҳ ал-бурҳон фир радд ала аҳл аз-зайғ ват түгён» («Бидъат ва түгён ахлларига қарши раддиялар изоҳи») номли асарларни нисбат бериб ўтган. Афсуски, Ашъарийнинг юқоридаги асарларининг барчаси бизгача етиб келмаган. Лекин унинг қаламига мансуб бешта: «Мақолот ал-исломийин ва ихтилоф ал-мусоллин» («Мусулмонлар сўзлари ва намозхонлар ихтилофлари»), «Рисола истиҳсон ал-ҳавз фи илм ал-калом» («Калом илмига баҳшидаликнинг эътироф этилиши ҳақида рисола»), «ал-Лумай фир радд ала аҳл аз-зайғ вал бидъ» («Бидъат ва хурофот ахлларига қарши ёрқин раддиялар»), «Рисола ила аҳл ас-сағир би баб ал-абвоб» («Аҳли сағирлар учун боблардан сараланган мактуб»), «ал-Ибона ан усул аддиёна» («Дин асосларининг баёни») номли асарларининг илмий таҳлилий нашрлари амалга оширилган.

Абул Ҳасан Ашъарий илмий меросининг аҳамияти шундаки, у мұтазилия таълимотини ошкора рад этиб, ундан воз кечгани ахли сунна вал жамоанинг янада ривожланишига катта туртки бўлди. Чунки Ашъарий даврида ҳам мұтазилийлар гарчи Маъмун ва Восик даврларидағи каби катта кучга эга бўлмасалар-да, ҳамон ўзларининқ мантиқ ва фалсафага суянган ақидавий қарашлари билан Бағдод ва

Басра шаҳарларида ўз мавқеларини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган эдилар. Айниқса, Ашъарийнинг мұтазилиянияң обрўли олимларидан ҳисобланған Абу Али Жуббой мактабини рад этиши, қайси дір маънода мұтазилия таълимотининг тарқалишига салбий таъсир ўтказди.

Ўтилған мавзуу бўйича саволлар:

1. *Абул Ҳасан Ашъарий қачон ва қаерда түгилған?*
2. *Ашъарийнинг қандай асарларини биласиз?*
3. *Ашъарий дастлаб қайси ақидавий таълимотга эътиқод қилған?*
4. *Ашъария таълимоти вакииларидан кимларни биласиз?*
5. *Ашъария таълимотига оид қандай асарларни биласиз?*

Фойдаланилған адабиётлар рўйхати:

1. Айдын Али-заде. Матуридизм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws.
2. Айдын Али-заде. Ашаризм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws.
3. Ашъарий Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибона ан усул ад-дияна. Аббос Саббоғ нашри. – Байрут: “Дор ан-нафоис” нашриёти. 1994. – 183 б.
4. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
5. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик иллюхиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
6. Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идейные расхождение в исламе).

7. Мұхаммад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Фурак. Мақолат аш-Шайх Абіл Ҳасан ал-Ашъарий. Аҳмад Абдураҳим ас-Сойиҳ нашри. – Қохира: Мактаба ас-сақофа ад-диния, 2006. – 360 б.

2.3. ҚАДАРИЯ, ЖАБАРИЯ ВА МУШАБИХА ОҚИМЛАРИ

РЕЖА:

- 1. Қадария ва жабария таълимотининг пайдо бўлиши.**
- 2. Мушаббиҳа таълимоти.**

Таянч иборалар:

<i>қадария,</i>	<i>ҳалулия,</i>	<i>мушаббиҳа,</i>
<i>најсжория,</i>	<i>заррория,</i>	<i>ирода эркинлиги,</i>
<i>жабария,</i>	<i>муҳдис,</i>	<i>муаттила.</i>

1. Қадария ва жабария таълимотининг пайдо бўлиши. Қадария таълимоти илк ақидавий оқимлардан бири бўлиб, бу таълимотга кўра, инсон ўз тақдирини ўзи яратади ва белгилайди. Ушбу таълимот ирода эркинлиги масаласида бошқа таълимотлардан ўзгача гояни илгари суради. Бу таълимот жабария таълимотига қарама-қарши гоя асосиға курилган эди. Қадария таълимотига кўра, инсон барча қилган амалларининг яратувчиси ҳисобланади. Таълимот вакиллари, жабарийлар таъкидлаган «банда мазлум» деган гоядан йироқлашиш мақсадида, банда ўз феълларининг холики, деганлар. Уларнинг фикрича, одиллик Аллоҳнинг асосий сифатларидан биридир ва Аллоҳ гуноҳни олдиндан белгилаб қўйган бўлиши мумкин эмас, Аллоҳдан фақат адолатли тақдирни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсоннинг ўз фаолияти билан боғлиқ. Демак, инсон ирода ва фаолият эркинлигига эгадир. Шунинг учун у гуноҳ килади, деган хулосага келадилар.

Қадарийлар сиёсий жиҳатдан умавийлар хонадонидан бўлган халифалар ҳокимиятига қарши турадилар. Улар-

нинг таълимотини VIII аср охирларидан мұтазилийлар изчил тарзда давом эттирдилар. Лекин мұтазилийлар ўзларини қадарийлар деб аташдан бош тортганлар. Қадария таълимоти тарихда турли оқим ғояларига сингиб кетгандылық боис мұтазилийларга ҳам, муржийларга ҳам қадарийлар нисбаси берилген.

Қадарий ва мұтазилийларнинг машхұр олыми Сумома ибн Ашрас ан-Нумайрий (ваф. 828 й.) имонни хорижийлар таълимоти асосида тушунтирган, яғни гунохи кабира қылған инсон тавбасиз вафот этса, түғри дүзахга тушади деб, таъкидлаган. Маъмун ва Мұтасим даврида қадарийлар етакчи сиёсий күч ҳисобланған. Сумома ибн Ашрас-нинг ақидавий қарашлари натижасида қадарий-мұтазилийлар таркибида «сумомия» деган оқим пайдо бўлган.

Шунингдек, қадарий-мұтазилийларнинг яна бир олими Муаммар ибн Ибод Сулламий (ваф. 830 й.) Аллоҳнинг сифатларини тубдан инкор қилиб, инсон ўз феълларининг яратувчиси, деган ақидани илгари сурган. Унинг ақидавий қарашлари негизида қадарий-мұтазилийлардан яна «муаммания» деган оқим пайдо бўлган. Сумомия ва муаммания оқимлари ҳакида юкорида тўхталиб ўтган эдик.

Калом илмида катта аҳамият касб этган яна бир ақидавий оқим – жабарийлар VII аср охири – VIII аср бошларida пайдо бўлган ақидавий таълимот ҳисобланади. Жабарийлар таълимотига кўра, инсонда иРОДА ЭРКИНЛИГИ мутлақ йўқ, деб ҳисобланған. Бунга кўра, инсон Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган яхши ёки ёмон амални мажбурий тарзда бажариши шарт. Шунинг учун ҳам бу таълимот «жабария» (мажбурлик) деб номланған. «ИРОДА ЭРКИНЛИГИ» тушунчаси жабария таълимотида мутлақ инкор қилинади. Бу эса, банда томонидан қилинған ёмон ишларда банданинг айби йўқ, деган тушунчани келтириб чиқарган. Абул Муин Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асарида, «жабарийлар, инсон худди ҳавода учайтган япроқ кабидир, шамол япроқни қаерга элитса, ўша ёққа учгани каби, деб таъ-

кидлаганлар» дейилади. Ахли сунна вал жамоа таълимотига кўра, Аллоҳ ҳеч қайси бандани бир нарсани қилиш ёки қилмасликка мажбурламайди.

Улар ўзларининг ақидаларига Куръондан қуидаги оятларни далил келтирганлар:

وَلَنْ تَسْتَطِعُوا أَنْ تَعْدِلُوا بَيْنَ النِّسَاءِ... 

Маъноси: *Хар қанча истасангиз ҳам хотинларингиз ўртасида адолатли (ҳаммасига бир хил муносабатда) бўла олмайсиз...* («Нисо» сураси, 129-оят).

 ...أَنْبِئُنِي بِاسْمَاءِ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

Маъноси: *Агар (эътирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!* («Бақара» сураси, 31-оят).

يَوْمَ يُكَشَّفُ عَنْ سَاقٍ وَيُذْعَوْنَ إِلَى الْسُّجُودِ فَلَا يَسْتَطِعُونَ 

Маъноси: *“Болдиrlар очиладиган” (ишилар мушкуллашаадиган) ва сажда қилишга чорланишганда, (саждага) кучлари етмай қоладиган кунни (қиёматни эсланг) («Қалам» сураси, 42-оят).*

Абул Муин Насафий «Бахр ал-калом» асарида жабарийларга қарши турган ҳолда юқоридаги оятларни куидагича шарҳлайди: «Бақара» сурасининг 31-оятидан мурод, Аллоҳ бу ерда фаришталарнинг Одам Атонинг аслини билишиликда ожиз эканларини таъкидлаган. Шунингдек, «Қалам» сураси, 42-оятдан мурод, аслида кофиirlар бу дунёда Аллоҳга сажда қилишга буюрилган эдилар. Улар бу дунёда сажда қилмаганлари туфайли охиратда ҳам сажда қилиш қўлларидан келмайди.

Жабарийлар қадарийларнинг тубдан акси ҳисобланган. Бу таълимот бандада ҳеч қандай иродга эркинлиги мавжуд эмас, деган эътиқоди билан инсонда умидсизлик, тушкунлик, бепарволик кайфиятини шакллантирган.

Жабарийлар ҳам бошқа таълимотлар сингари турли оқимларга бўлиниб кетган. Уларга жаҳмия, нажжория ва заррория каби оқимларни мисол келтириш мумкин.

Нажжория оқими Ҳусайн ибн Мұхаммад Нажжор (ваф. 835 й.) номи билан боғлиқ. Унинг асосий ғоялари мұтазилия таълимотига мос келади. У бандалардаги ирода эркинлигини мавжуд деб билган. Аллоҳни қиёматда күз орқали эмас, қалб кўзи билан кўриш мумкин, деган ақидани илгари сурган. Аллоҳнинг калом сифатини «муҳдас» (*содир, ҳодис бўлган*) деб таъкидлаган.

Нажжория таълимоти, Аллоҳнинг каломи ўқилса «араз» (*ўзи қойим бўла олмай бошқа нарсанинг мавжудлигига муҳтож нарса*), ёзилса «жисм» (*«араз» билан «аъён»дан пайдо бўлган нарса*), – деган ақида билан мұтазилия таълимотидан ажralиб турган. Нажжория таълимоти вакиллари мотуридия таълимоти каби, имон фақат қалб билан тасдиқ килишдан иборат, деб таъкидлаганлар.

Заррория таълимоти Заррор ибн Амр ва Ҳафс ал-Фард номли олимлар билан боғлиқ. Улар Аллоҳнинг сифатлари масаласида мұаттилалар (мұтазилийларнинг бошқа номи) билан бирдир. Улар жабария таълимотидан фарқли ўлароқ, Аллоҳнинг «олим», «холиқ» сифатларини мавжуд деб биладилар. Уларнинг таълимотига қўра, Аллоҳ «араз»ни «жисм»га, «жисм»ни «араз»га айлантириши мумкин.

Жаҳмия таълимотига асли термизлик бўлган Абу Михраз Жаҳм ибн Сафвон Росибий асос солган. У Аллоҳнинг азалий сифатларини тубдан инкор килишда мұтазилия таълимоти ақидасини қўллаб-қувватлаган. Шу билан бир қаторда у ўз таълимотига қўйидаги қўшимчаларни киритган:

– Аллоҳни маҳлуқотларда мавжуд сифатлар билан сифатлаш Холиқ билан маҳлуқни бир-бирига ўхшатишдир. Жаҳмийлар бу ақидаси билан мұтазилийлар каби мушаббихаларга қарши турган;

– Аллоҳнинг илми яратган нарсаларига қараб янгиланиб боради. Бу эса, Аллоҳ зотига нисбатан «худус»ни (*ўзгариб туриши, янгиланиб бориши*) исбот килишдир. Ахли сунна вал

жамоа таълимоти вакиллари бунга қарши турган;

— жаннат аҳли ҳам, дўзах аҳли ҳам тегишли мукофот ёки жазони олиб бўлгач йўқ қилиб юборилади;

— маърифатга асосланган имон тилдаги куфр лафзи билан чиқиб кетмайди.

Бу таълимот Жаҳм ибн Сафрон вафотидан сўнг унинг номи билан атала бошланди. Жаҳм ибн Сафрон умавийлар ҳокими Наср ибн Сайёр буйруғига асосан, Салам ибн Аҳваз Мозиний томонидан 745 йил қатл қилингган.*

2. Мушаббиха таълимоти. Мушаббихалар ҳам тарихда катта из қолдирган ақидавий таълимотлардан бири бўлиб, аслида бошқа ақидавий таълимотлар негизида шаклланган. Ушбу йўналиш тарафдорлари Аллоҳни инсон шаклида тасаввур килганлар ва Қуръондаги муташобих (Аллоҳни сифатловчи оятлар) оятларни асл ҳолида таъвил қилишга ҳаракат қилганлар.

Мушаббихалар тўғридан тўғри талқин қилган оятларга куйидаги муташобих оятларни мисол келтириш мумкин:

فَالَّذِي نَعْلَمُ مَا مَنَعَكَ أَن تَسْجُدَ لِمَا حَلَقَتْ بِيَدِكَ أَسْتَكْبَرْتَ أَمْ

كُنْتَ مِنَ الْعَالِمِينَ ﴿١٧﴾

Маъноси: (Шунда Аллоҳ) деди: «Эй Иблис! «Кўлим» билан яратган нарсага сажда қилишидан сени нима ман этди?! Кибр қилдингми, ёки сен (Одамга нисбатан) олий (зот)лардан эдингми?!» («Сод» сураси, 75-оят).

وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَلِ وَالْإِكْرَامِ ﴿١٨﴾

Маъноси: Улуғлик ва Икром соҳиби бўлмиши Раббингизнинг “юзи” боқий қолур («ар-Раҳмон» сураси, 27-оят).

إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ اللَّهِ لَا تُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكُورًا ﴿١٩﴾

Маъноси: (Улар айтурлар): «Бизлар сизларни фақат Аллоҳ «юзи» учун таомлантиурмиз. Сизлардан (бу иш

учун) бирор мукофот ва миннатдорчилик кутмасмиз («Инсон» сураси, 9-оят).

Юқоридаги оятларда «қўл» (яд), «юз» (важх) сўзлари Аллоҳга нисбатан ишлатилган. Айни бу сўзлар бандаларга нисбатан қўлланилганда «жавҳар» (калом илмида бошқа нарсалардан таркиб топмаган ва бўлакларга бўлинмайдиган нарса деб, тушунилади) аъзолар тушунилади. Мушаббиҳалар оятларда келтирилган шу каби сўзларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилганиклари боис «мушаббиҳа» (Аллоҳ сифатларини банда сифатларига ўхшатувчилар) деб аталганлар.

Муташобиҳ оятларни таъвил қилиш Абу Ҳанифа каби олимлар томонидан танқид остига олинган. Кейинчалик муташобиҳ оятлар устида кўплаб тортишувлар юзага келгани боис аксарият аҳли сунна вал жамоа уламолари турли қарама-қаршилик ва фитналарнинг олдини олиш мақсадида Куръон ва сунна асосида таъвил қилишга қўл урганлар. Масалан, Абу Мансур Мотуридий «Китоб ат-тавҳид» асарида мушаббиҳаларнинг финаларини бартараф этиш мақсадида Куръондаги «ядуллоҳ» (Аллоҳнинг қўли) калимасини «Аллоҳнинг қудрати» деб таъвил қилган.

Аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодига кўра, Куръонда Аллоҳнинг сифатлари бандаларникуга ўхшамаслиги ҳақида бир неча ўринда таъкидлаб ўтилган. Аллоҳ мукаммал сифатлар билан сифатланган. Унинг сифатлари ибтидосиз азалий, интиҳосиз агадийдир. Бандаларнинг сифатлари эса, кейин пайдо бўлган ва уларнинг чегараси мавжуд. Аллоҳ Куръонда келтирилган сифатлар билан доимо сифатлангандир. У маҳлукотларни яратишдан илгари ҳам «Холиқ» (Яратувчи) деб сифатланган. Ўз каломларини Расулларига туширишдан олдин ҳам «мутакаллим» (Сўзловчи) сифати билан сифатлангандир.

Мушаббиҳалар аҳли сунна вал жамоадан фарқли равищда Куръоннинг ўзи ҳамда ундаги ҳарф, товуш,

рақамларни қадимий деб таъкидлайдилар. Ахли сунна вал жамоа таълимотига қўра, Аллоҳ хузуридаги Қуръон ғайри маҳлук ҳисобланади. Мушаббиҳалар ўз таълимотларини кўллаб-куватлаш мақсадида, товушсиз сўзни тушуниб бўлмайди деб, ақлий далил келтирганлар.

Илк ислом даврида Қуръон таълимоти зоҳирини тушуниб, талқин қилиш тарафдори бўлган барча оқимлар, ботинийларга қарама-қарши ўлароқ, «зоҳирийлар» деган умумий ном билан юритилган.

Мушаббиҳалар аста-секинлик билан «ҳалулия» оқими тарафдорлари томонига ўтиб кетгандар. Ҳалулия тарафдорлари Жаброил фариштанинг Расулуллоҳ^ﷺга инсон суратида кўринганидек, Аллоҳ ҳам инсон суратига кириши мумкин, деган ақидани илгари сурганлар. Улар бунга далил сифатида Расулуллоҳ^ﷺнинг, Раббимни энг чиройли суратда кўрдим, деган ҳадисларини келтирганлар. Ҳалулия оқими шиа йўналиши ичида пайдо бўлган мутаассиб оқимлардан бири сифатида эътироф этилган.

Ўтилган мавзуу бўйича саволлар:

1. Қадария таълимотидан қайси оқимлар пайдо бўлган?
2. Жабария таълимотидан қайси оқимлар пайдо бўлган?
3. Мушаббиҳа оқими нима учун ушибу ном билан аталган?
4. Жабарийлар ўз ақидаларига қайси оявларни далил келтирганлар?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.
2. Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идейные расхождение в исламе).
3. Шахристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Мұхаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашк: ал-Мактаба ал-асрория, 2000. – 478 б.

4. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; тахрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Маъсул мухаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

2.4. МУРЖИИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАРИХИ

РЕЖА:

1. Муржиия таълимотининг пайдо бўлиши.
2. Муржиия таълимотида пайдо бўлган оқимлар.

Таянч иборалар:

муржиия,	иржо,	ражсо,
имон,	ваидия,	амал,
иртикоф,	гуноҳи кабира,	сирот кўприги.

1. Муржиия таълимотининг пайдо бўлиши. «Муржиия» калимаси араб тилидаги «иржо» сўзидан ҳосил бўлган. «Иржо» сўзи араб тилида икки хил маънони англатади:

Биринчи маъно: Кечиктириш, орқага суриш, бирор нарсани вақтинча орқага ташламоқ (кўйиб турмоқ). Бунга Куръоннинг «Аъроф» сураси, 111-оятининг маъносини мисол келтириш мумкин:

قَالُوا أَرْجِه وَأَحَادُ ...

Маъноси: Айтдилар: «Уни ва акаси (Хорун)ни ҳозирча қўятур...»

Иккинчи маъноси: Бирор нарсага умид қилиш.

Абул Фатҳ Шаҳристоний «ал-Милал ван ниҳал» асарида таъкидлашича, муржиия таълимотининг ақидасига «иржо» сўзининг биринчи маъноси мос келади. Чунки муржийлар мўмин банда бажариши зуур бўлган барча амалларни (фарз, суннат ва ҳ.к.) орқага сурғанлар. Бироқ, «иржо» калимасининг иккинчи маъноси (умид қилиш) билан улар

ўз ақидаларида мустаҳкам турғанлар. Яъни муржийларнинг ақидасига кўра, худди коғирга тоат фойда бермаганидек, ҳар қандай гуноҳ-маъсиятлар имонга зарар етказмайди. Улар ушбу ақида орқали гуноҳи кабира (иртико) қилган мўминнинг ҳукмини қиёмат кунига ташлайдилар ва Аллоҳнинг раҳматидан умид қиласидилар. Гуноҳи кабира қилган мўминга нисбатан бу дунёда жаннатий ёки дўзахий деб ҳукм чиқармайдилар. Ушбу ақидалари орқали муржиия таълимоти қадарий-муътазилийларнинг «ал-ваъд вал ваид» (ваидия) номли эътиқодларига қарши турувчи фирмә ҳисобланган.

Демак, муржиия таълимоти ақидасига кўра, банданинг амаллари унинг ниятидан кечикирилган, имонли инсонга ҳеч қандай гуноҳ таъсир кўрсатмайди ва гуноҳи кабира қилган шахснинг ҳукми қиёматга қолдирилади.

Ушбу ақидани биринчи бўлиб Али ибн Аби Толибнинг невараси Ҳасан ибн Муҳаммад (ваф. 719 й.) VII асрнинг тўқсонинчи йилларида куфалик Али тарафдорларига ёзган хатларида келтирган. У Али тарафдорларини бекорга қон тўкишдан тўхтатиб, умавийлар билан келишувга чақирган. Унинг ёзган ушбу хатларида қонли фитналарда иштирок этган барча мўминлар ҳақида, хоҳ у ўлган ёки тирик қолган бўлсин, бирор ҳукм чиқаришдан қайтарилиган. Кейинчалик муржиия таълимоти тезда Ироққа, ундан сўнг халифаликнинг шарқий вилоятларига тарқалиб кетган.

VIII асрнинг биринчи ярмига келиб муржиия таълимотига тўлиқ асос солинган эди. Ушбу таълимотнинг кенг ривожланишида Фийлон Дамашкий (742 йил қатл этилган), Абу Абдуллоҳ Саид ибн Жубайр (ваф. 714 й.), Талақ ибн Ҳабиб Анзий (ваф. 709 й.), Амр ибн Мурра Мародий Куфий (ваф. 736 й.), Маҳориб ибн Зайёд (ваф. 734 й.), Муқотил ибн Сулаймон (ваф. 767 й.), Зар ибн Абдуллоҳ ибн Зарора Ҳамадоний Куфий (Ҳажжож томонидан 699 йил қатл қилинган), Амр ибн Зар ибн Соҳиб ал-Ҳомиш (ваф. 770 й.), Муҳаммад ибн Шабиб, Солиҳий ва Холидий каби

олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар. Ўқорида номлари зикр этилган уламоларнинг барчаси хорижийлар ҳамда қадарий-муътазилийларга зид равишда гуноҳи кабира қилган мўмин кофир бўлмаслиги ва дўзахда абадий қолмаслиги ҳақидаги ақидани илгари сурганлар.

Муржиия таълимоти ақидасига кўра, имоннинг ёлғиз ўзи банданинг жаннатга кириши учун кифоя қилган. Амаллар эса, жаннатдаги даражаларнинг кўтарилишига сабабчи восита ҳисобланган. Шунинг учун ҳам муржийлар Куръон ва ҳадисларда кўрсатилган ҳар қандай вазифаларни мустаҳаб, қайтариқларни эса, огоҳлантириш сифатида эътироф этганлар. Ушбу ақидаларига Куръоннинг «Аъроф» сураси, 31-оятини далил келтирганлар:

* يَبْنَىٰ إِدَمْ خُذُوا زِينَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُوْا وَأَشْرَبُوْا وَلَا
شُرِفُوا إِنَّهُ لَا سُبْحَبُ الْمُسْرِفِينَ ﴿٣١﴾

Маъноси: Эй, Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зоро, У исроф қилувчиларни севмагай.

Ушбу оятни шарҳлаб, муржиия таълимоти вакиллари: «Мўмин яхши ишларни амалга ошиrsa, ажрга сазовор бўлади. Аксинча, қайтарилган ишлар билан шуғулланса, у инсон жазога тортилмайди. Чунки ушбу оятда муқаррар жазо зикр этилмаган», – деб таъкидлаганлар.

Шунингдек, мўржиия таълимоти ақидасига кўра, жаннат билан дўзах бир-биридан факат неъматда фарқланади. Яъни гуноҳкор мўмин жаннат неъматлари билан сийланмайди. Аксинча, тақводор мўмин эса жаннат ноз-неъматлари билан сийланади. Умуман олганда, муржийлар бошқа ақидавий таълимотлардан имон, гуноҳи кабира ҳамда жаннат, дўзах масалаларида ажралиб турганлар.

2. Муржиия таълимотида пайдо бўлган оқимлар.

Муржиия таълимоти ҳам мұтазилия каби бир қанча оқимлардан ташкил топган. Абул Фатҳ Шахристоний «ал-Милал ван ниҳал» асарида муржийларни тўрт гурухга тасниф қилган:

- хорижий муржийлар (гуноҳи кабира масаласида хорижийлар йўлини тутган муржийлар);
- қадарий муржийлар (инсон ўз тақдирининг яратувчиси деб эътиқод қилувчилар);
- жабарий муржийлар (инсондаги ирода эркинлигини инкор этувчилар);
- соф (холис) муржийлар (гуноҳи кабира қилған шахс Аллоҳ томонидан афв этилишига умид қилувчилар).

Муржийлардан Мұхаммад ибн Шабиб, Солиҳий, Холидий ва ғийлония оқими асосчиси Ғийлон Дамашкий каби олимлар қадарий-муржийларнинг етакчи уламолари хисобланганлар.

Муржийлар хорижия, мұтазилия таълимотлари каби имон масаласида бир неча оқимга бўлинниб кетган. Абул Ҳасан Ашъарий «Мақолот ал-исломийин» асарида муржийларнинг имон масаласида 12 та гурухи ҳақида маълумот берган.

«Ал-милал ван ниҳал» асарида соф (холис) муржийларнинг имон масаласида бўлинниб кетган қуйидаги олти гурухи ҳақида маълумот келтирилган: 1. Юнусия. 2. Убайдия. 3. Фассония. 4. Савбония. 5. Тумания. 6. Солиҳия.

1. Юнусия. Юнус ибн Нумайрий томонидан асос солинган. Ушбу оқимнинг ақидасига кўра, имон Аллоҳни таниш (маърифат қилиш), Унга ихлос қилиш, кибрда бўлмаслик ва чин қалбдан севишдан иборат. Имон билан амаллар бошқа-бошқа нарсалардир. Буюрилган амалларни бажариш, қайтарилиган амалларни тарк қилиш имон негизига таъсир кўрсатмайди. Гуноҳкор мўминнинг имони чин қалбдан бўлса, ҳатто у бериладиган жазодан ҳам кутилиб қолади.

Умуман олганда, юнусия оқимида имон юқоридаги түрт унсурдан (маърифат, ихлос, кибрдан йироқда бўлиш, қалб билан севиш) иборат бўлган. Мўминда мазкур талаблардан бири бўлмаса, у диндан чиқкан ҳисобланган.

Юнус ибн Нумайрийнинг эътиқодига кўра, жаннатга тоат ёки амал билан эмас, балки холис имон ва муҳаббат билан эришилади. Унинг таъкидлашича, шайтонда аслида имоннинг юқоридаги түрт шартларидан фақат биттаси мавжуд бўлмаган. Шайтон Аллоҳга нисбатан кибрдан сақлана олмагани учун унинг имони йўққа чиқкан. Нумайрий ушбу фикрига Қуръондан «Бақара» сураси, 34-оятни далил келтирган:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ أَسْجُدُوا لِأَدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَلَّى وَأَسْتَكَبَرَ

وَكَانَ مِنَ الْكَفَرِينَ

Маъноси: Эсланг, (эй, Мұхаммад!) Биз фариштапарга: «Одамга сажда қилинг!» – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, тақаббурлик қилди ва коғирлардан бўлди.

2. Убайдия. Ушбу оқимга Убайд ал-Муктаиб асос солган. Убайднинг даъвосига кўра, имон келтирган шахснинг ширкдан бошқа барча гуноҳи ҳеч қандай шубҳаларсиз афв этилиши керак.

Убайдия оқими тарафдорлари мушаббиҳа ва мужассима оқимлари каби Аллоҳни инсонга хос бўлган қиёфага ўҳшаттганлар. Ушбу ақидаларига қўйидаги ҳадисни далил келтирганлар: «Албатта Аллоҳ Одамни ўзининг Раҳмон суратида яратди». Ушбу ҳадисга таянган ҳолда улар, «Аллоҳ инсон қиёфасидадир», – деб қатъий таъкидлаганлар.

3. Фассония. Фассон Куфий асос солган оқим. Фассон ҳам имонга юқоридаги оқимлар каби шарҳ берган. Унинг таъкидлашича, имон Аллоҳни, унинг пайғамбарларини таниш (маърифат қилиш) ва Аллоҳ туширган барча

нарсаларга иқрор бўлишдан (тасдиқлаш) иборат.

Фассоннинг фикрича, мўминнинг имони камаймайди ва кўпаймайди. Агарда имон келтирган одам: «Мен Аллоҳ тўнғизни ҳаром қилганида, айнан тўнғизними ёки қўй, эчкини назарда тутганини аниқ билмасам-да, тўнғиз гўштини ейишни ҳаром деб биламан» – деса, мўмин ҳисобланаверади. Шунингдек, у: «Мен аслида Каъбанинг қаерда жойлашганини аниқ билмасам-да, балки у ҳинд диёридадир, Аллоҳ Каъбани ҳаж қилишни фарз қилганига аниқ ишонаман» – деса, мўмин ҳисобланаверади. Чунки аслида тўнғиз билан қўй ўртасида фарқ ойдек равшан ва Каъбанинг қаерда жойлашгани ҳаммага маълум бўлса ҳам, унинг тўнғизнинг асл шакл-шамоили ёки Каъбанинг макони борасида шубҳалари имоннинг шартларидан ташқаридадир.

4. Савбония. Абу Савбон ал-Муржий асос солган оқим. Савбонийлар ҳам имоннинг шартларига Аллоҳни, унинг расулларини таниш (маърифат қилиш) ва иқрор (тасдиқлаш) бўлишни асос қилиб олганлар. Улар мўмин бажариши лозим бўлган барча амалларни имондан орқага ташлаганлар. Абу Савбоннинг ақидасини Абу Марвон, Фйлон ибн Марвон Дамашкий, Абу Шамар, Мувайс ибн Имрон, ал-Фазл ар-Роқиший, Мухаммад ибн Шабиб, Муқотил ибн Сулаймон каби олимлар қўллаб-қувватлаганлар.

Фйлон Дамашкий қадар масаласида, яхши ва ёмон амалларнинг барчаси бандадан бўлади, деб таъкидлаган. Ушбу ақидаси билан қадарийларга яқин турган. Имомат масаласида эса, халифалик қурайш ахлидан бошқаларга хос, деб таъкидлаган ва хаворижларга яқин турган.

Савбонийларнинг яна бир вакили Муқотил ибн Сулаймоннинг таъкидлашича, гуноҳ-маъсиятлар тавҳид ва имон соҳибига зарар етказмайди. Шундай экан, гуноҳкор мўмин дўзахга тушмайди. Чунки мўминнинг дўзахга тушиши мумкин эмас. Осий мўминларга азоб дўзахда эмас,

балки дўзахнинг устида жойлашган сирот қўпригида берилади. Бунда осий мўмин дўзахдаги азоб билан эмас, балки олов алангасининг ловуллаши, шуъласи ва иссифи билан азобланади. Гунохлари микдорича азобланиб бўлгач, жаннатга киради.

5. Тумания. Ушбу оқимга Абу Муоз Туманий асос солган. Тумания оқими вакиллари имоннинг шартларини бошқа муржийларга нисбатан янада қисқартирганлар. Уларнинг эътиқодларига кўра, имон – куфрдан четлашишдир. Абу Муознинг даъвосига кўра, катта гуноҳ бўладими, кичик гуноҳ бўладими, уни содир қилган инсонни мусулмонлар кофирга хукм қилмаганлар. Туманиянинг ҳам ақидасига кўра, имон аслида маърифат, тасдиқ ва ихлосдан иборат ҳисобланган. Шунингдек, тумания оқимининг таъкидлашича, агар мўмин намоз ва рўзани қасддан тарк қилган бўлса, яъни уларни бажаришдан бош тортса диндан чиққан ҳисобланади. Лекин қазо ниятида уларни бажармаган бўлса, диндан чиқмайди.

6. Солиҳия. Солиҳ ибн Умар, Солиҳий, Муҳаммад ибн Шабиб, Абу Шамар ва Гийлон ибн Марвон каби олимларнинг фикрий қарашлари таъсирида юзага келган оқим. Ушбу олимлар қадар ва иржо масаласида битта фикрда бўлганлар. Лекин имон масаласида турлича ақидани илгари сурганлар.

Солиҳийнинг таъкидлашича, имон мутлақ Аллоҳни танишдан (маърифат) иборатдир. Аллоҳни маърифат қилиш унга нисбатан чин муҳаббат ва итоаткор бўлишдадир. Банданинг ўз ақди билан Аллоҳга имон келтириши унинг имонли бўлишига кифоя қиласи. Расулуллоҳ^ﷺга имон келтириш эса, имоннинг шартига кирмайди. Шахристонийнинг таъкидлашича, Солиҳий Расулуллоҳ^ﷺдан қуидаги ҳадис келган бўлса ҳам, ушбу ақидасида мустаҳкам турган:

«من لا يؤمن بي فليس بمؤمن بالله تعالى»

Хадис маъноси: Ким менга имон келтирмаган бўлса, бас у Аллоҳга ҳам имон келтирмаган бўлади.

Солиҳийнинг таъкидлашича, намоз аслида Аллоҳга ибодат эмасдир. Аллоҳга ибодат – фақат унга имон келтиришдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, муржия таълимоти вакиллари асосан қадарийлар ва хорижийларнинг ақидаларига муҳолиф бўлганлар. Лекин баъзи тарихий манбаларда Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ва унинг издошларини ҳам муржиилардан деб эътироф этилган. Бунга Абу Ҳанифа ва Абу Мансур Мотуридийнинг имоннинг шартларига амалларни қўшмаганлари ва гуноҳкор мўминнинг дўзахда абадий қолмаслиги ҳақидаги қарашлари сабаб бўлган. Лекин Абу Ҳанифа ва мовароуннахрик жамики ҳанафий уламолар муржииларнинг юқорида келтирилган барча ақидаларига қарши тургандар. Абу Ҳанифа ҳам ўзининг «ар-Рисола ала Усмон ал-Баттий» ва Абу Мутиъ Балхий ривоят қилган «ал-Фиқҳ ал-абсат» номли асарларида ўзининг муржия таълимотидан эмаслигини баён қилган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. *Муржия таълимоти қачон ва қандай шароитда юзага келган?*
2. *Муржия таълимотининг бошқа таълимотлардан фарқли жиҳатлари нимада эди?*
3. *Муржия таълимоти нечта оқимларга бўлинган?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Маколот ал-исломийин ва ихтилоф ал-мусоллин / X. Питер нашрга тайёрлаган. – Wiesbaden: 1963. – 358 б.
2. Madelung W. The Early Murji'a in Khurāsān and Transoxania and the Spread of Hanafism // Der Islam. – 1982. – № 59. – Б. 32-39.

3. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.
4. Собуний, Нуруддин Ахмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр. Ал-Бидоя фи усул ад-дин / Бакр Тўпалўғли нашрга тайёрлаган. – Анқара: 1995. – 143 б.
5. Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идейные расхождение в исламе).
6. Шаҳристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашк: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.
7. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Масъул мұхаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

УЧИНЧИ БОБ

АҚИДАВИЙ МАВЗУЛАР ТАВСИФИ

3.1. ИМОН МАСАЛАСИ

РЕЖА:

1. Имоннинг шартлари хусусидаги қарашлар.
2. Имоннинг «камайиши» ёки «зиёда бўлиши» ҳақидаги фикрлар.
3. «Имон» ва «ислом» тушунчалари орасидаги фарқ ва уйғунлик.

Таянч иборалар:

мўмин,	имон,
ислом,	муслим,
тавба,	қалб,
иқрор,	тасдиқ.

1. Имоннинг шартлари хусусидаги қарашлар. «Имон» масаласи калом илмининг энг нозик ва асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Чунки имонга берилган таъриф орқали банданинг хатти-ҳаракатига ҳукм чиқарилган. Шунинг учун ҳам ислом тарихида уламолар имонга турлича таърифлар берганлар. Уларни шартли равишда уч ийрик гурухга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – И мом Шофий, И мом Аҳмад ибн Ҳанбал, И мом Молик каби уламолар, мұтазилийлар ва ашъария уламолари имонга: «ал-Имон – иқрор би-л-лисон ва тасдиқ би-л-жанон ва-л-амал би-л-аркон», яъни «Имон – тил билан иқрор, дил билан тасдиқ ва арконларга амал қилиш» деб таъриф берганлар. Бу таърифга кўра, имоннинг шарти: тил билан «Ла илаха иллаллоҳ Мұҳаммадур расулуллоҳи» калимасини айтиб, қалбан ишониш, тасдиқ-

лаш ва арконларни (*намоз, рўза, закот, ҳаж*) бажариш, деб ҳисоблаганлар.

Иккинчи гурух – Имом Аъзам Абу Ҳанифа ва мотуридия уламоларининг таърифига кўра: «ал-Имон – ал-икор бил лисон ват тасдиқ бил қалб бимо жоа биҳи мин индиллоҳи Мұхаммадур расулуллоҳи саллаллоҳу алайҳи васаллам», яъни «Имон – Мұхаммад, унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломлари бўлсин, Аллоҳнинг ҳузуридан келтирган нарсаларни тил билан иқор қилиб, қалбан ишониш, тасдиқлаш»дан иборат. Бу таърифга кўра, асосан, қалб билан тасдиқлаш имоннинг ажралмас қисми ҳисобланган.

Учинчи гурух – жаҳмийлар ва карромийлар имоннинг фақатгина ягона сўз эканлигини ва унинг қалбда бўлиши шарт эмаслигини таъкидлаганлар. Карромийлар ўз фикрларига қўйидаги ҳадисни далил қилганлар:

من قال لا اله الا الله فدخل الجنة

«Кимки «Ла илаха иллаллоҳ» калимасини айтса, албатта жаннатга киради».

Юқорида имонга берилган уч хил таъриф орасида ҳанафий мазҳаби уламоларининг қарашлари мўътадил ҳисобланган. Мотуридия уламолари карромийларнинг фикрларини қоралаб бир қатор нақлий ва мантиқий далилларни келтирадилар. Жумладан, мотуридия таълимоти вакили Абул Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида имоннинг фақат тил билан қарор топишини инкор этиб, Куръоннинг «Моида» сураси, 41-оятни далил келтиради:

* ... يَتَأْيِهَا أَرْسُولُ لَا سَخْنُكَ الَّذِينَ يُسَرِّعُونَ فِي الْكُفْرِ مِنَ

الَّذِينَ قَالُوا إِيمَانًا بِأَفْوَهِهِمْ وَلَمْ تُؤْمِنْ قُلُوبُهُمْ ...

Маъноси: Эй, Расул! Оғизлари билан: «Имон келтирдик» дейдиган, (лекин) диллари имон келтирма-

ганлардан ... (бир қисми) куфр сари интилаётганлари Сизни хафа қилмасин!... Муаллиф ўз асарида далил қилиб келтирган мазкур оятда тил ва дилнинг икки хил бўлиши, яъни тилда имон келтириб, дилда имон келтирмаслик имонлилик эмас, балки имонсизликка интилиш экани зикр этилган.

Насафийнинг фикрича, агар имон фақат тил билан калимани айтишдан иборат бўлса, мунофиқ билан мўмин ўртасида фарқ қолмайди, яъни бундай ҳолатни мунофиқлик белгиси, деб ҳисоблади. Унинг таъкидлашича, агар имон қалб билан бўлмаса, ундан ҳеч қандай фойда йўқ.

Ҳанафийлар имоннинг қалбда бўлишига яна «Хужурот» сураси, 17-оятни далил келтирадилар:

يَمُنُونَ عَلَيْكَ أَنْ أَسْلَمُوا قُلْ لَا تَمُنُّوا عَلَىٰ إِسْلَامَكُمْ بَلِ اللَّهُ يَمُنُّ
عَلَيْكُمْ أَنْ هَذَنَكُمْ لِلإِيمَانِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٧﴾

Маъноси: Улар Сизга исломга киргандарини миннат қилмоқдалар. Айтинг: «Сизлар менга исломингизни миннат қилмангиз, балки агар (имонингизда) содик бўлсангизлар, билингизки, Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилур.

Ҳанафийлар яна «Мумтаҳана» сураси, 10-оятни далил келтирадилар:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمَنُوا إِذَا جَاءَكُمُ الْمُؤْمِنَاتُ مُهَاجِرَاتٍ فَامْتَحِنُوهُنَّ
اللَّهُ أَعْلَمُ بِإِيمَانِهِنَّ ... ﴿١٠﴾

Маъноси: Эй, мўминлар! Қачонки, сизларга (Макка коғирлари томонидан) мўмина аёллар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб қўрингиз! Аллоҳ уларнинг имонларини (бор ёки йўқлигини) яхшироқ билгувчидир...

Шунингдек, ҳанафия-мотуридия уламолари Имом Шоғиий, мұтазилийлардан фарқли равишда амалларнинг

имондан алоҳида эканини эътироф этганлар. Абу Муин Насафийнинг таъкидлашича, Абу Мансур Мотуридий наздида имон – факат қалб билан тасдиқлашдан иборат бўлган. Мотуридия уламолари ушбу фикрларига Куръондан қуидаги оятларни далил келтирганлар:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ ...

Маъноси: Эй, имон келтирганлар! Намоз (ўқиши)га турар экансиз... («Моида» сураси, 6-оят).

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ

مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقَوْنَ

Маъноси: Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиши фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз («Бақара» сураси, 183-оят).

Насафийнинг таъкидлашича, юқоридаги оятларда Аллоҳ намоз ўқишиларидан ва рўза тутишларидан аввал, яъни мазкур амалларни бажармаган бўлсалар-да, бандаларига «мўминлар» дея хитоб қилмоқда. Мазкур оятлар ҳам имон амаллардан алоҳида эканига далил бўлади. Шунингдек, Насафий асҳоби каҳф ва фиръавн сеҳргарлари амалларни бажармаган бўлсалар-да, уларнинг имонлари Аллоҳ ҳузурида қабул қилинганини таъкидлайди.

Имом Шофий эса, амаллар имоннинг ажралмас қисми эканини эътироф этиб, Куръоннинг «Бақара» сураси, 177-оятини далил келтирган:

* لَيْسَ الْبَرَّ أَنْ تُؤْلُوا وُجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبَرَّ
مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلِئَكَةِ وَالْكِتَبِ وَالنَّبِيِّنَ وَءَاتَى

الْمَالَ عَلَىٰ حُتِّهِ دَوِيَ الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَمَّىٰ وَالْمَسِكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ
 وَالسَّاَلِيلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الْصَّلَاةَ وَأَتَى الْزَكَوَةَ وَالْمُوفُوتَ
 بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَنْهُدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَاسَاءِ وَالضَّرَاءِ وَجِينَ الْبَاسِ^١
 أَوْلَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأَوْلَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ

Маъноси: Юзларингизни *Машириқ ва Мазриб томонларига буришингиз* (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фарииштадарга, китобларга, пайгамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жсанг пайтида сабр қилувчилар яхшилик (аҳли)дир. Айнан ўшалар (имонларида) содикдирлар ва айнан ўшалар тақвадордирлар.

Абу Ҳанифа наздида, мўминни амалларни мутлақ инкор этмасдан уни бажармаслиги имондан чиқармайди. Балки у осий, яъни гуноҳкор мўмин бўлади. Шунингдек, мўмин гарчи катта гуноҳ содир қилган бўлса ва уни ҳалол хисобламаса, у ҳам имондан чиқмайди, балки фосиқ-мўмин бўлади. Мұтазилийлар эътиқодига кўра, бундай мўминлар бу дунёда мўминлик билан куфр ўртасида қолади (алманзила байнал манзилатайн) ва охиратда абадий дўзахда бўлади. Имом Шофийй ва Имом Абу Ҳанифа наздларида мўминлар тавба орқали ўз гуноҳларидан фориғ бўлишлари мумкин, ёки охиратда шафоат орқали жаннатга киришлари мумкин.

Ушбу масаланинг ҳозирги кундаги аҳамияти шундаки, айни вактда айрим ҳиссиятга берилган адашган оқим вакиллари юкорида келтирилган шариат амалларини

(намоз, рўза, закот, ҳаж) бажармаётган мусулмонларни диндан чиққанликда ва куфрда айбламокдалар. Абу Ҳанифа ва Мотуридийнинг юқоридаги ақидавий қарашлари бундай оқимларнинг даъволари нотўғри эканига далил бўлади. Масаланинг яна бир нозик жихати борки, ҳанафия-мотуридия ақидасига кўра шариат амалларини, масалан намозни бепарволик қилиб бажармаётган мўмин осий ҳисобланса-да, лекин намозни мутлақ инкор этган мўмин диндан чиқиб қолади ва ундан имон кетади. Бироқ, ушбу хукм ўша даврдаги ҳолат нуқтаи назаридан чиқарилганини унумаслик керак. Ҳозирги кунда намоз ва бошқа шариат аҳкомларидан умуман бехабар мўминнинг тилига эрк бериб фарз амалларини инкор этиб қўйгани учун уни диндан чиққанликда ва куфрда айблаш мантиқан нотўғри ҳисобланади.

2. Имоннинг «камайиши» ёки «зиёда бўлиши» ҳақидаги фикрлар. Мўминнинг хатти-харакатига, қилган амалларига қараб имон зиёдалашибиши ёки камайиши борасида ҳам уламолар ўртасида фикрлар турлича бўлган. Абу Ҳанифа ва ҳанафия-мотуридия уламолари наздида имон зиёдалашмайди ва камаймайди. Бироқ Шофий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва мұтазилийлар фикрича, мўминнинг қилган амалларига қараб унинг имони камайиши ёки зиёда бўлиши мумкин. Шофий далил сифатида Куръондан «Фатҳ» сураси, 4-оятни келтирган:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ الْسَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لِيَرَدَّأُدُّوا إِيمَانَهُمْ مَعَ

إِيمَانَهُمْ ...

Маъноси: У (*Аллоҳ*) Ўз имонларига яна имон қўшилиши учун мўминларнинг дилларига таскин туширган зотдир...

Яна “Анфол” сураси, 2, 3-оятлари ҳам далил келтирилган:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجَلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا نُتِيتُ
 عَلَيْهِمْ ءَايَةً شَرِيكَهُمْ إِيمَانًا وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ۝ الَّذِينَ
 يُقْيِمُونَ الصَّلَاةَ وَمَمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفَقُونَ ۝

Маъноси: Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганида – диларида қўрқув бўладиган, оятлари үларга тиловат қилинганида – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиласидиган, номозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиласидиган кишилардир.

Шунингдек, Шофиий имоннинг зиёдалашувига қуидаги ҳадисни далил келтирган: Абу Хурайра, Анас ибн Молик, Абу Саид Худрий, Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ дедилар: «Кимнинг қалбида заррача ҳам имони бўлса дўзахдан чиқарилади». Шофиийнинг таъкидлашича, ушбу ҳадисга мувофиқ, инсон қалбидаги имоннинг микдори турлича бўлиши мумкин.

Абу Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида юқоридаги оятларни қуидагича таъвил қиласиди: «Фатҳ» сурасининг 4-оятида Аллоҳ саҳобаларнинг имонларини баён қиласиди. Чунки саҳобалар ҳар бир тушган оятларга имон келтириб турғанлар. «Анфол» сурасининг 2-оятидаги имон калимаси орқали Аллоҳ, аслида, мўминларнинг сифатини баён қиласиди. Чунки мўминлар имонда эмас, аслида тоатибодатда бир-бирларидан тафовутли бўладилар.

Абу Ҳанифа ҳам «Фатҳ» сурасининг 4-оятини қуидагича шарҳлаган: Саҳобалар бир сўз билан имон келтирадилар. Сўнгра бир фарзнинг кетидан яна бир фарз келганида, улар ҳар бир янги келган фарзга имон келтирадилар ва уларнинг имонлари зиёдалашади. Шу каби имонда событлик ва ундаги давомийлик ҳар соатда унинг зиёдалашувига сабабдир. Бу худди бир дирҳам мавжуд бўлиб,

сўнгра ҳар соатда унинг зиёдалашуви кабидир. Ушбу зиёдалик ўзидан бўлмай, шу билан бирга у бўлинишдан холидир. Унинг фақат қалбдаги нуригина яхши амаллар сабабли зиёдалашиши ва камайиши мумкин. Шунингдек, гуноҳ ишлар килиниши имон нурининг камайишига олиб келади. Абу Ҳанифа имоннинг нури ва зиёси бўлишига қуидаги оятларни далил келтирган:

يُرِيدُونَ لِيُطْفَئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُتِّمُ نُورِهِ وَلَا كَرِهَ
الْكَافِرُونَ

Маъноси: Улар Аллоҳнинг нурини (*Исломни*) оғизлари (бехуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи коғирлар ёқтирмаса-да, Ўз нурини (*динини*) камолга етказувчидир («Саф» сураси, 8-оят).

أَفَمَنْ شَرَحَ اللَّهُ صَدَرَهُ لِإِسْلَامٍ فَهُوَ عَلَى نُورٍ مِّنْ رَّبِّهِ فَوَيْلٌ
لِلْقَسِيَّةِ قُلُوهُمْ مِّنْ ذِكْرِ اللَّهِ أُولَئِكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ

Маъноси: Axir кўксини Аллоҳ Ислом учун (кенг) очиб қўйган, ўзи эса, Парвардигори (*томони*)дан нур (ҳидоят) узра турган киши (бошқалар билан баробар бўлурми)?! Бас, диллари Аллоҳни эслашдан қотиб қолган кимсалар ҳолигавой! Улар аниқ залолатдадирлар! («Зумар» сураси, 22-оят).

Абу Мансур Мотуридий наздида ҳам имон зиёдалашмайди ва нуқсонли ҳам бўлмайди. Унинг фикрича, инсоннинг қалбida имон худди осмонда ой ягона бўлгани каби ягона бўлади. Агарда у камайса, яримта, кўпайса бир ярим ёки иккита бўлиши керак. Бу эса ҳақиқатга зиддир. Баъзи уламолар имоннинг зиёдалашуви ҳақидаги фикрни маъқуллайдилар ва амалларни ҳам имондан деб ҳисоблайдилар. Агар шундай бўлса, унда ҳеч кимнинг имони мукаммал бўла олмайди.

Абул Муин Насафий «Табсират ал-адилла» асарида таъкидлашича, имоннинг асли тасдиқдир. Имон аслида бошқа тоат-ибодатга доир амаллар билан мукаммал бўлмайди. Амалларнинг кўпайиши тоат-ибодатнинг кўпайиши бўлиб, бу имоннинг кўпайиши эмас. Бу, худди бир уйда ўнта эркак киши бўлиб, бу уйга бир аёл кирса, уйда эркак кишиларнинг кўпайиши эмас, одамлар сонининг кўпайиши содир бўлади. Бунда кимки аёлнинг^{*} кириши билан шахсларнинг сони ортди, деса, рост гапирган бўлади. Кимки эркак кишиларнинг сони ортди, деса, ёлғон гапирган бўлади. Мотуридия уламоларининг таъкидлашича, агарда имоннинг собит бўлиши амаллар билан бўлганда, исломнинг дастлабки даврида имон келтирган ва кейин нозил бўлган фарз амалларни бажаришга улгурмай вафот этган мўминларнинг имони мукаммал ҳисобланмас эди. Бу эса мантиқдан йироқдир.

3. «Имон» ва «ислом» тушунчалари орасидаги фарқ ва уйғунлик. Аҳли сунна вал жамоанинг фикрича, «имон» билан «ислом» бир нарса, яъни «ал-калимат ал-мутародифа» (синоним сўзлар) туркумига киради. Худди «асад» билан «лайс» шер маъносини билдиргани каби. Ҳар бир мўмин – муслим ва ҳар бир муслим – мўмин ҳисобланади. Бу икки сўз бир-бирини тўлдириб турари ва уларнинг алоҳида деб таъкидлаш мантиқан нотўғридир. Чунки «имон» исм бўлиб, Аллоҳнинг ягоналигини ақл, оят ва манбаларнинг гувоҳлиги билан тасдиқлаш учундир. Бу борада унинг шериги йўқ. «Ислом» кишининг ўз нафсини тўлалигича бўйсундиришидир. Мотуридия уламоларининг фикрича, мўмин кишини бир вактда муслим эмас, ёки муслимни мўмин эмас, деб ҳисоблаш ақлсизликдир.

Бироқ айрим ақидавий оқимлар, жумладан ҳашавия оқими вакиллари имон билан ислом алоҳида эканини қатъий таъкидлаганлар ва «Хужурот» сураси 14-оятини далил келтирганлар:

* قَالَتِ الْأَعْرَابُ إِمَّا قُلْ لَمْ تُؤْمِنُوا وَلِكِنْ قُولُوا أَسْلَمْنَا وَلَمَّا
يَدْخُلُ الْأَيَّمَنُ فِي قُلُوبِكُمْ ...

Маъноси: Аъробийлар: «Имон келтирдик», – дедилар. (Эй, Мұхаммад! Уларга) айтинг: «Сизлар имон келтирғанингиз іүқ, лекин сизлар «Исломга кирдик» дәнг! (Чунки ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир».... .

Абул Муин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарида таъкидлашича, Абу Мансур Мотуридий ушбу оятни таъвил қиласр экан, ундаги «асламна» калимасини «таслим бўлмок» деб изоҳлаган. Шунга кўра, мазкур оят мазмунини куйидагича таъвил қилган: «Аъробийлар: «Имон келтирдик», – дедилар. Эй, Мұхаммад! Уларга Сиз айтинг: Сизлар ҳамон имонга кирганингиз іүқ. Балки, маглуб бўлиб таслим бўлганингиздан имон келтирмоқдасиз. Шунинг учун сизлар: «Қиличларнинг зарбидан таслим бўлдик», – деб айтинг».

Мотуридия таълимотига кўра, имон билан исломнинг бир маънода ишлатилиши, худди араб тилидаги «кууд» ва «жулус» (ўтирмок) сўзларининг бир хил маънони англатгани кабидир.

Мотуридийларнинг ақлий далилига кўра, Расулуллоҳ замонларида одамлар учта тоифага бўлинган: мўмин, коғир ва муноғик. Уларнинг қайсилари муслим бўлганлар? Ваҳоланки, уларнинг тўртинчиси бўлмаган. Муслим атамаси кам ишлатилган ва кейинроқ кенг истилоҳда ишлатилган. Абул Муин Насафий мотуридиянинг ушбу қарашларига Куръондан қуйидаги оятларни далил келтирган:

فَأَخْرَجْنَا مَنْ كَانَ فِيهَا مِنَ الْمُؤْمِنِينَ



بَيْتٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ

Маъноси: Бас, Биз у жойдаги мұмнинлардан бүлмиши кишиларни чиқарып юбордик. У жойда бир хонадондан (Лут хонадонидан) үзга мусулмонларни топмадик («Зориёт» сураси, 35, 36-оятлар).

وَقَالَ مُوسَىٰ يَتَقَوْمِ إِنْ كُنْتُمْ إِمَامَنِّمْ بِاللَّهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلُوا إِنْ كُنْتُمْ

مُسْلِمِينَ

Маъноси: Мусо деди: «Эй, қавмим! Аллохға имон келтирған экансиз, бас, Үнга таваккул ҳам қилингиз, агар мусулмон бүлсангиз, албатта» («Юнус» сураси, 84-оят).

... إِنْ تُسْمِعُ إِلَّا مَنْ يُؤْمِنُ بِعَايَتِنَا فَهُمْ مُسْلِمُونَ

Маъноси: ...Сиз фақат бизнинг оятларимизга имон келтирадиган кишиларгагина (ўз сўзингизни) уқтира олурсиз. Бас, ўшалар мусулмонлардир («Рум» сураси, 53-оят).

Мазкур оятларда «мўмин» ва «муслим» сўzlари бир маънода келган.

Шунингдек, Насафий Расулуллоҳ^ﷺдан қуидаги ҳадисни далил келтиради: «Мўмин нафсдан бошқа ҳеч ким жаннатга кирмайди». Мазкур ҳадисни Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Ҳоким каби мухаддислар Зайд ибн Ясбуғнинг Али ибн Аби Толибдан ривоят қилган йўл орқали ривоят қилганлар. Насафийнинг таъкидлашича, ушбу ҳадис, «Мусулмон нафсдан бошқа ҳеч ким жаннатга кирмайди», деган матнда ҳам ривоят қилинган. Ушбу ҳадис матнини Имом Муслим «Имон китоби»да Сайид Мусайябнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган йўл орқали ривоят қилган. Насафий юқоридаги далилларни келтириб, имон билан ислом ўртасида фарқ йўқлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, деб қатъий таъкидлаган.

Имонда истисно масаласи ҳам тарихда қатта тортишувга сабаб бўлган. Ашъарийлар ва ахли ҳадис уламолари

имонда истисно бўлиши, яъни киши мўминлигини тил билан ифодалаганда, «Мен Худо хохласа мўминман» (*Ана мўмин иншааллоҳ*), деб таъкидлаши шарт. Уларнинг эътироф этишича, банда умрининг охиригача мутлақ мўмин ҳолда бўлишини аниқ билмайди. Чунки Аллоҳ уни адаштириб қўйиши мумкин. Шунинг учун «Агар Аллоҳ хохласа» (*иншааллоҳ*) лафзи ишлатилган.

Мотуридия таълимотида эса аксинча, киши мўминлигини тил билан ифодалаганда, «Мен ҳақиқатда мўминман» (*ана мўмин бил ҳаққ*), деб таъкидлаши лозим бўлган. Абу Мансур Мотуридийнинг фикрича, Аллоҳ онанинг қорнидаги болани қачон туғилишини аниқ билса-да, у Аллоҳнинг ҳузурида тирик деб ҳукм қилинмайди. Тирик жоннинг қачон вафот этишини билса ҳам, у ўлик деб ҳукм қилинмайди. Бандаларнинг ҳолати воқелик, ўша замон нуқтаи назаридан ҳукм қилинади. Шунинг учун айни вақтдаги мўмин мутлақ мўмин ҳисобланади, унинг имонига шубҳа қилиш, иккиланиш асоссиз бўлади.

Ўтилган мавзуу бўйича саволлар:

1. *Абу Ҳанифа эътиқодида имоннинг шартлари қандай?*
2. *Имоннинг фақат сўз эканини қайси оқимлар таъкидлаган?*
3. *Имон билан ислом ўртасида фарқ борми?*
4. *Имоннинг шартларига кимлар амалларни киритган?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мансуров А. Акоид матнлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – 56 б.
2. Мотуридий, Абу Мансур. Китоб ат-тавҳид / Фатхуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлраган. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломия, 1979. – 408 б.
3. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Мухаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.

4. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Мухаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашк: 1990-1993. – 1011 б.
5. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
6. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ кори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Масъул муҳаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б. •

3.2. РИЗҚ МАСАЛАСИ

РЕЖА:

- 1. Ризқнинг камаймаслиги ва кўпаймаслиги.**
- 2. Ҳалол ва ҳаром ризқлар ҳақида.**

Таянч иборалар:

<i>ризқ,</i>	<i>касб,</i>
<i>тақсим,</i>	<i>ҳадис,</i>
<i>далил,</i>	<i>ҳақ,</i>
<i>ҳалол,</i>	<i>меҳнат.</i>

1. Ризқнинг камаймаслиги ва кўпаймаслиги. Ризқ масаласида ҳам турли қарашлар мавжуд бўлган. Умуман ризққа таъриф берадиган бўлсақ, у банданинг ҳаётдаги эҳтиёжи учун жамики зарур бўлган нарсалардир. Ризқ ҳам бевосита нафс билан боғлик ва нафснинг хоҳишидан келиб чиқади. Шунинг учун банданинг ўз ризқини қандай топиши алоҳида аҳамият касб этган.

Мұтазилийларнинг фикрича, Аллоҳнинг наздида бандалар ризқларининг ҳисоби маълум эмас. Унинг сони банданинг ҳаракати ёки дангасалигига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ризқлар камайиши ва кўпайиши мумкин. Улар «Шўро» сураси, 27-оятни далил келтирадилар:

وَلَوْ بَسَطَ اللَّهُ الْرِزْقَ لِعِبَادِهِ لَبَغَوا فِي الْأَرْضِ وَلَكِنْ يُنْزَلُ بِقَدْرٍ
 مَا يَشَاءُ إِنَّهُ بِعِبَادِهِ خَيْرٌ بَصِيرٌ

Маъноси: Агар Аллоҳ бандаларининг ризқларини мўл-кўл қилиб юборса, албатта, улар ер юзида тажсовуз-корликка ўтиб кетган бўлур эдилар. Лекин У ўзи хоҳлаганича ўлчов билан (ризқ) туширур. Албатта, У бандала-ридан хабардор ва (ҳамма нарсани) кўриб турувчидир.

Аҳли сунна вал жамоа уламоларининг таъкидлашича, ризқлар тақсимланган ва маълумдир, тақводорларнинг тақвоси билан зиёда бўлмайди ва гуноҳкорларнинг гуноҳи билан камаймайди. Аллоҳ кафолатига олган ризқ – ейила-даган нарса. Абу Ҳанифа «Васият имом Аби Ҳанифа («Имом Абу Ҳанифа васияти») асарида таъкидлашича, Аллоҳ бандаларнинг яратувчиси, ризқ берувчиси ва ҳаёт берувчисидир. Абу Ҳанифа бунга «Рум» сураси, 40-оятни далил келтиради:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمْيِتُكُمْ ثُمَّ تُحْيِيْكُمْ ...

Маъноси: Сизларни яратган, сўнгра сизларни ризқлантирган, сўнгра вафот эттирадиган, сўнгра (қиёматда) тириштирадиган зот Аллоҳдир...

Абу Ҳанифанинг фикрича, Аллоҳ барча мўминларга тоқатлари кўтарадиган миқдорча касб қилмоқни фарз қилган. Унинг далили қуидагича:

فَإِذَا قُضِيَتِ الْصَّلَاةُ فَأَنْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَأَتَبَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ
 وَآذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

Маъноси: Бас, қачонки, намоз адo қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) најсом топсангиз («Жумъа» сураси, 10-оят).

Кишининг касб қилишга кудрати етса касб қилиши фарз бўлади, агар касб қилишга қуввати етмаса тиланчилик қилишга рухсат берилади. Яъни жисмонан соғ бўлмаган, ҳар қандай меҳнатта лаёқатсиз бўлган инсонга тиланчилик қилишга изн берилган. Шунинг учун ҳам тиланчилик қилиш касбларнинг энг охиргиси ҳисобланган. Лекин жисмонан соғ бўлиб, бирон қасбни танламай, тиланчилик қилган киши ўз ризқини ҳалол йўл билан топмаган ҳисобланади. Бунга қуидаги ҳадис далил бўлади: «Аллоҳ соғлом бекорчи кишини ёмон кўради».

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, банданинг тақводор бўлиши, кўп ҳаракати унинг ризқининг мўл бўлишига асосий сабаб эмас, банданинг ризқи кўп бўлиши фақатгина Аллоҳдандир. Бунга қуидаги оятлар далил келтирилган:

إِنَّ رَبَّكَ يَتَسْطُعُ آلَرِزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ دَانِيٌّ كَانَ بِعِبَادِهِ خَيْرًا

بَصِيرًا

Маъноси: Шубҳасиз, Раббингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг ҳам, танг ҳам қилур. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир («Исрө» сураси, 30-оят).

وَاللَّهُ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ

Маъноси: Аллоҳ хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур («Бақара» сураси, 212-оят).

Ушбу оядда Аллоҳ ризқни баъзиларга кенг қилиб ва баъзиларга танг қилиб берувчи, ҳамда бандалари ҳақида хоҳлагандай тасаррuf қилишга қодирлиги ҳақида хабар берилмоқда, яъни Аллоҳ ўз ҳикмати тақозосига кўра хоҳлаган бандаларини уларнинг эътиқодларидан қатъи назар, бой ёки камбағал қилади. У бойликка ҳақли бўлганлар ва камбағалликка ҳақли бўлганлардан ҳам хабардор ва кўриб

турувчидир. Абул Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида қуидаги ҳадиси құдсийни далил келтирған: Аллоҳ айтади: «Баъзи бандаларим борки, уларни фақатгина камбағаллик тузатади. Агар уларга бойлик ато қилсам, уларнинг динини фасод қилган бўламан. Баъзи бандаларим борки, уларни фақатгина бойлик тузатади. Агар уларни камбағал қилсам, уларнинг динини фасод қилган бўламан».

Демак, аҳли сунна вал жамоа эътиқоди бўйича, Аллоҳ бандаларнинг ризқини тақдирида белгилаб, тақсимлаб қўйган. Банда ўзининг феъли, касби орқали тақсимланган ризққа мұяссар бўлади ва тақдиридаги ризқдан ортиқчасига эриша олмайди. Бунга «Худ» сураси, 6-оят далил келтирилган:

* وَمَا مِنْ ذَائِبٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا ...

Маъноси: Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зими масида бўлмаса!

2. Ҳалол ва ҳаром ризқлар ҳақида. Мұтазилийларнинг эътиқоди бўйича, ҳаром ризқ Аллоҳдан эмас, балки банданинг феълидир. Банда бунда ўзининг ноқонуний феъли билан ҳаром ризққа эришган бўлади. Аҳли сунна вал жамоа наздида эса, ҳаром ризқ ҳам Аллоҳдан бўлади. Лекин банда ризқ топишда ҳаром феълни қилгани учун жазога ҳақли бўлади. Абул Муин Насафий бунга «Зухруф» сураси, 32-оятни далил келтиради:

* نَحْنُ قَسْمَنَا بَيْنَهُمْ مَعِيشَتُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ...

Маъноси: ... Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз....

Аҳли сунна вал жамоанинг фикрича, инсонлар касб қилишда беш мартабада бўлади: Биринчиси, ризқнинг асл келишини касбдан деб билади. Бундай киши адашган бўлади. Иккинчиси, ризқни Аллоҳдан ва касбдан деб билади. Бу эътиқод ҳам нотўғридир. Учинчиси, ризқни

Аллоҳдан деб билади, лекин Аллоҳ ризқ берадими ёки бермайдими деб, гумон қилади. Бу ҳам нотўғри эътиқоддир. Тўртингиси, ризқни Аллоҳдан деб билади ва ризқни Аллоҳ қасб жиҳатидан ато қилур дейди. Аммо Аллоҳ буюрганидек ҳалол қасб қилмайди. Бундай киши гуноҳкордир. Бешинчиси, ризқни Аллоҳдан деб билади ва ҳалол йўл билан қасб қилиб ризққа эришади. Бу эътиқоддаги киши тўғри йўлда ҳисобланади.

Демак, аҳли сунна вал жамоанинг фикрига кўра, инсон ўзининг танлаган қасби орқали эришган ризқка жавобгардир. Шунга кўра, инсон қасб танлашда ҳам эътиборли бўлиши керак. Чунки баъзи қасблар кишининг хулқига ва табиатига ёмон таъсир кўрсатади. Баъзи қасблар борки, унда киши тирикчилик билан бир қаторда савобга ҳам эришади. Масалан, китобат (хаттотлик) қасби бир вақтлар уламоларнинг ҳунари ҳам ҳисобланган. Ҳусусан, Куръон ва Расулуллоҳ^ﷺнинг ҳадисларини ёзиш каби ишларда Исломнинг асл ҳолда сақланиши ва тарқалиши мавжуд бўлган. Бунга машҳур ҳанафия олимни Али ал-Қорийни мисол келтириш мумкин. Ушбу олим ақоид илми балан машғул бўлса-да, қўшимча равишда хаттотлик билан шуғулланган. Куръондан нусха кўчириб сотиш орқали тирикчилик қилган.

Шунингдек, соғлом кишининг дангасалиги орқали фажирик ҳолатига келишига ҳам унинг ўзи сабабчиидир. Аҳли сунна вал жамоа Умар ибн Хаттобнинг қуидаги чақириғини далил келтирган: «Эй камбағаллар жамоаси, бошлигинизни кўтаринг. Тижорат қилинглар, ҳолбуки йўл bemalol-очик бўлди ва инсонларга бокиманда бўлманглар».

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, ҳаром ризқ ҳам аслида ўша банданинг ризқи ҳисобланади. Мұтазилийлар таъкидлага нидек, ўғри бировнинг молини ўғирлаш орқали унинг ризқини камайтириши ва ўзига ўзлаштириб олиши нотўғ-

ридир. Аслида ўғри ўғрилик феъли орқали ҳаром ризққа эришган. Мол эгасининг ризқини эмас, балки ҳаққини олиб кўйган ҳисобланади. Мотуридия таълимоти бўйича, бу феълларнинг барчаси Аллоҳнинг тақдиди билан амалга ошади. Ушбу масала ризқ мавзуидан бошқа бўлиб, қазо ва қадар масаласига тааллуқлидир.

Ўтилган мавзуу бўйича саволлар:

1. *Муътазилийларнинг ризқ масаласидаги эътиқоди қандай бўлган?*
2. *Аҳли сунна вал жамоа эътиқоди бўйича бандалар ризқи тақсимланганми?*
3. *Ҳалол ризқ билан ҳаром ризқ ўртасида қандай фарқ бор?*
4. *Инсоннинг ҳаққи билан ризқини шарҳлаб беринг.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мұхаммад ибн Абдурәхмон ал-Ҳомиши. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
2. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Мұхаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.
3. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Мұхаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
4. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
5. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Масъул мұхаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

3.3. ШАФОАТ МАСАЛАСИ

РЕЖА:

1. Шафоатнинг турлари.
2. Мұтазилия ва аҳли суннанинг шафоатга муносабати.

Таянч иборалар:

<i>шафоат,</i>	<i>золим,</i>
<i>мұтазилий,</i>	<i>фаришталар,</i>
<i>Расул,</i>	<i>шафоат турлари,</i>
<i>дүо,</i>	<i>жаннат.</i>

1. Шафоатнинг турлари. Аҳли сунна вал жамоа эътиқоди бўйича шафоат мавжуддир ва бу шафоат гуноҳкор мўминлар учун бериладиган неъмат ҳисобланади. Шафоат араб тилида «химоя қилмоқ», «ўртага тушмоқ» маъноларини билдиради. Ақоидда эса, бирордан бирор учун хайр (яхшилик) сўрашни англатади.

Ақоид илмида шафоат бир қанча қисмларга бўлинган:

Биринчиси, улкан шафоат бўлиб, бошқа Пайғамбарлар орасидан Мұхаммад^ﷺга хос берилган шафоатdir;

Иккинчиси, Расулulloҳ^ﷺнинг яхшилик ва ёмонликлари тенг келиб қолган қавмларни жаннатта киришлари учун қиладиган шафоатлари;

Учинчиси, жаннатта киргандарнинг даражаларини янада юқори қилиш учун қилинган шафоат;

Тўртинчиси, баъзи кишиларнинг жаннатта ҳисобкитобсиз киришлари учун қилинган шафоат. Бунга Расулulloҳ^ﷺнинг Укоша ибн Муҳсинни жаннатта ҳисобсиз кирадиган етмиш минг кишилар қаторидан бўлиши учун қилган дуолари далил келтирилади;

Бешинчиси, барча мўминларнинг жаннатта киришла-

рига изн берилиши учун қилинган шафоат. Бунга куйидаги ҳадис далил келтирилген: Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ^ﷺ дедилар: «Мен жаннатга эришиш учун аввалги шафоатчиман» (Имом Муслим ривояти);

Олтинчиси, Расулуллоҳ^ﷺнинг катта гуноҳ қилган умматлари учун қилган шафоатлари. Бунга ушбу ҳадис далил келтирилген: Расулуллоҳ^ﷺ дедилар: «Умматимдан ахли кабоирларга (катта гуноҳ қилганларга) шафоатим бордир» (Имом Аҳмад ривояти).

Шафоатнинг ушбу турлари фақатгина Расулуллоҳ^ﷺга хос бўлган шафоатлардир. Расулуллоҳ^ﷺдан ташқари бошқа мўминларнинг ҳам шафоатлари ахли сунна вал жамоа уламолари томонидан эътироф этилган:

- фаришталарнинг гуноҳкорларгага шафоатлари;
- ёш ўлган болаларнинг ота-оналарига шафоатлари;
- шаҳиднинг ўз яқинларидан етмиш кишини шафоат қилиши;
- Куръонни ёд олган ҳофизнинг ўз оиласига қиладиган шафоати;
- мўминларнинг бир-бирларига қиладиган шафоатлари;
- Куръоннинг ўз қорисига шафоати;
- рўзанинг рўздорга шафоати.

Абу Ҳанифадан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ^ﷺнинг шафоатлари аслида, гуноҳкор мўминларнинг гунохларидан фориғ бўлишлари учун лозимдир. Ахли сунна вал жамоа наздида, Расулуллоҳ^ﷺ ўз умматлари учун Аллоҳдан магфират сўрашга буюрилган («Муҳаммад» сураси, 19-оят):

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَسْتَغْفِرُ لِذَنْبِكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ..

Маъноси: Бас, (эй Мұхаммад!) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!...

Демак, ахли сунна вал жамоанинг барча уламолари шафоатнинг ҳақиқат эканига эътиқод қилганлар.

2. Мұтазилия ва ахли суннанинг шафоатга муносабати. Мотуридия таълимоти бўйича, гуноҳи кабира қилган кишиларни Аллоҳ ўз фазли ва раҳмати билан мағфират қилиши ва уларни Расул, Набий, шахид, валий, ота, фарзанд, яқин қариндош, устоз ва шогирдлар ҳам Аллоҳ изни билан шафоат қилишлари мумкин. Абул Муин Насафий «Табсират ал-адилла» асарида таъкидлашича, гуноҳи кабира қилган мўминни Аллоҳ Расуллар, Набийлар ва солиҳларнинг шафоати туфайли кечириши мумкин.

Хаворижлар гуноҳи кабира қилган кишиларнинг гуноҳлари кечирилмаслигини таъкидлаб, уларни ҳеч ким шафоат қила олмайди, деган фикрни илгари сурадилар. Абул Муин Насафийнинг «Бахр ал-калом» асарида келтирилишича, мұтазилийлар шафоат борасида ҳам ихтилофда бўлганлар. Бир тоифа мұтазилийлар шафоатни умуман инкор этадилар. Шафоатни тан олган мұтазилийлар уч тоифага бўлинган: Биринчи тоифанинг таъкидлашича, катта гуноҳлардан тийилиб, кичик гуноҳларни қилган кишилар набийлар ва фаришталарнинг шафоатига лойикдир. Иккинчи тоифанинг фикрича, катта гуноҳ қилган кишининг тавбаси фақатгина набийлар ва фаришталарнинг шафоати билангина қабул қилинади. Учинчи тоифанинг фикрича, барча гуноҳлардан ўзини тийган киши жаннатдаги дараҗасининг юқори бўлиши учун набийлар ва фаришталарнинг шафоатига лойик бўлади. Ушбу тартибдаги кишилардан бошқа ҳеч ким шафоатга ҳақли эмас.

Насафийнинг таъкидлашича, биринчи тоифа мұтазилийларнинг шафоатни мутлақ инкор этиши нотўғридир. Бунга «Бақара» сураси, 255-оят далил келтирилган:

ٌ... مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا يَأْذِنَهُ ...

Маъноси: ... Унинг ҳузурида ким ҳам (гуноҳларни) Унинг рухсатисиз шафоат қила оларди?!...

Аллоҳ хоҳласа, катта гуноҳдан ўзини тийган кишининг тавбасини шафоатсиз ҳам қабул қиласди.

Мұтазилийлар наздида гуноҳкор банда, мүмин бўлишидан қатъи назар, Аллоҳга нисбатан зулм қилган бўлади ва унинг ҳеч қандай шафоатга ҳаққи йўқдир. Бу фикрларига «Ғофир» сураси, 18-оятни далил келтирадилар:

ٌ... مَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ حَمِيمٍ وَلَا شَفِيعٍ يُطَاعُ ...

Маъноси: Золим (коғифир) кимсалар учун (у кунда) бирор дўст ҳам, маъқулланадиган шафоатчи ҳам бўлмас.

Уларнинг фикрича, Аллоҳ ҳеч қачон фосиқ ва золимлардан рози бўлмайди. Шунинг учун улар шафоат қилинмайди. Аллоҳ ўзига қарши турувчиларни ҳеч қачон мағфират қилмас. Расулуллоҳ ﷺ ҳам Аллоҳ душманларини шафоат қила олмайди.

Насафий «Бахр ал-калом» асарида юқоридаги оятни шарҳлар экан, бу ерда «золим» деганда гуноҳкор мүмин назарда тутилмайди. Чунки мүмин аслида ўзининг имони билан Аллоҳнинг ҳузурида мутлақ золим ҳисобланмайди, деб таъкидлайди ва Қуръондан қуидаги оятларни далил келтиради:

فَمَا لَنَا مِنْ شَفِيعِينَ ١٤٠ وَلَا صَدِيقٍ حَمِيمٍ

Маъноси: Энди бизлар учун на оқловчилар бор, на бирор қадрдан дўст («Шуаро» сураси, 100, 101-оятлар).

وَإِذْ قَالَ لُقْمَانُ لِأَبْنِيهِ وَهُوَ يَعْظُمُهُ يَتَبَّعِي لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشَّرِكَ لَظُلْمٌ

عظیم

Маъноси: Эсланг, Луқмон ўғлига насиҳат қилиб, деган эди: «Эй, ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк улкан зулмдир» («Луқмон» сураси, 13-оят).

Насафийнинг таъкидлашича, ушбу оятлардан кўриниб турибдики, гуноҳкор мўминни аслида мутлақ золим деб аташ нотўғридир. Ушбу оятга кўра, ҳақиқий золим деб Аллоҳга ширк келтирганлар ҳисобланган. Шундай экан, гуноҳкор мўминларнинг шафоатга сазовор бўлишлари мантиқан асослидир.

Ахли сунна вал жамоа уламолари шафоатнинг борлигига ушбу ҳадисларни далил келтирадилар: Авф ибн Моликдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ дедилар: «Менга Раббимнинг хузуридан бир зот келди ва умматимнинг ярми жаннатга кирмоқлигини ёки шафоатни танлашимни сўради. Бас, мен шафоатни танладим. У Аллоҳга ширк келтирмай вафот этган киши учундир» (Имом Термизий ривояти).

Абу Зардан ривоят қилинади: Расулуллоҳ дедилар: «Кимки «Laилаҳа иллаллоҳ» деган бўлса, гарчи у зино ёки ўғирлик қилган бўлса ҳам жаннатга киради».

Абу Дардодан шундай ривоят қилинади: «Расулуллоҳ дедилар: «Кимки Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деса, жаннатга киради». Мен (Абу Дардо): «Зинокор ва ўғри ҳамми?» – деб сўрадим. Расулуллоҳ юқоридаги сўзларини такрорладилар. Мен ўз сўзимни икки-уч бор такрорлаб, юқоридаги жавобни олдим. Учинчи бор такрорлаганимда, Расулуллоҳ: «Абу Дардонинг бурни ерга ишқалансин, ха, киради», – дедилар».

Демак, ахли сунна вал жамоа эътиқоди бўйича шафоат аслида гуноҳкор мўминлар учун зарурдир. Ўз гуноҳларига икror бўлиб тавба қилган мўминлар учун шафоатнинг зарурати йўқдир. Муътазилийлар эса, бу борада ахли сунна

вал жамоага нисбатан тескари ақидада бўлганлари юқори-даги мисоллардан кўриниб турибди.

Ўтилган мавзуу бўйича саволлар:

1. *Шафоат нима ва унинг қандай турлари мавжуд?*
2. *Муътазилийлар шафоат масаласида неча хил фикр билдиригандар?*
3. *Аҳли сунна вал жамоанинг шафоатга муносабати қандай бўлган?*
4. *Расулulloҳ ﷺга хос бўлган шафоатларни санаб беринг.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулкодир Абдураҳим ўғли. Ақоид дарслиги. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 179 б.
2. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
3. Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳомиши. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
4. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашк: 1990-1993. – 1011 б.
5. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
6. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

3.4. КАРОМАТ ВА МҮЙЖИЗА МАСАЛАСИ

РЕЖА:

- 1. Авлиёлар кароматлари ва уларнинг турлари.**
- 2. Каромат ва мўйжизанинг алоҳида нарса экани.**

Таянч иборалар:

<i>каромат,</i>	<i>мўйжиза,</i>
<i>валий (авлиё),</i>	<i>шашваза (фокс, иллюзия),</i>
<i>сехр,</i>	<i>истидроҷ,</i>
<i>дую,</i>	<i>жисибиллий.</i>

1. Авлиёлар кароматлари ва уларнинг турлари.

Каромат масаласи ҳам ақоид илмида катта тортишувларга сабаб бўлган. Хусусан, мұтазилийлар авлиёлар кароматини мутлақ инкор этганлар. Уларнинг таъкидлашича, агарда каромат ҳақиқатда содир бўлса, пайғамбарлар мўйжизалари билан бир хил нарса бўлиб қолади. Лекин ахли сунна вал жамоа уламолари каромат масаласига ижобий ёндашганлар. «Каромат» сўзи ўзбек тилида «иззат-эҳтиром», «қадр-қиммат», «олиижаноблик» каби маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда Аллоҳ томонидан бандаларига нисбатан қилган иззат-икроми «каромат» дейилган. «Авлиё» «валий» сўзининг кўплик шакли бўлиб, «яқин», «дўст» маъноларини билдиради. Ўзбек тили истилоҳида «валий»га нисбатан кўплик шаклдаги «авлиё» сўзи кўп қўлланилган.

Ақоид манбаларида каромат икки турга бўлинган:

1. Жибиллий – туғма, табиий маъносида.
2. Касбий – касб, меҳнат орқали эришилган каромат маъносида.

Жибиллий каромат деганда, дини, ирқи, миллатидан қатъи назар жамики инсониятга берилган каромат тушунилади. Бунга Қуръоннинг «Исро» сураси, 70-ояти мисол келтирилади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنْ
 الْطَّيْبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِمْنَ حَلْقَنَا تَفْضِيلًا

Маъноси: *Дарҳақиқат*, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик.

Бу оятда инсон бошқа маҳлуқотлардан мукаррам қилиб яратилгани таъкидланмоқда. Демак, ер юзидағи башариятнинг барчаси жибиллий кароматга эга бўлиши мумкин. Шу нұқтаи назардан ўтмишда ва ҳозирги кунда инсоният томонидан яратилаётган ҳар қандай кашфиёт, ихтиrolар жибиллий каромат ҳисобланади. Демак, жибиллий каромат соҳиби нафақат мусулмон, балки бошқа дин вакиллари ҳам бўлишлари мумкин.

Калом, ақоид илмидә касбий каромат факат тақводорларга мувофиқ эканлиги таъкидланган ва ушбу каромат соҳиблари «авлиё» деб эътироф этилган. Бунга Куръоннинг «Хужурот» сураси, 13-ояти далил келтирилган:

يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ
 لِتَعَاوَنُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَقْنَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِمُ خَيْرٌ

Маъноси: Эй, инсонлар! *Дарҳақиқат*, Биз сизларни бир эркак (*Одам*) ва бир аёл (*Ҳавво*)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (*турли-туман*) халқлар ва қабила (*элат*)лар қилиб қўйдик. *Албатта, Аллоҳ наздида* (*энг азизу*) *мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир*. *Албатта, Аллоҳ* билувчи ва хабардор зотдир.

Каромат деганда, авлиёларга Аллоҳ томонидан берилган инсоният учун ғайриоддий бўлган ишлар, фазилатлар

назарда тутилган. Саҳобаларнинг барчаси валий даражасига етишган зотлар ҳисобланган. Шу нуқтаи назардан, уларда каромат зоҳир бўлиб турган. Бунга Ҳазрат Умар масжид минбарида хутба ўқиётган чоғида, «Эй Сария, тоққа, тоққа» – деб бақиргани ва бошқа диёрда жанг қилаётган Сариянинг ушбу овозни эшишиб тоққа йўналиб душман қуршовидан омон қолгани, Холид ибн Валидга мажбуран заҳар ичирилганда заҳарнинг таъсир қилмагани каби кароматлар мисол келтирилади.

Шунингдек, баъзи тақводор мусулмонлар валий даражасига етишиб қолганлари ва каромат соҳибига айланганларини ўзлари ҳам билмаганлар. Баъзи авлиёлар ўзларининг кароматларини оммадан яширганлар. Масалан, Имом Бухорий ҳазратларининг 600 мингдан ортиқ ҳадис ёд олганлари ва ушбу ҳадисларни жамлаш учун қилган сафарлари ҳисоблаб чиқилганда, ҳозирги кунда фан-техника ривожланган вақтда ҳам инсоннинг умри етмаслиги маълум бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан Имом Бухорий каби алломаларга бундай заковат ва хислатлар Аллоҳ томонидан берилган каромат деб эътироф этиш мумкинdir.

Ғайриоддий хислатлар нафақат авлиёларга, балки Аллоҳ томонидан бошқа маҳлукотларга ҳам берилган. Масалан, шайтон ва жинларнинг бир лаҳзада мағриб ва машриққа бора олиши, дажжолнинг бировни ўлдириб тирилтириши ғайриоддий воқеалар бўлса-да, уларни каромат ҳам, мўъжиза ҳам деб ҳисоблаш мумкин эмас. Авлиёлар ўз кароматларини дуо орқали амалга оширганлар. Масалан, оғир беморни тузатиш, кўр одамнинг кўзини очиш каби вазифаларни Аллоҳдан астойдил илтижо қилиб дуо орқали сўраганлар.

2. Каромат ва мўъжизанинг алоҳида нарса экани. Мўъжиза ўзбек тилида «ожиз қолдирувчи» деган маънони англатади. Шариат истилоҳида эса барча расулларнинг ҳақиқатда Аллоҳнинг элчиси эканлигига далил сифатида рўй берган барча гаройиб ҳодисаларга «мўъжиза» деб

аталган. Мұтазилийлар даъво қилганидек, қаромат ҳақиқат бўлса, Пайғамбарлар мўъжизаси билан бир нарса бўлиб қолиши аҳли сунна вал жамоа мутакаллимлари томонидан инкор этилган. Чунки қаромат инсонлар учун ғайри оддий нарса бўлса-да, бундай хислатлар аслида бошқа маҳлуқотларда событ бўлиши мумкин. Масалан, авлиёнинг ҳавода уча олиши, ёки сув устида юра олиши оддий инсонлар учун ғайри оддий ҳодиса бўлса-да, аслида қушларнинг уча олиши, баликларнинг сувдаги эркин харакати Аллоҳ томонидан уларга берилган одатий хислатдир. Энди пайғамбарлар мўъжизаси эса Аллоҳ томонидан фақат ёлғиз уларгагина берилган хислат ҳисобланган.

Масалан, Мұхаммад^ﷺнинг ойни қоқ ўртасидан иккига ажратиб кўйишлари, Исо[؏]нинг ўликни тирилтирганлари, Мусо[؏]нинг асолари аждарга айлангани, Сулаймон[؏]га жинлар устидан берилган ҳукмронлик ва наботот ва ҳайвонот тилларини билганлари, буларнинг барчаси Аллоҳ томонидан уларга берилган мўъжиза ҳисобланган. Уламолар наздида Расулуллоҳ^ﷺга Қуръоннинг нозил бўлиши ҳам ҳақиқий мўъжиза ҳисобланган.

Лекин калом илмида пайғамбарлар ва мўминлардан бошқа маҳлуқотлар томонидан қодир бўлган ғайриоддий нарсалар мўъжиза ҳам қаромат ҳам деб аталмайди. Масалан, шайтоннинг бир лаҳзада мағриб билан машриққа бора олиши, дажжолнинг одамни ўлдириб тирилтириши каби ғайриоддий ҳодисалар ҳақидаги қараашлар калом илмида «истидрож» деб аталади. Бунга Расулуллоҳ^ﷺдан қуйидаги ҳадис мисол бўлади: «Агар Аллоҳнинг бир бандаси неъматдан яхши кўрганини ато қилганини кўрсангиз, ваҳоланки, у маъсият устидаги муқим бўлса. Бас, албатта ўша нарса истидрождир. Сўнгра «Анъом» сураси, 44-оятни ўқидилар:

فَلَمَّا نُسُوا مَا ذُكِرُوا بِهِ فَتَخَنَّا عَلَيْهِمْ أَبْوَابٌ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّىٰ
إِذَا فَرِحُوا بِمَا أُوتُوا أَخْدَنَتْهُمْ بَغْتَةً فَإِذَا هُمْ مُبْلِسُونَ

Маъноси: (Улар) эслатилган нарса (синов кунлари)ни унутганиларида уларга ҳар нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Токи уларга берилган нарса (нозу неъмат)лар билан шоду хуррам бўлиб турганларида, уларни бирдан забт этдик. Бас, (энди) улар ноумиддирлар».

Ахли сунна вал жамоа эътиқоди бўйича, юқоридаги маҳлукотлар томонидан содир бўладиган ғайриоддий ҳодисаларнинг бўлиши ақлан мумкиндир. Калом илми назариясига кўра, шайтонга қиёмат кунигача изн берилган. Шунингдек, Фиръавнга ҳам 400 йил микдорича умр берилган ва қиёматгача бошқа бандаларига тугёнга кетганинг оқибати қандай бўлишини уқтириш мақсадида унга имконият берилган.

Хозирги даврда ҳам жинлар воситасида фолбинлик, сехр-жоду билан шуғулланаётган кимсаларнинг ҳам амалга ошираётган ишлари шариат бўйича қаттиқ қораланганд. Шунинг учун ҳам баъзи фолбинларнинг қилган башоратлари акси бўлиб чиқиши табиий ҳолдир. Сехргарнинг қилган жодулари аксига амал қилиши ҳам мумкин. Тарихда Мусайлама ал-Каззоб бир кўзи ғилай одамни кўзи тузалиши учун дуо қилганида, у одамнинг иккинчи кўзи ҳам ғилай бўлиб қолгани ҳақида ривоятлар келган.

Мўъжиза билан каромат ўртасидаги фарқ аниқ бўлгандан кейин инсонларни чалғитувчи яна бир ғайриоддий ҳодисалар (аслида ғайриоддий ҳодиса эмас) борки, уларнинг мазмунини ҳам билиб олиш керак бўлади. Тарихда сехр, жоду, афсунгарлик, замонавий тил билан айтганда, кўзбойлогчилик (фокус, иллюзия, араб тилида: «шаъваза») каби одатлар кенг тарқалган. Бундай ҳодисалар оддий инсонларни лол қолдирган бўлса-да, аслида улар тўлиқ ёлғон остида бажарилган ишлар ҳисобланган. Бунга бирги-

на Мусо^{العليّ} қиссасини мисол келтириш мумкин. Фиръавн Мусо^{العليّ}ни лол қолдириш учун ўз салтанатининг энг машҳур сеҳргарларини жамлайди. Шунда сеҳргарлар қўлларидағи асоларини ерга ташлаганларида уларнинг барчаси илонларга айланади. Буни кўрган Мусо^{العليّ} кўркувдан қотиб қоладилар. Чунки сеҳргарларнинг ушбу найранги нинг асл моҳият ва сир-асорларини билмас эдилар. Шунда Аллоҳдан Мусо^{العليّ} қўрқмаслиги ва энди у ҳам ўз асосини ерга ташлаши ҳақида ваҳий келади. Мусо^{العليّ} асоларини ерга ташлашлари билан у ҳақиқий аждарга айланади ва сеҳргарларнинг сохта илонларини ютиб юборади. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган сеҳргарлар бу ҳодисанинг ёлғон эмас, балки чин мўъжиза эканини дарҳол тушуниб Аллоҳга имон келтирадилар. Энди сеҳргарларнинг бажарган сеҳрига ойдинлик киритадиган бўлсак, улар аслида ўша даврда наботот, ҳайвонот ва кимё соҳасидан боҳабар шахслар бўлган. Илоннинг териси шилиб олиниб тескари томонга ўгирилган ва терининг ич қисми ёғоч шаклига келтириб бўялган. Тайёр бўлган терининг ичига симоб тўлдирилган ва совуқда сақланган. Маълумки, симобнинг кимёвий хусусиятига кўра, у совуқда қотиб иссиқда ҳаракатланади. Натижада симоб тўлдирилган илоннинг териси худди таёқ шаклини олган. Сўнгра сеҳр намойиш этиладиган жой аввалдан тайёрлаб қўйилган, яъни ернинг маълум бир жойи кавланиб чўғ билан тўлдирилган ва кўмиб қўйилган. Сеҳргарлар сохта таёқларини қизиб турган ерга ташлаганларида аслида оддий кимёвий ҳодиса рўй берган. Симоб ҳаракатланиб илоннинг сиртдаги асл териси юзага чиқиб қолган ва гўёқи оддий асо илонга айланиб қолган. Мусо^{العليّ}нинг асолари эса Аллоҳнинг юборган мўъжизаси орқали ҳақиқий аждарга айланган эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мўъжиза билан каромат ўртасида катта фарқ бўлган. Ахли сунна вал жамоа уламолари ушбу икки хислатнинг ҳақиқат эканини эътироф этганлар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Жибилий каромат қандай каромат?
2. Мұтазилийлар нима учун кароматни шикор этганилар?
3. Авалиёлар каромати қандай каромат дейилади?
4. Мўжиза билан кароматнинг ўртасида қандай фарқ мавжуд?
5. Истидрож нима?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулқодир Абдураҳим ўғли. Акоид дарслиги. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 179 б.
2. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
3. Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳомиши. Усул ад-дин индал Ином Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
4. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
5. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ кори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул мухаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

3.5. БАШАРИЯТНИНГ ИСЛОМ ФИТРАТИДА ДУНЁГА КЕЛИШИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР

РЕЖА:

1. Башариятнинг ислом фитратида туғилиши ҳақидағи қараашлар.
2. Аҳли сунна вал жамоанинг далиллари.

Таянч иборалар:

<i>фитрат,</i>	<i>сагир,</i>	<i>мисок,</i>
<i>ҳадис,</i>	<i>халқ,</i>	<i>сулб,</i>
<i>жсаннат,</i>	<i>дўзах,</i>	<i>Одам Ато.</i>

1. Башариятнинг ислом фитратида туғилиши ҳақидаги қараашлар. Сунний эътиқодга мувофиқ азалдан уламолар жамики туғилган ҳар қандай инсон фарзандини ислом фитратида дунёга келишини таъкидлаб келгандар. Аҳли сунна уламолари ушбу фикрларига қуидаги ҳадисни далил келтиргандар: Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ  дедилар: «Ҳар бир туғилган гўдак ислом фитратида туғилади. Бас, уни ота-онаси яхудий, ё насроний, ё мажусий қиласи. Худди ҳайвон камчиликсиз ҳайвон тукқанидек. Туғилган ҳайвонда қулоги кесилганини кўрганмисиз? Сўнгра “Рум” сураси, 30-оятни ўқидилар:

... فِطَرَتُ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ

 ... الْقِيمُ

Маъноси: Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Аллоҳнинг яратиши ўзгартиришмас. Энг тўғри дин мана шудир...»

Лекин ушбу масала бўйича ҳам мұтазилийлар аҳли сунна вал жамоа уламоларидан фарқли равишда ўзларининг радикал қараашлари билан ажralиб турганлар. Уларнинг фикрича, мўминлик аломати бўлмаган ҳар қандай одамнинг жаннатга кириши ақлан тўғри бўлмайди. Шу жумладан, кофирларнинг ёш ўлган фарзандлари ҳам худди ота-оналари каби жаннатга киришлари мумкин эмас деб, хисоблайдилар. Уларнинг эътиқодларига кўра, жаннатга фақат такводор мўминлар киришлари лозимdir. «Алманзила байнал манзилатайн» номли ақидаларига кўра, гуноҳкор мўминлар ҳам ҳатто дўзахда абадий қоладилар. Уларнинг бундай кескин ақидавий қараашларидан гайридинларнинг сагирлигига вафот этган фарзандларига нисбатан дўзахий деб хукм чиқарилари табиий ҳолдир. Мұтазилийлар бу борада ҳам мантиқий фикр юритганлар. Улар яна юқоридаги бешта тамойилларига, хусусан «ал-

адл» назариясига суюниб шундай фикр билдирадилар: «Кофиринг куфри ҳакиқат бўлиб турганда, унинг боласида ҳам куфр событ бўлади. Чунки унда мўминликдан ҳеч қандай аломат йўқдир. Итоаткор мўмин билан имони йўқ одамнинг жаннатда бирга бўлиши Аллоҳнинг одиллигига зид бўлади. Шунинг учун уларнинг жаннатга тушишларига ҳеч қандай асос йўқ».

Муътазилийлардан фарқли ўлароқ, ахли сунна вал жамоа уламолари бошқа дин вакилларининг (ғайридин) гўдакликда вафот этган болалари ҳакида бошқача ақидани илгари сурганлар. Абул Муин Насафий «Бахр ал-калом» асарида куйидаги маълумотларни баён қилган: «Ахли сунна вал жамоанинг фикрича, ғайридинларнинг сагир вафот этган ҳар қандай фарзандлари жаннатга дохил бўладилар ва солиҳ бандаларнинг хизматида бўладилар». Ушбу масалага Имом Шофийй, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал каби олимлар ҳам шундай ёндашганлар. «Бахр ал-калом» асарида таъкидланишича, фақат Имом Аъзам Абу Ҳанифадан ушбу масала ҳакида сўраганларида, иккиланиб бирор фикр айтмаган. Абул Муин Насафийнинг таъкидлашича, Имом Аъзам ушбу масалада аввалги олимлардан ҳеч нарса эшитмаганини рўйчан қилган ва шу сабабли масалага ойдинлик киритмаган.

Лекин кейинги аср ахли сунна вал жамоа уламолари ушбу масала борасида кенгроқ фикр юритганлар. Энди масала ёшлигида ёки гўдаклик чогида вафот этган боланинг неча ёшдалигига қаралар эди. Баъзи уламоларнинг фикрича, агар ғайридиннинг боласи гўдаклигига, ақли кирмай вафот этган бўлса, жаннатга киради. Лекин ёши улгайиброқ, ота-онасининг динига эътиқод қилишга улгурган ҳолда вафот этган бўлса, унинг хукмини Аллоҳ билади, деб фикр билдирганлар. Абу Ҳанифа ҳам шунинг учун ушбу масалада иккиланган бўлиши мумкин.

2. Ахли сунна вал жамоанинг далиллари. Ушбу масала бўйича ахли сунна вал жамоа уламолари Куръон ва

ҳадислардан далиллар келтирганлар. Абу Ҳанифанинг «ал-Фиқх ал-акбар» рисоласида таъкидланишича, Аллоҳ Одам Атонинг жамики зурриётларини дастлаб унинг субидан кичкина чумоли шаклида чиқарган ва уларга ақл бериб: «Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?» деб савол билан мурожаат қилган. Жамики башарият Аллоҳнинг Парвардигор эканини тасдиқлаган. Шундан сўнг Аллоҳ уларни имонга буорган ва куфрдан қайтарган.

Аҳли сунна мутакаллимлари Куръоннинг «Торик» сураси, 5, 6, 7-оятларини далил келтирганлар:

فَلَيَنْظُرِ الْإِنْسَنُ وَمَّا خُلِقَ ۞ خُلِقَ مِنْ مَاءٍ دَافِقٍ ۞ مَخْرُجٌ مِّنْ بَيْنِ
الْأَصْلِبِ وَالْتَّرَابِ ۞

Маъноси: Бас, инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин! (У) отилиб чиқувчи бир «сув»дан яралган. (У «сув» эса) отанинг пушти камари ва онанинг қўкрак суюгидан чиқур.

Абу Ҳанифанинг таъкидлашича, башариятнинг ўз ақллари билан Аллоҳни Худо сифатида тасдиқлаганлари (иккор бўлгани) улардан бўлган имондир ва улар ўз отоналаридан туғилган вақтларида ўша табиий фитратда дунёга келадилар.

Абу Муин Насафий «Бахр ал-калом» асарида таъкидлашича, Аллоҳ башариятни халқ қилган ва мисоқ кунида уларни Одам Атонинг субидан чиқарган. Ўша вақтда улар кофир ҳам, мўмин ҳам эмасдилар, балки улар халқ эдилар. Шундан сўнг уларга имон билан куфр кўндаланг кўйилган.

Абу Шакур Солими «ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид» («Тавҳид илми баёнига муқаддима») асарида қуйидаги ҳадисни далил келтиради: Расууллоҳ ﷺдан ривоят қилинади: У зот айтдилар: Раббим жалла жалалаҳудан «дохи-минлар» ҳақида сўрадим. Бас, Раббим менга: «Улар хавф-

хатарсиз, жаннат аҳлининг хизматкорларидандир», – деди. Расулуллоҳ^ﷺдан «доҳиминлар» кимлар, деб сўралди. «Мушрикларнинг ёш ўлган болалари», – деб жавоб бердилар.

Яна Расулуллоҳ^ﷺдан ривоят қилинади, У зот айтдилар: «Аллоҳ таолонинг ҳузурида мўминларнинг ёш болаларини шафоат қилдим, бас мен учун уларни мағфират қилди ва Аллоҳнинг ҳузурида мушрикларнинг ёш болаларини шафоат қилдим. Бас мен учун уларни жаннат аҳлининг хизматкорлари қилди». Солимиининг фикрича, мушрикларнинг ёш болалари туғилганда ҳақиқатан коғир бўлмайдилар. Туғилиш, мерос, уйланиш каби ҳукмлар событ бўлиши учун ота-оналарига тобе равишда уларни дунёда зохирان коғирликка ҳукм қилинади. Чунки Аллоҳ бирор кишини ёки жонни куфрсиз, гуноҳсиз азобламайди. Чунки бу Аллоҳнинг адолатига тўғри келмайди. Солимиј яна бир ҳадисни келтириб, уни қуидагиша шарҳлайди: Расулуллоҳ^ﷺнинг аёллари Хадича онамиздан ривоят қилинган ҳадисда у зот Расулуллоҳ^ﷺдан сўрадилар: «Эй, Расулуллоҳ^ﷺ! Сиздан кўрган ёш болаларим қаерда?» «Жаннатда», – дедилар у зот. Хадича онамиз яна сўрадилар: «Сиздан бошқадан (яъни олдинги эримдан кўрган) ёш болаларим қаерда?» Расулуллоҳ: «Дўзахда, хоҳлассанг уларнинг ох-воҳ овозларини эшиттираман», – дедилар. Бу ривоятда, мушрикларнинг ёш болалари дўзахда бўлиши очиқ айтилган-ку? – деган эътиrozга шундай жавоб берилади: Хадича онамиз, «бошқа эридан кўрган ёш болалари» деган сўзидан, ўша болаларнинг балоғатга етганларини ирова қилган. Аллоҳ ояти каримада «тифл» сўзи билан балоғатга етганларга хитоб қилди. Баъзи уламолар айтади: «Агар ёш бола ақлсиз бўлса, унда ўйлаб кўриш вожиб бўлади. Худди Абу Ҳанифа «билмайман», деб айтганларидек. Аммо ёш бола ақлли бўлса унинг куфри тўғри бўлади. Худди мусулмонлиги тўғри бўлганидек».

Имом Мұхаммад ва Имом Абу Ҳанифанинг фикрларига күра, ёш бола мусулмон бўлса, сўнгра муртад бўлса, унинг муртадлиги аниқ бўлади. Лекин охират ҳукмлари борасида ёш бола балогатга етмасдан олдин унинг муртадлиги сахих бўлмайди ва уни қуфрликка ҳукм қилинмайди. Чунки ёш бола шаръий амрларга мухотаб ва мукаллаф ҳам эмас. Шунинг учун азобга тортилувчи ҳам эмас.

Ўтилган мавзуу бўйича саволлар:

1. *Мұтазилийларнинг мўмин бўлмаган аҳли сагирлар ҳақидаги фикрлари қандай бўлган?*
2. *Мұтазилийлар нима учун мўмин бўлмаган аҳли сагирларни жсаннатий деб ҳисобламайдилар?*
3. *Абу Ҳанифанинг уишибу масаладаги қарашлари қандай бўлган?*
4. *Аҳли сунна вал жамоанинг далилларини кўрсатинг.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулкодир Абдураҳим ўғли. Ақоид дарслиги. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 179 б.
2. Абу Ҳанифа Нұймон ибн Собит. «Ал-Фихк ал-акбар» рисоласи матни.
3. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
4. Мұхаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳомиши. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
5. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Мұхаммад. Баҳр ал-қалом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
6. Солимий, Абу Шакур. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демурф матбааси. 1908.
7. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳrir ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ кори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Масъул муҳаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

3.6. АҚЛ МАСАЛАСИ

РЕЖА:

1. Уламоларнинг ақл ҳақидаги қарашлари.
2. Уламоларнинг ақл ҳақидаги фикрларига оид далиллар.

Таянч иборалар:

<i>ақл,</i>	<i>жавҳар,</i>	<i>аъроз (араз),</i>
<i>ҳадис,</i>	<i>мукаллаф,</i>	<i>жисм,</i>
<i>руҳ,</i>	<i>жасад,</i>	<i>оқил.</i>

1. Уламоларнинг ақл ҳақидаги қарашлари. Ақл масаласи калом илмида алоҳида аҳамият касб этган. Чунки инсоннинг ақл билан бошқа маҳлукотлардан ажralиб туриши ва айнан ақл билан мукаллаф қилингани (яъни Аллоҳнинг амрларига буюрилгани) маълумдир. Шу нуқтаи назардан ақлга таъриф беришда ҳам уламолар орасида турли қарашлар мавжуд бўлган. Мотуридия таълимоти вакили Абу Шакур Солимий Кеший «ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид» номли асарида ақлга шундай таъриф берган: «Ақл нозик нарса бўлиб, унинг кайфиятига бизнинг хаёлларимиз билан етиб бўлмайди. Ақлнинг моҳияти борасида тарихда уламолардан бирор ишончли, аниқ фикр келмаган».

Солимиининг таъкидлашича, айрим файласуфлар, ақл нур таратувчи, фойда берувчи жавҳар бўлиб, у руҳда жойлашган. Худди жасаддаги руҳ каби унда ҳам ҳаёт бор. Жасад руҳга боғлик бўлганидек, руҳ ҳам ақлга пайваста бўлган ҳолда руҳ учун ҳаёт, амаллар ва ҳолатлар бўлади, деб таъкидлаганлар. Лекин аҳли сунна уламолари файласуфларнинг ушбу қарашларини инкор этганлар. Ақл файласуфлар айтганидек, руҳ билан бир жойда жойлашган бўлганида, яъни ёнма-ён бўлиб, унда ҳаёт мавжуд

бўлганида, руҳ жасаддан олдин ҳам мавжуд ва қоим бўлар эди. Ақл руҳнинг тириклигига сабаб бўлганида эди, руҳ жасадга киришидан олдин ҳам ва жасаддан чиқиб кетганидан сўнг ҳам ақли бўлар эди, кейин руҳга имон келтириш, бошқа аҳкомларни бажариш ва яхши ёмонни ажратиш вожиб бўлар эди. Лекин бу тўғри фикр эмас. Руҳнинг тириклиги ақлдан деб тасавур қилинмайди. Чунки руҳнинг ўзи ёлғиз нарсаларни кўрмайди ва бирон кишини танимайди ва яхши ёмонни ажрата олмайди. Шундай экан мукаллаф ҳам бўлмайди. Ёш гўдак руҳ ва жасад билан бирга туғилганида, унда ақл собит бўлмайди. Агар ақл руҳ билан ёнма-ён бўлганида эди, ёш гўдак ҳам, онанинг қорнидаги ҳомила ҳам худди балоғатга етган кишидек нарсаларни тушуниб фаҳмлаши лозим бўлар эди. Лекин бу мумкин бўлмаган нарсадир.

Баъзи уламолар ақлни «жавҳар» (*калом илмида бошқа нарсалардан таркиб топмаган ва бўлакларга бўлинмайдиган нарса деб, тушунилади*) деб зътироф этганлар ва ушбу ҳадисни далил келтирганлар: Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ  дедилар: «Аллоҳ таоло ақлни яратиб, унга «олдинга юр», – деди. У олдинга юрди. Сўнгра унга, «орқага юр», – деди. У орқага юрди. Сўнгра унга, «ўтири», – деди. У ўтириди. Унга, «тур» – деди. У турди. Унга, «гапир», – деди. У гапирди. Аллоҳ таоло ақлга айтди: «Сен туфайли неъмат бераман ва азоблайман ҳамда сен туфайли менга ибодат қилинади ва сенинг сабабингдан савоб бераман ва жазолайман». Яна бир ривоятда: Аллоҳ ақлга: «Мен кимман» – деб сўраганида ақл сукут қилди ва деди: «Сен Аллоҳсан, Сендан ўзга бирор Илоҳ йўқ». Аллоҳ таоло: «Иzzатимга қасамки, сендан яхшироқ бирор нарсани яратмаганман», – деди. Ақлни «жавҳар» деган уламоларнинг фикрича, ушбу ҳадисга мувофиқ, ақл агар «жавҳар» бўлмаганида, ўз зотида қоим тура олмас эди.

Мотуридия уламолари ушбу фикрни инкор этадилар. Уларнинг фикрича, бу ҳадис ақлнинг «жавҳар»лигига далолат қилмайди. Чунки Аллоҳ нутқ қилувчи бир тирик жонни яратиб, унинг ичига ақлни жойлаштирган бўлиши, сўнгра ақл у орқали гапирган бўлиши мумкин. Ақл «жавҳар» бўлганида, одамзодда пайдо бўлган вақтда ортиқча бир гўшт, яъни аъзо билан пайдо бўлиши ҳамда ақл инсондан кетган вақтда ҳам одамзоднинг бир аъзоси йўқ бўлиши керак эди.

Солимиининг фикрича, ақл зиёдалашиб, камайиб туради. Ёш болалар ақлли бўлиб, балоғатга етиб нарсаларни фаҳм-идрок қила олсалар, уларда ақл пайдо бўлади. Худди шунингдек, мажнун кишилар тузалгач ҳам уларда ақл пайдо бўлади. Маълумки, ақл жасад вафотидан кейин ўз зотида қоим ва ўз ҳолида бокий бўла олмайди. Балки руҳнинг кетишлиги билан ақл ҳам кетади. Гоҳида ақл руҳнинг кетишлигидан олдин ҳам кетади ва руҳ пайдо бўлганидан кейин пайдо бўлади. Мана шу нарсалар уни «жавҳар» эмаслигига далолат қиласди.

Солимиининг таъкидлашича, баъзи уламолар ақлни «жавҳар» ёки «араз» (*ўзи қойим бўла олмай бошқа нарсанинг мавжудлигига муҳтож нарса*) ҳам деб ҳисобламаганлар. Уларнинг наздида ақл маърифат ҳосил бўлишига ҳамда нарсаларни тушунишга сабаб ва асосдир. Ақл нозик бир нарса бўлиб, қалбни равшанлаштиради ва қалбга тушиб нарсаларни кўрсатади ва уларнинг ҳақиқатини етказади. Яхши нарса ақлнинг «яхши нарса» деб билишлиги билан яхшидир, ёмон нарса ақлнинг «ёмон нарса» деб билишлиги билан ёмондир. Муътазилийлар ҳам шу фикрда бўлган. Абул Ҳасан Ашъарийнинг фикрича, ақл бу яхши билан ёмон ўртасини ажратиш, зийраклик, тўғри ҳаёт кечириш ва фаросатдан иборатдир. У билан бандалар шаръий хитобга мукаллаф бўлади.

Яна баъзи уламолар айтади: Ақл бу бир маъно бўлиб, у

сабабидан бандалар шаръий хитобга мукаллаф бўлади. У билан савоб ва жазо вожиб бўлади. Ақл илмнинг ва маърифатнинг ҳосил бўлишига сабабдир. У беҳуда ва мункар ишлардан тўсувчиидир. Яна баъзи уламоларнинг фикрича, ақл кўзга кўринмайдиган маҳфий жисмдир, ёки ақл бир иллат бўлиб, шахс у туфайли оқил, одил ва орифга айланади. Лекин аксарият мотуридия уламоларнинг наздида ақл «араз» бўлиб, у нарсаларни билишда далил қилиб келтирилади. Масалан, ақли йўқ киши соҳиби узр ҳисобланади ва шаръий ҳукмларга мукаллаф бўлмайди.

2. Уламоларнинг ақл ҳақидаги фикрларига оид далиллар. Саҳобалардан Ҳазрат Алиниңг фикрича, ақлнинг макони миядир. Бу фикрга Расулуллоҳ^ﷺнинг қуидаги ҳадислари далил қилинган: «Ошқовоқ мияни зиёда қиласди, мия эса ақлни зиёда қиласди». Яна баъзи уламолар ақлнинг ўрни қалб, деб айтишади. Мотуридия олими Солимийнинг фикрича, ақл қалбдан бошланади. Чунки назар қилиш ва далил келтириш тафаккур қилиш билан бўлади. Тафаккурнинг ўрни эса қалбdir. Тафаккур ақлнинг натижалари дандир. Мия ақл билан ёришади.

Шунингдек, бандаларнинг ақллари тафовутли бўлиши ҳақида ҳам тортишувлар бўлган. Аҳли сунна вал жамоа уламолари, ақл тафовутли бўлишини таъкидлаганлар. Мұтазилийларнинг наздида эса, барча ақллар баробар бўлади, улар орасида тафовут бўлмайди. Мұтазилийлар ушбу сўзларига «Тоҳо» сураси, 128-оятни далил қилганлар:

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَا يَتَكَبَّرُ الْأُوْلَئِنَّ

Маъноси: Албатта, бунда ақл эгалари учун аломатлар бордир.

Мұтазилийларнинг фикрича, Аллоҳ ушбу ояти билан ақл эгаларини далил келтириш ва ибрат олишга буюрган. Агар ақл тафовутли бўлганда, ҳар бир ақлли кишига ақли қусурли бўлгани учун юқоридаги оятдан ибрат олиш ва

далил келтириш имкони бўлмас эди. Ушбу оят бир кишининг ақли бошқа бир кишининг ақлидан устун бўлмаслигини тақозо қилади. Токи барча кишилар ибрат олишга ва далил келтиришга лойик бўлсин. Қолаверса, ақл Аллоҳнинг бандаларидағи ҳужжатларидан биридир. Ақлнинг тафовутли бўлиши Аллоҳ хитобининг ҳам тафовутли бўлишини тақозо этади. Бу нарса ҳатто, баъзи кишилар ҳақида ҳукмнинг бекор қилинишига олиб боради. Натижада бандалардаги ақлнинг зиёдалиги ёки нуқсонлиги Аллоҳ томонидан бўладиган шаръий таклифнинг ҳам зиёдалиги ёки нуқсонлигини келтириб чиқарган бўлади. Бу эса мантиқан нотўғридир.

Аҳли сунна вал жамоа уламолари эса ақлнинг тафовутли бўлишига «Ҳашр» сураси, 2-оятни далил келтирганлар:

فَاعْتَبِرُوا يَتَأْوِلُ الْأَبْصَرُ ...

Маъноси: *Бас, эй кўз эгалари! (Улардан) ибрат олингиз!*

Аҳли сунна вал жамоанинг фикрича, инсонларнинг ақли тафовутли бўлгани учун ибрат олишда ҳам бир-биридан тафовутли бўладилар. Расулуллоҳ  дедилар: «Кушларнинг энг ақллиси кабутардир». Расулуллоҳ  ушбу ҳадисларида кабутарда ақлнинг бир турини исбот қилдилар. Агар ақл Аллоҳнинг жамики маҳлуқотларида бирдек ва тафовутсиз бўлганида эди, кабутар ҳам шариат ва ҳукмлар билан хитоб қилинган бўлар эди. Ваҳоланки, бу тўғри эмас. Чунки «акл» лугатда эгасини қайтарилган ишлардан қайтарадиган, манфаат билан заарар ўртасини ажратиб берадиган, душман билан дўстни ажратадиган нарсадир.

Солимий «Тамҳид» китобида таъкидлашича, баъзи аҳли сунна вал жамоа уламолари айтадилар: «Ақлда тафовут йўқ, деганда аслида, инсон у билан мухотабга айланадиган ақл назарда тутилган. Инсонлар мана шу миқдорда фарқ

қилмайдилар. Имом Абу Ҳанифа ҳам ушбу маънода: «Ақлли киши учун Аллоҳни танимасликда узр йўқ», – деб таъкидлаган. Аммо шариат вожиботларида эса, инсонлар бир неча мартабага бўлинган».

Демак, юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ақл инсонга берилган катта неъмат ҳисобланиб, у орқали инсон жамиятда ўз мавқеига эга бўлиши, инсонларга манфаат етказадиган ихтиrolар кашф қилиши ва фаровон ҳаёт кечира олиши мумкин. Ёки аксинча, ўз ақли билан жиноятга кўл уриши, башариятга зарар етказадиган кашфиётлар ихтиро қилиши ҳам мумкин. Шариат ақидасига мувофиқ эса, инсон ўз ақли билан бошқа маҳлуқотлардан ажralиб туради ва Аллоҳдан юборилган ҳукмларга мукаллаф ҳисобланади.

Ўтилган мавзуу бўйича саволлар:

1. *Муътазилийларнинг ақл ҳақидаги фикрлари қандай бўлган?*
2. *Аҳли сунна вал жамоа нима учун ақлни «жавҳар» деб эътироф этмаган?*
3. *Ақлда тафовут бўлишилик ёки бўлмаслик ҳақида қандай мунозара бўлган?*
4. *Ақл тафовути бўлишига аҳли сунна вал жамоанинг далиллари қандай эди?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулқодир Абдураҳим ўғли. Ақоид дарслиги. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 179 б.
2. Абу Ҳанифа Нұймон ибн Собит. «Ал-Фиҳр ал-акбар» рисоласи матни.
3. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
4. Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
5. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.

6. Солимий, Абу Шакур. Ат-Тамхид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демурф матбааси. 1908.
7. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ кори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Масъул мұхаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

3.7. КАЛОМ ИЛМИДА ЭСХАТОЛОГИК ҚАРАШЛАР

РЕЖА:

1. Жаннат ва дўзах тушунчаларининг талқин этилиши.
2. Инсон вафотидан кейинги ҳолатлар (қабр) ҳақидағи қарашлар.

Таянч иборалар:

ақл,	жаннат,	дўзах,
мантиқ,	неъмат,	аҳли сунна вал жамоа,
руҳ,	тана,	ҳикмат.

1. Жаннат ва дўзах тушунчаларининг талқин этилиши. Мұтазилия ва жаҳмия фирмаларининг ақидаси бўйича, жаннат ва дўзах ҳозирда яратилмаган, қиёмат куни Аллоҳ жаннат ва дўзахни яратади. Уларнинг таъкидлашича, Аллоҳ жаннат ва дўзах аҳлларини яратишдан олдин жаннат ва дўзахни яратиши ҳикматга тўғри келмайди. Агар у иккиси ҳозирда яратилган бўлганида ҳам қиёмат куни осмонлар ва ернинг йўқ бўлиб кетиши билан уларнинг ҳам йўқ бўлиши лозим бўлар эди. Ушбу фикрни мұтазилия олими Ҳишом ибн Амр ал-Фувтий (ваф. 841 й.) таъкидлаган ва ушбу ақида мұтазилия таълимотига сингиб кетган.

Аҳли сунна вал жамоа уламолари мұтазилийларнинг ушбу ақидаларини инкор этадилар ва жаннат билан дўзах

башариятдан аввал яратилганини таъкидлайдилар. Абул Муин Насафий ушбу фикрга «Зумар» сураси, 68-оятни далил келтиради:

وَنُفِخَ فِي الْصُّورِ فَصَعِقَ مَنِ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنِ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ
شَاءَ اللَّهُ ...

Маъноси: Сур чалиниши билан осмонлар ва Ердаги бор жонзот ўлади, илло Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолурлар)...

Насафийнинг таъкидлашича, мазкур оятда Аллоҳ жаннат ва дўзах аҳлини ирова қилган. Чунки бандаларнинг амалидан олдин жаннат ва дўзахнинг яратилганидан ҳикмат шуки, банда яна тоат-ибодатга ошиқади ва гуноҳдан ўзини тийишга харакат қиласиди. Насафий ушбу фикрига «Оли Имрон» сураси, 133-оятни ва «Бақара» сураси 24-оятни далил келтиради:

وَسَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِّنْ رَّتْكُمْ وَجَنَّةٌ عَرَضُهَا السَّمَوَاتُ
وَالْأَرْضُ أَعْدَتْ لِلْمُتَّقِينَ

Маъноси: Раббингиздан (бўлувчи) магфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёrlаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиши билан) шошилингиз!

فَإِنْ لَمْ تَفْعُلُوا وَلَنْ تَفْعُلُوا فَأَتَقُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ
وَالْحِجَارَةُ أَعْدَتْ لِلْكَافِرِينَ

Маъноси: Борди-ю, (бу ишини) қилмасангиз – зинҳор қила олмайсиз ҳам – у ҳолда ёнилгиси одамлар ва тош (бут ва санам)лардан иборат, кофирлар учун тайёrlаб қўйилган дўзахдан сақланинг!

Аҳли сунна вал жамоанинг ақидасига кўра, жаннат Аллоҳ томонидан етти қават осмон устида яратиб қўйилган. Насафий ва Мотуридий бунга «Нажм» сураси, 14,15-оятларни далил келтирганлар:

عِنْدَ سِدْرَةِ الْمُنْتَهَىِ عِنْدَهَا جَنَّةُ الْمَلَوَىِ

Маъноси: «Сидратул-мунтаҳо» дараҳти олдида. «Маъво bogи» ҳам ўша (дараҳт)нинг олдидаидир.

Жаҳмийлар ва мұтазилийларнинг фикрича, жаннат аҳлларига ўзларининг амалларига яраша савоб, дўзах аҳлларига эса, амалларига яраша азоб етганидан сўнг, жаннат ва дўзах йўқ бўлиб кетади. Жаннат ва дўзах ўз аҳллари билан абадий қолмайди. Улар бу сўзларига «Ҳадид» сураси, 3-оятни далил келтирадилар:

هُوَ الْأَوَّلُ وَالآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

Маъноси: У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчиидир.

Мазкур оятда Аллоҳнинг сифатларидан баъзилари келтирилмоқда. «Аввал», яъни бошланиши йўқ. «Охир», яъни интиҳоси йўқ, У азалий ва абадийдир. «Зоҳир», яъни Унинг борлиги ҳамма нарсадан билиниб туради. «Ботин», яъни Уни бу дунёда инсондаги бешта сезги аъзолар билан ҳис этиб бўлмайди, балки, ақл билан танилади.

Мұтазилийларнинг фикрича, Аллоҳ борлиги ўз маҳлуқотларининг борлигига боғлиқ эмас. Аксинча, маҳлуқотларнинг борлиги Аллоҳнинг борлигидандир. Чунки Аллоҳ уларсиз ҳам аввал бўлган зотдир. Шунинг учун, охиратда ҳам маҳлуқларидан биронтаси бокий қолмаслиги лозимдир.

Аҳли сунна вал жамоанинг фикрича, аксинча, жаннат ва дўзах абадий қолади ва уларнинг йўқ бўлиб кетишига ҳеч қандай асос йўқ. Насафий, агар жаннат билан дўзах йўқ бўлиб кетса, унинг мўминлар ва кофиirlар учун пайдо бўлишидан қандай фойда бор, – деб таъкидлайди ва «Ҳуд» сураси, 23-оятни далил келтиради:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَحْبَبُوا إِلَيْهِمْ أُولَئِكَ
أَصْحَبُ الْجَنَّةَ هُمْ فِيهَا خَلِدُونَ ﴿١٠﴾

Маъноси: Албатта, имон келтириб, эзгу ишларни қилган ва Парвардигорлари (тоати)га бўйин-сунгандар – айнан ўшалар жаннат аҳлидирлар, улар у ерда мангудирлар.

Ахли сунна вал жамоа эътиқоди бўйича, мўминларга жаннатда беҳисоб неъматлар берилиши жоиз. Яъни ҳар бир жаннат аҳлига дунёга тенг, ёки иккита, ёки етти дунёга тенг жой-маконлар берилиши мумкин. Бу сўзни мұтазилийлар инкор қилиб айтадилар: «Битта банда дунёга тенг бўлган маконни қандай қилиб кўради ва манфаат олади, агар боғлар, неъматлар ва хизматкорлардан дунё микдорича макон берилса у қаерда ўтиради?»

Ахли сунна вал жамоанинг эътиқодига кўра, жаннат неъматлари дунё неъматларидан ва мулкидан кўп бўлиши вожиб. Дунёда Сулаймон^{صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ}, Зулқарнайн, Намруд ва Бухтанассарга мағрибдан машриққача подшолик қилиш имкони берилган эди. Аслида эса, уларнинг бунга ҳожатлари йўқ эди ва улар қўл остидаги барча ердан манфаат олмасдилар. Худди шунингдек, жаннатда ҳам беҳисоб неъматлар бўлиши жоиз ва жаннат эгалари Аллоҳ қодир қилиши билан уларнинг барчасидан манфаатлана олишлари ҳам мумкин. Агар Сулаймон^{صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ} мулкини бошқа кишига сарфлаганида, бу амали учун мукофотга ҳақдор бўларди, амални^مг мукофоти ўн баробар қилиб берилиши жоиз. Шунинг учун жаннатда битта бандага дунёдан ўн марта катта бўлган макон берилиши мантиқан жоиздир. Шунингдек, ахли сунна вал жамоа уламолари эътироф этишича, жаннатда ейиш, ичиш ва аёллардан фойдаланиш мубоҳдир. Мотуридия олимни Абу Шакур Солимий бунга Куръондан куйидаги оятларни далил келтиради:

﴿ مَثُلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وُعِدَ الْمُتَّقُونَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ أَكُلُّهَا دَآءِمٌ وَظِلُّهَا تِلْكَ عُقْدَى الَّذِينَ آتَيْنَا ... ﴾

Маъноси: Тақволилар учун ваъда қилинган жсаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо) жорий, мевалари ва соялари боқийдир. Бу тақво қилганинг оқибати (мукофоти)дир... («Раъд» сураси, 35-оят).

عَلَيْهِمْ ثِيَابٌ سُنْدُسٌ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ وَحُلُوًّا أَسَاوِرٌ مِنْ فِضَّةٍ

﴿ وَسَقَنْهُمْ رَبُّهُمْ شَرَابًا طَهُورًا ﴾

Маъноси: Устидарида яшил ипак ва шойи лиbosлар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безанган бўлурлар ва Парвардигорлари уларга пок шароб ичирур. («Инсон» сураси, 21-оят.)


يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِصَحَافٍ مِنْ ذَهَبٍ وَأَكْوَابٍ وَفِيهَا مَا تَشَهِّدُ
الْأَنْفُسُ وَتَلَدُّ الْأَعْيُنُ وَأَنْتُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ

Маъноси: Уларга олтин лаганлар(да таомлар) ва қадаҳлар(да шароблар) айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда (жсаннатда) мангу қолурсиз («Зухруф» сураси, 71-оят).

Аҳли сунна вал жамоа уламолари жаннат ва дўзах масаласида мұтазилия оқимиға қарши ўз эътиқодларида қатый турғанлар ва юқоридаги далилларга суюнган ҳолда ушбу масалада жаннат ва дўзах аввалдан яратилган, деган фикрда тўхталганлар.

2. Инсон вафотидан кейинги ҳолатлар (қабр) ҳақидағи қарашлар. Ушбу масалада ҳам мұтазилийлар ақлга, мантиққа суюниб фикр билдирганлар. Мұтазилия, жаҳмия, нажжория каби оқимлар инсон вафотидан кейинги

қабрдаги ҳолатларни инкор этадилар. Уларнинг эътиқодига кўра, вафот этган тананинг қабрда саволга тутилиши, қабрнинг сикиши ва азобланиши каби қарашлар сафсатадан иборатдир. Чунки танадан руҳнинг чиқиб кетиши билан жасад ҳеч нарсани: совуқни ҳам, иссиқни ҳам оғриқни ҳам сезмайди. Жонсиз ҳолатдаги органик тананинг қабрдаги воқеаларга дуч келиши ақлга тўғри келмайди. Муътазилийларнинг эътирози шундаки, қабрдаги азоб руҳга бериладими ёки танагами? Агар руҳга бўлса, у қандай азобланади? Агар танага берилса, тана руҳсиз қандай азобланади? Агарда танага руҳ қайта киритилади, дейилса, унда тананинг яна иккинчи маротаба ўлиши зарур бўлиб қолади. Бу эса, мантиқан тўғри эмасдир. Улар бу фикрларига «Оли Имрон» сураси, 185-оятни далил келтирадилар:



Маъноси: Ҳар бир жон ўлим (аччиги)ни тотгувчидир.

Муътазилийларнинг таъкидлашича, Аллоҳ ушбу оятида инсон бир маротаба ўлимга рўбарў келишини уқтироқда. Шундай экан, ўлим орқали инсондан чиқиб кетган руҳ унга қиёматгача қайтиб кирмайди.

Аҳли сунна вал жамоа уламоларининг таъкидлашича, ушбу оят нафақат инсонлар, балки жамики нафси бор маҳлуқотлар учундир.

Мотуридия олими Абул Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида таъкидлашича, аҳли сунна вал жамоа уламолари наздида қабр азоби ва Мункар Накир фариштадарининг савол-жавоблари ҳақдир. Шунингдек, майитнинг мўмин бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, қабрнинг сикиши ҳам ҳақдир. Насафийнинг фикрича, кофирларнинг қабрдаги изтироби қиёматгача давом этади. Фақат жума кунлари ва рамазон ойида Расулуллоҳ нинг ҳурматлари туфайли азоб тўхтатилади. Аҳли сунна вал жамоа бунга «Анфол» сураси, 33-оятни далил келтиради:

وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُعَذِّبُهُمْ وَأَنَّتِ فِيهِمْ وَمَا كَانَ اللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ

وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ

Маъноси: Уларнинг ичидаги сиз бўла туриб, Аллоҳ уларни азобловчи эмас. Улар истигфор айтиб (кечирим сўраб) турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азобловчи эмас.

Ахли сунна вал жамоа уламоларининг таъкидлашича, Аллоҳ ушбу ояти орқали Расулуллоҳ нинг хурмати учун мушрикларни азобламаслигини таъкидламоқда. Шу туфайли уларни Расулуллоҳ нинг хурмати билан жума кунлари ва рамазон ойида қабрдаги изтиробдан фориг қиласди. Ахли сунна вал жамоанинг эътиқодига кўра, қабрда рух танадан ташқарида бўлса ҳам, тана билан муттасил равишда изтиробда бўлади.

Мотуридий ва унинг издошлари таъкидлашларича, шаръий нуқтаи назардан мўмин киши тақвodor ёки осий бўлиши мумкин. Тақvodor мўминга фақатгина қабрнинг сиқиши бўлади. Осий мўминга эса қабр изтироблари ҳам бўлади. Абул Муин Насафийнинг таъкидлашича, осий мўминнинг қабрдаги изтироби жума куни ёки жума кечаси тугайди ва қиёматгача қайтмайди. Агарда осий мўмин жума куни вафот этган бўлса, унга қабрдаги изтироб бир соатгина бўлади ва тўхтайди. Насафий Расулуллоҳ дар куйидаги ҳадисни далил келтиради: Расулуллоҳ Оиша онамизга дедилар: «Қабрнинг мўминни сиқиши худди онанинг ўз боласининг оёқларидан маҳкам қучиб олгани кабидир» (Имом Аҳмад «Муснад»да ривоят қиласан). Яна куйидаги ҳадис далил келтирилади: Расулуллоҳ Ҳазрат Умардан сўрадилар: «Эй, Умар! Қабрда сенга икки фаришта рўбарў келса нима қиласан?» Ҳазрат Умар сўради: «Эй, Расулуллоҳ! У ерда менинг ҳозирги пайтдаги ақлим

бўладими?» Расулуллоҳ жавоб бердилар: «Ҳа, бўлади» Ҳазрат Умар деди: «Унда мен уларга ўз ақлим билан кифоя қила оламан» (Имом Муслим ривояти).

Абул Муин Насафий «Бахр ал-калом» асарида таъкидлашича, қабрдаги ҳолатларга имон келтириш ақлан жоиздир. Чунки уйқудаги одамнинг рухи чиқиб кетганини хеч ким кўрмаган. Уйқудаги одам изтиробда бўлса, унинг рухи ҳам муттасил равишда изтироб чекади. Уйқусида инсоннинг гапириб юбориши руҳнинг тана билан муттасил, яъни боғлиқ бўлганига далолатдир. Уйқу эса, ўлимнинг укаси кабидир. Насафий ушбу фикрига «Зумар» сураси, 42-оятни далил келтиради:

اللَّهُ يَتَوَفَّ الْأَنفُسَ حِينَ مَوْتِهَا وَالَّتِي لَمْ تَمُتْ فِي مَنَامِهَا
فَيُمْسِكُ الَّتِي قَضَى عَلَيْهَا الْمَوْتَ وَيُرِسِلُ الْأُخْرَى إِلَى أَجَلٍ مُّسَمٍّ
إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

Маъноси: Аллоҳ жонларни ўлган вақтида, ўлмаганларни эса ухлаётган пайтларида олур. Бас, Ўзи ўлимга ҳукм қилган жонларни (қайтармасдан) ушлаб қолур, бошқаларини эса белгиланган бир муддатгача (ажсаллари етгунча) қўйиб юборур. Албатта, бунда тафаккур қиласидиган қавм учун аломатлар бордир.

Насафий жамики аҳли сунна вал жамоа уламоларига эргашиб қабрдаги ҳолатларга яна Куръондан «Тавба» сураси, 101-оятни далил келтиради:

... سَنُعَذِّبُهُمْ مَرَّتَيْنِ ثُمَّ يُرَدُّونَ إِلَى عَذَابٍ عَظِيمٍ

Маъноси: ...Албатта, уларни икки бор азоблаймиз. Сўнгра (қиёматда) улкан азоб (дўзах)га қайтарилурлар.

Насафий ушбу оятни таъвил қиласар экан, икки марта

(марратайн) азобланишдан мурод, биринчиси дунёдаги азоб, иккинчиси эса қабрдаги изтироб, деб таъкидлайди.

Ахли сунна вал жамоа уламолари қабрдаги ҳолатларнинг ҳақиқат эканини таъкидлаган ҳолда Расулуллоҳ^ﷺдан куйидаги ҳадисларни далил келтирганлар:

Расулуллоҳ^ﷺ дедилар: «Қабр азоби уч қисмдан иборатдир: Биринчиси гийбатчилар учун, иккинчиси тухматчи ва чақимчилар учун, учинчиси бавлдан (нажас) ўзини пок тутмаганлар учун».

«Бавл (нажас)дан ўзларингизни пок тутинглар. Чунки қабрдаги изтиробларнинг аксарияти шундан бўлади».

«Қабр гўёки жаннатдаги бир боғ кабидир, ёки дўзахдаги бир чуқурлик кабидир».

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: Расулуллоҳ^ﷺ дедилар: «Инсон вафот этгандан сўнг унинг овозини барча ҳайвонлар эшитади, фақат инсонлар ва жинларгина эшитмайди. Агар у солих бўлса, қабрига элтаётгандарида «Шошилинглар, мени олдинда яхшиликлар кутаётганини билганингизда, тезроқ етказар эдингиз», дейди. Агар ёмон бўлса, «Шошилманглар, мени қандай ёмонликлар кутаётганини билганингизда асло шошилмас эдингиз», деб айтади.

Қабрига қўйилгач, шакли қора, кўк кўзли икки фаришта келади. Унинг олдига аввал боши томонидан келишади. Ўқиган намозлари «Бу киши қабр азобидан кўркиб, намозларда қоим эди», деб уларни қайтаради. Икки сёғи томонидан келишганда, ота-онасиға қилган яхшиликлари «Оёқлари билан хизматда юрар, қабр азобидан кўркар эди», деб қайтаришади. Ўнг томонидан келишади. Берган эҳсон, садакалари «Сахий ва қўрқувчи эди», деб қайтаради. Сўнгра чап томонидан келишади. Тутган рўзаси «Мен томондан келманглар, қабр азобидан ўзини саклаш учун бу киши чанқоқ ва оч юрар эди», дейди...»

Мұтазилийлар қабрдаги ҳолатларга юкоридаги ҳадис-

ларни далил келтириш асоссиз деб таъкидлайдилар. Чунки қабр ҳақидаги ҳадисларнинг аксарияти оҳод ҳадислар ҳисобланган. Мұтазилийлар эса, оҳод ҳадисларни далил келтиришда әхтиёткор бўлишга ҳаракат қилганлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қабр ҳақидаги ақидаларни мұтазилийлар ўзларининг рационалистик тафаккурлари билан қатъий инкор этганлар. Аҳли сунна вал жамоа уламолари эса ақлий тафаккур қилишдан бироз четлашиб, юқоридаги оят ва ҳадисларга суяңган ҳолда қабр масаласидаги қарашларида қатъий турғанлар.

Замонавий оқимлардан «Ҳизб ат-тахрир» оқими ҳам қабрдаги изтироб масаласида ихтилофда бўлган. Уларнинг баъзилари, ишонамиз, лекин ақидага олмаймиз, деб таъкидлашса, баъзилари, қабрдаги ҳолатлар фақатгина қабрга тушганларга бўлади, денгизда чўкиб кетган, ҳавода йўқ бўлиб кетганларга қабрдаги ҳолатларнинг бўлиши ақлдан йирокдир, деб таъкидлайди. Демак, “Ҳизб ат-тахрир” оқимининг ҳам ушбу масаладаги қарашлари аҳли сунна вал жамоа эътиқодига зид ҳисобланади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. *Мұтазилийларнинг жсаннат ва дўзах ҳақидаги фикрлари қандай бўлган?*
2. *Аҳли сунна вал жамоанинг жсаннат ва дўзах ҳақидаги фикрлари қандай бўлган?*
3. *Қайси оқимлар инсон вафотидан кейинги ҳолатларга таалуқли ақидани инкор этганлар?*
4. *Нима учун мұтазилийлар “қабр азоби” ақидасини инкор этганлар?*
5. *Қабрдаги ҳолатлар ҳақидаги ақидалар қайси манбалар асосида шаклланган?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулкодир Абдураҳим ўғли. Ақоид дарслиги. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 179 б.
2. Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит. «Ал-Фиҳқ ал-акбар» рисоласи матни.

3. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
4. Мұхаммад ибн Абдурахмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
5. Насафий, Абул Мүин Маймун ибн Мұхаммад. Баҳр ал-қалом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
6. Солимий, Абу Шакур. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демурғ магбааси. 1908.
7. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул мұхаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

3.8. АЛЛОҲНИНГ ЗОТИ, СИФАТЛАРИ ВА АРШ МАСАЛАСИ

РЕЖА:

- 1. Аллоҳнинг зоти ва сифатлари**
- 2. Арш масаласига оид қарашлар**

Таянч иборалар:

<i>феълий сифат,</i>	<i>зотий сифат,</i>	<i>салбий сифат,</i>
<i>маънолар сифати,</i>	<i>маънавий сифат,</i>	<i>асмо ал-ҳусно,</i>
<i>Арш,</i>	<i>таъвил,</i>	<i>махлук,</i>
<i>истиво,</i>	<i>қубба,</i>	<i>кайфият.</i>

1. Аллоҳнинг зоти ва сифатлари. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, Аллоҳнинг барча исм ва сифатлари мукаммал бўлиб, азалий ва абадийдир. Аллоҳнинг исмлари мусаммонинг айнан ўзидир. Сифатлари эса, Зотнинг Ўзи ҳам, Ундан бошқа ҳам эмасдир. Аллоҳнинг исм ва сифатлари кўпдир. Аллоҳнинг энг гўзал исмларидан 99 таси ҳакида Расулуллоҳ  дан қуйидаги ҳадисда келтирил-

ган: Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: Расулуллоҳ^ﷺ дедилар: «Аллоҳ таолонинг 99 та, бир кам 100 та исми бор. Ким уларни санаб чиқса (тўлиқ билиб олса), жаннатга киради. У Үндан бошқа илоҳ йўқ (бўлган) *Аллоҳ, Раҳмон, Раҳим, Малик, Қуддус, Салом, Мўъмин, Муҳаймин, Азиз, Жаббор, Мутакаббр, Ҳолиқ, Бориъ, Мусаввир, Гаффор, Қаҳҳор, Ваҳҳоб, Рazzоқ, Фаттоҳ, Алим, Қобиз, Босит, Ҳофиз, Роғиъ, Муизз, Музил, Самиъ, Басир, Ҳакам, Адол, Латиф, Ҳабир, Ҳалим, Азим, Гафур, Шакур, Алий, Қабир, Ҳафиз, Муқит, Ҳасиб, Жалил, Карим, Рақиб, Мужиб, Восиъ, Ҳаким, Вадуд, Мажид, Бойис, Шаҳид, Ҳаққ, Вакил, Қовий, Матин, Валий, Ҳамид, Муҳсий, Мубдиъ, Муъид, Муҳийй, Мумит, Ҳайй, Қайюм, Вожиҳ, Можиҳ, Ваҳид, Самад, Қодир, Муқтадир, Муқаддим, Муаххир, Аввал, Охир, Зоҳир, Ботин, Волий, Мутаолий, Барр, Таввоб, Мунтақим, Афув, Рауф, Маликул Мулк, Зул Жалоли вал Икром, Муқсим, Жомиъ, Ганий, Мугний, Мониъ, Зорр, Ноғиъ, Нур, Ҳодий, Бадийъ, Боқий, Ворис, Рашид, Собур» (Имом Термизий, ибн Ҳиббон ва ал-Ҳоким ривояти).*

Аллоҳнинг сифатлари ҳақида Қуръонда шундай дейилган:

وَلِلَّهِ الْأَكْبَرُ أَلْحَسْنَى فَادْعُوهُ بِهِ ...

Маъноси: Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўша (исм)лар билан атангиз! («Аъроф» сураси, 180-оят).

Дастлабки уламолар Қуръон ва ҳадисда келган Аллоҳнинг сифатларини қандай бўлса шундайлигича, яъни таъвил қилмай тушунгандар. Абу Ҳанифа: «Аллоҳ Қуръонда «юз», «қўл», «нафс» сўзларини Ўзига нисбатан қўллаган бўлса, уларни шундайлигича тушуниш керак», деб таъкидлаган. Сифатларни таъвил қилмаслик олимлар томонидан «аслам» (тинч) йўл деб аталган. Масалан, Имом Молик хузурига бир киши «истиво» ҳақида сўраб келди. Имом Молик: «Истиво» маълум. Лекин унинг қандайлиги

номаълумдир, унга имон келтириш вожиб, у ҳакда савол бериш эса, бидъатдир» – деб, жавоб берган.

Кейинги уламолар эса, давр талаби ва ҳолатга қараб далилларга асосланган ҳолда бундай оятларни таъвил қилганлар. Бу йўл олимлар томонидан ахкам (бир тўхтамга келинган) йўл деб аталган. Лекин икки давр олимлари ҳам бир-бирларига қарши сўз айтмаганлар.

Ахли сунна вал жамоа уламолари Куръон ва ҳадисда келган сифатларни синчковлаб ўрганиб чиқиб, умумийлаштирган ҳолда жами йигирмата сифат бор, деб таъкидлаганлар ва уларни тўрт қисмга бўлганлар:

1. Нафсий сифат: Вужуд.

2. Салбий сифат: Салбий сифат деб, сифат маъносига зид бўлган маънони Аллоҳдан инкор қилувчи сифатларга айтилади. Салбий сифатлар бештадир:

– «Қадимийлик» («Худус» сифатини Аллоҳдан инкор қиласди);

– «Боқийлик» (фонийликни Аллоҳдан инкор қиласди);

– «Абадий», «азалий» (интиҳони Аллоҳдан инкор қиласди);

– «Ўз зоти билан қоим» (муҳтожликни Аллоҳдан инкор қиласди);

– «Ягона» (кўпликни Аллоҳдан инкор қиласди).

3. Маънолар сифатлари (зотий сифатлар): «қудрат», «ирода», «илм», «ҳаёт», «эшиятиши», «кўриши», «калом».

4. Маънавий сифатлар:

– Аллоҳнинг қодир бўлиши;

– Ирода қилувчи бўлиши;

– Олим бўлиши;

– Ҳаёт (тирик) бўлиши;

– Эшиитувчи бўлиши;

– Кўрувчи бўлиши;

– Гапирувчи бўлиши.

Аллоҳ сифатларининг юқоридаги тақсимланишидан фарқли равишда, Абул Муин Насафийнинг «Баҳр ал-

калом» асарида Аллоҳнинг сифатлари умумий тарзда икки турга: зотий ва феълий сифатларга бўлинган.

Агар Аллоҳ ўзи сифатланган сифатга зид бўлган сифат билан сифатланмаса, зотий сифат дейилган. Аллоҳнинг зотий сифатларига «ҳаёт», «қудрат», «иљм», «калом», «эшитиш ва кўриш», «машиат» (хоҳлаш, ихтиёр қилиш) ва «ирода» сифатлари киради.

Ушбу сифатларни таҳлил қиласиган бўлсак, масалан, Аллоҳ ўзининг «ҳаёт» зотий сифати билан азалий ва бокий бўлган зот ҳисобланади. «Бақара» сураси, 255-оятда шундай хабар берилади:

اللهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَيُّومُ ...


Маъноси: Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ҳамиша Барҳаёт ва абадий Турувчидир.

Масалан, Аллоҳнинг «калом» сифати ҳам қадимий ва бокий сифатларидан ҳисобланиб, унинг ушбу сифати Ўзининг бошқа махлукотларининг гапириш сифатидан кескин фарқланади, деб ҳисобланади. Инсонлар тиллари ва лаблари билан гапиришга қодир бўлсалар, Аллоҳ бундай аъзоларга беҳожат зот ҳисобланади. Куръоннинг «Ёсин» сураси, 82-ояти бунга далил бўлади:

إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ مُكْنَفٌ فَيَكُونُ

Маъноси: Бирор нарса (яратиш)ни ирода қилганида, Унинг иши фақатгина: «Бўл!» – дейишдир. У (нарса) эса бўлур (вужудга кедур).

Юқоридаги далиллар каби Аллоҳнинг «қудрат», «иљм», «эшитиш ва кўриш», «машиат», «ирода» сифатлари ҳам Аллоҳнинг қадимий ва бокий сифатлари ҳисобланган ва Аллоҳ ушбу сифатларини амалга оширишда Ўзининг махлукотларидан фарқ қиласиди. Масалан, Аллоҳ ўзининг «эшитиш ва кўриш» сифатлари билан барча товушлар, ҳарфлар, калималарни эшита олади ҳамда барча шакллар ва

рангларни Ўзининг азалий сифати билан кўра олади. Куръоннинг «Шўро» сураси, 11-оятида Аллоҳ ушбу сифатлари билан Унга барча яратган махлукотлари сира ўхшамаслигини таъкидлайди:

... لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ أَكْبَرُ الْبَصِيرُ

Маъноси: ... Унинг мислидек (зотидек) бирор нарса ийқидир. У Эшишувчи ва Кўрувчидир.

Агар Аллоҳ Ўзи сифатланган сифатга зид бўлган сифат билан сифатланса, ушбу сифатлар **феълий сифатлар** дейилади. Масалан, «тирилтирувчи» ва «ўлдирувчи», «бे-рувчи» ва «ман қилувчи» сифатлар каби. Феълий сифатларга «яратиши», «ризқ берииши», «неъмат берииши», «магфират қилиши», «ҳидоят қилиши» каби сифатлар киради.

Абул Ҳасан Ашъарийнинг таъкидлашича, Аллоҳнинг қуидаги саккизта зотий сифатлари қадимийдир: «ҳаёт», «қудрат», «илм», «калом», «самъ», «басар», «ирода» ва «қадим». Аллоҳнинг зотий сифатларидан бошқа сифатлари «қудрат» ва «илм» сифатлари тақозо қилувчи сифатлар жумласига киради. Кудрат сифати таркибиға киравчи сифатлар феълий сифатлар бўлиб, уларнинг барчаси қадимий эмас. Ашъарийлар ва карромийлар айтади: «Аллоҳ таоло махлукотларини яратмасидан олдин унинг «холик» деган сифати бўлмаган». Абул Муин Насафийнинг таъкидлашича, мотуридия эътиқоди бўйича Аллоҳнинг барча зотий ва феълий сифатлари азалийдир.

Насафий айтади: Агарда бизга, ушбу сифатларнинг қадимий ва азалий эканига далилингиз қани? – деб савол беришса, биз шундай деймиз: «Агар Аллоҳ азалдан «қодир» бўлмаган бўлса, қандай килиб «қудрат» феълига эришишга қодир бўла олган ва «яратиши», «эшиштиши», «кўриши» сифатларига ҳам қандай қодир бўлган?»

2. Арш масаласига оид қарашлар. Арш масаласида ҳам тарихда турли ақидавий ихтилофлар мавжуд бўлган. Хусусан, мұтазилийлар, мушаббихалар, шиалар эътиқоди

бўйича Арш мулқдир, курсий эса қаламдир. Улар бунга «Бақара» сураси, 255-оятни далил келтирадилар:

وَسَعَ كُرْسِيُّهُ الْسَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ ...


Маъноси: ... Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сидира олур...

Аҳли сунна вал жамоанинг эътироф этишича, Аршнинг мулк бўлиши мумкин эмас. Бунга «Ҳокқа» сураси, 17-оятни далил келтирадилар:

وَنَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِنْ مَهْبِبَةً ...


Маъноси: ... Уларнинг устида Раббингиз Аршини у кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур.

Ушбу оятдан кўриниб турибдики, агар Арш мулк бўлса, унинг кўтарилиб туришига муҳтоҷлиги бўлмас эди. Абул Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида Расулуллоҳ  дан куйидаги ҳадисни келтиради: «Аллоҳ Аршни яратгандан сўнг фаришталарни яратди ва уларга Аршни кўтаришга буюрди. Фаришталар Аршни кўтаришга ожизлик қилдилар. Шунда Аллоҳ деди: «Мен фаришталарни сахродаги кум зарралари ёки ёмғир томчилари каби кўп қилиб ятраганимда ҳам улар менинг кўмагимсиз Аршни кўтара олмас эдилар». Шунда фаришталар Аллоҳга илтижо қилиб ёрдам сўрадилар. Аллоҳдан уларга кайфияти номаълум, ташбихи йўқ бир нидо келди. Фаришталар, «Субҳаналлоҳ, валхамду лилаҳ, вала шлаҳа иллаллоҳ, валлоҳу акбар, вала ҳавла, вала қуввата, илла биллаҳил алиййил азим», – деб дуо қилдилар ва Аршни кўтардилар. Арш уларнинг бошлари баробар кўтарилди». Мазкур фаришталар бу дунёда тўртта ва охиратда эса саккизтадир. Насафийнинг таъкидлашича, Аршни тўртта фаришта кўтариб турибди ва уларнинг ҳар бири алоҳида қиёфага эгадир.

Аҳли сунна вал жамоа Расулуллоҳ  дан куйидаги ҳа-

дисни далил келтиради: Ибн Аби Ҳотим Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қиласи: Расулуллоҳ дедилар: «Аршни күтариб турувчи фаришталар ҳақида баён қилиб беришимга изн берилди. Улар қулоқларининг пастки қисмидан то томоқларигача бўлган масофа бир күшнинг етти юз йил тинмай қанот қоқиб учиб ўтган йўл миқдоричадир».

Насафийнинг таъкидлашича, Аллоҳ Аршни яратишидан хикмат нимада? – деган масала юзасидан ҳам турли қарашлар мавжуд бўлган. Баъзилар, бунда фаришталар дуосининг шубҳасиз ижобат бўлишидир, чунки улар айнан дуо орқалигина Аршни кўтаришга муяссар бўлдилар, деган фикрни билдирганлар.

Баъзилар эса, Арш фаришталарнинг кўзгуси бўлиб, улар ўша кўзгу орқали ер ва осмондаги жамики нарсаларни кўриб турадилар, деган фикрни билдирганлар.

Баъзиларнинг фикрича, Арш нурдан ясалган улкан «сарир»дир (ўрин, тўшак) ва Аллоҳ Арш устидадир, фаришталар эса, Аршни ўраб, кўтариб турувчидир. Ушбу фикрларига Куръондан қуидаги оятларни далил келтирганлар:

وَتَرَى الْمَلَكِيَّةَ حَافِينَ مِنْ حَوْلِ الْعَرْشِ يُسْتَحْوِنَ بِهِمْ رَبِّهِمْ
وَقُضِيَّ بَيْنَهُمْ بِالْحُقْقِ وَقِيلَ لَهُمْ لَهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ

Маъноси: (Эй, Мұхаммад!) Сиз (ўша кунда) фаришталар Арш атрофини ўраб олиб, Парвардигорларига ҳамд билан тасбех айттаётгандарини кўрасиз. (Зеро) уларнинг (пайғамбарлар ва умматларининг) ўрталарида ҳаққоний ҳукм қилинди ва «Ҳамд (барча) оламларнинг Парвардигори Аллоҳгадир!» дейилди («Зумар» сураси, 75-оят).

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ أَسْتَوْى

Маъноси: У Арш узра «муставий» бўлмиши Раҳмондир («Тоҳо» сураси, 5-оят).

Баъзиларнинг эътироф этишича, Арш алвон (қизил) рангда товланиб турган ёкутдир. Бунга Қуръондан куйидаги оятлар далил келтирилган:

رَفِيعُ الدَّرَجَاتِ دُوْ أَلْعَرْشِ ...

Маъноси: (У) даражаларни кўтарувчи ва Аршининг (ҳам) соҳибидир («Фофири» сураси, 15-оят).

مَنْ أَلْهَهُ ذِي الْمَعَارِجِ تَرَجَّعُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ إِلَيْهِ فِ

يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُ خَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةً

Маъноси: Албатта, (у азоб) меъроjслар эгаси (Аллоҳ) дандир. Фаришталар ва Руҳ (Жаброил) миқдори (масофаси) эллик минг йилга тенг (бўлган) бир кунда (қиёмат кунида) Унинг ҳузурига кўтарилурлар («Маориж» сураси, 3,4-оятлар).

Ибн Касир ушбу оятларни қуидагича тафсир қилган: Арш алвон рангли ёкут бўлиб икки четининг узунлиги эллик минг йиллик пиёда босиб ўтилган масофа кабидир ва баландлиги етти қават осмондан юқори бўлиб, ердан эллик минг йиллик пиёда босиб ўтилган масофа баландлигидадир.

Баъзиларнинг эътиқоди бўйича Аллоҳ бир маконда эмас, балки барча жойдадир. Чунки Аллоҳ Ўз зоти билан маконга муҳтож эмасдир. Бунга Қуръондан қуидаги оятлар далил келтирилган:

أَلَمْ تَرَأَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَا يَكُونُ
مِنْ نَجْوَى ثَلَاثَةِ إِلَّا هُوَ رَابِّهِمْ وَلَا خَمْسَةِ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ وَلَا أَدْنَى
مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْثَرُ إِلَّا هُوَ مَعْهُمْ أَئِنَّ مَا كَانُوا ثُمَّ يُنَبِّهُمْ بِمَا عَمِلُوا

يَوْمَ الْقِيَمَةِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

Маъноси: Аллоҳ осмондаги ва Ердаги бор нарсаларни биллишини кўрмадингизми?! Уч кишигинг ўзаро шивирлашиб гаплашиши бўлса, албатта, уларнинг тўртинчиси Удир. Беш кишининг ҳам, албатта, олтинчиси Удир. Бундан оз бўладими ё кўп бўладими, қаерда бўлсалар ҳам, албатта, У улар билан биргадир. Сўнгра қиёмат куни уларга қилган амалларининг хабарини берур. Албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчиидир («Мужодала» сураси, 7-оят).

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَنَ وَنَعْلَمُ مَا تُوَسِّعُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ

إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ

Маъноси: Инсонни (Биз) яратганмиз, (демак,) унинг нафси васваса қиласидиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз («Қоф» сураси, 16-оят).

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلِكِنَ لَا تُبَصِّرُونَ

Маъноси: Биз унга сизлардан кўра яқинроқдирмиз, лекин сизлар (буни) кўрмассиз («Воқеа» сураси, 85-оят).

وَهُوَ الَّذِي فِي السَّمَاءِ إِلَهٌ وَفِي الْأَرْضِ إِلَهٌ وَهُوَ الْحَكِيمُ

الْعَلِيمُ

Маъноси: У (Аллоҳ) осмонда ҳам илоҳ, ерда ҳам илоҳдир. У Ҳикматли ва Илмли (зот)дир («Зухруф» сураси, 84-оят).

Шунингдек, араб файласуфлари Аршни фалак деб эътироф этганлар. Лекин ахли сунна вал жамоа фикрича, Арш олам учун гўё қубба сингаридир. У ҳам инсонлар каби маҳлукдир. Арш эгаси – Аллоҳ ҳеч қандай кайфиятсиз Арш устидадир деб, эътиқод қилинади. Бунга Куръондан ушбу оят далил келтирилган:

إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ
 ثُمَّ أَسْتَوَى عَلَى الْعَرْشِ يُغْشِي الَّلَّيلَ الَّنَّهَارَ يَطْلُبُهُ حَيْثِ شَاءَ وَالشَّمْسَ
 وَالْقَمَرَ وَالنُّجُومَ مُسْخَرَاتٍ بِأَمْرِهِ إِلَّا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ

الْعَالَمَيْنَ

Маъноси: Дарҳақиқат, Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган, сүнгра Ариз узра «муставий» бўлган, кунга тунни қоплайдиган – уни (яъни кунни тун) шитоб билан қувади – қуёш, ой, юлдузларни Ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир. Огоҳ бўлингизки, яратиш ва буюриши Унга хосдир. Оламларнинг Рабби бўлмиши Аллоҳ барокатидир («Аъроф» сураси, 54-оят).

«Истраво алал ариш» оятини аввалги (илк ислом уламолари) олимлар таъвил қилмаганлар. Бу ҳақда улар «истраво» калимасининг маъноси аниқ, лекин кайфияти ноаниқдир, деган фикрда бўлганлар. Лекин кейинги асрларда Абул Ҳасан Ашъарий, Абу Мансур Мотуридий каби мутакаллимлар мұтазилия ва мушаббиҳа оқимларининг ақидавий қарашларига раддия сифатида «истраво» оятини «қувват ва қудрат ила эга бўлмоқ», деб таъвил қилганлар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Аллоҳнинг зотий ва феълий сифатлари ҳақида маълумот беринг.
2. Аллоҳнинг исмлари ҳақида маълумот беринг.
3. Мутакаллимлар томонидан Аллоҳнинг сифатлари умумий неча қисмга тақсимланган?
4. Ариз борасида уламолар томонидан айтилган фикрларни мисол келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Ҳанифа Нұғмон ибн Собит. «Ал-Фиҳ ал-акбар» рисоласи матни.
2. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
3. Мухаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
4. Мулло Али ал-Қорий ал-Ҳанафий ал-Имом. Шарҳ китоб ал-ғиҳҳ ал-акбар лил Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Нұғмон ибн Собит ал-Куфий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. – 336 б.
5. Насафий, Абуль Муин Маймун ибн Мұхаммад. Баҳр ал-қалом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
6. Солимий, Абу Шакур. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демурф матбааси. 1908.
7. Тафтазоний, Саъдуддин ибн Умар. Шарҳ ат-талвиҳ ала ат-тавдиҳ (лил имом ал-қоди садр аш-шария Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий ал-Ҳанафий). – Ж. 2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – 432 б.
8. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Масъул мухаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

3.9. ТАКЛИФ ВА ТОАТ МАСАЛАСИ

РЕЖА:

1. Таклиф масаласида ақидавий ихтилофлар.
2. Таклиф ва иститаат турлари.

Таянч иборалар:

<i>тоат,</i>	<i>таклиф,</i>	<i>тоқат,</i>
<i>иститаат,</i>	<i>қувват,</i>	<i>қудрат,</i>
<i>муқаллаф,</i>	<i>лозим,</i>	<i>воҗисб,</i>
<i>жсоиз,</i>	<i>феъл,</i>	<i>ҳолат,</i>
<i>таклифий қудрат,</i>	<i>тавғиқий қудрат,</i>	<i>зод ва роҳила.</i>

1. Таклиф масаласида ақидавий ихтилофлар. «Таклиф» сўзи ўзбек тили истилоҳида енгилроқ маънода, яъни

бирор тадбир ёки байрамга таклиф қилиниш маъносида қўлланилади. Лекин «таклиф» сўзининг араб тилидан сўзма-сўз таржимаси бирон кишига қандайдир вазифа ёки ишни юклаш, мажбурлаш маъносини англатади. Шу нуқтаи назардан, ақоид илмида «таклиф» сўзи Аллоҳнинг ўз бандасига пайгамбари орқали юборган ҳукмларининг бажарилиши тушунилади. «Таклиф»ни олган инсон «мукаллаф» (мажбур, бажарувчи) хисобланади.

Аҳли сунна вал жамоа, хусусан, ҳанафия-мотуридия эътиқоди бўйича Аллоҳ ўз бандасига унинг тоқатидан юқори нарсани «таклиф» қилмаган, яъни мажбурламаган. Жабарийлар эътиқоди бўйича эса, бу нарса жоиздир. Улар ушбу ақидаларига қуйидаги оят ва ҳадисларни далил қилиб келтирадилар:

وَلَنْ تَسْتَطِعُواْ أَنْ تَعْدِلُواْ بَيْنَ النِّسَاءِ ...
151

Маъноси: Ҳар қанча истасангиз ҳам хотинларингиз ўртасида адолатли (ҳаммасига бир хил муносабатда) бўла олмайсиз... («Нисо» сураси, 129-оят).

Уларнинг ақидасига кўра, мазкур оятда инсонлар адолатга қодир эмаслиги хабар берилмоқда. «Наҳл» сураси, 90-оятда эса, Аллоҳ инсонларни адолат қилишга буюрмоқда, яъни «Нисо» сурасининг 129-оятига кўра адолат қилиш тоқатдан юқори эканлигини баён қилмоқда ва «Наҳл» сурасининг 90-ояти орқали ушбу тоқатдан юқори ишга буюрмоқда:

* إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَإِلَيْهِ الْحَسِنِ وَإِيتَاهِي ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَا

عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ
152

Маъноси: Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур.

Жабарийлар яна «Оли Имрон» сураси, 102-оятни далил келтирадилар:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا أَتَقُوا اللَّهَ حَقَّ تُقَاتِلُهُ ...

Маъноси: Эй, имон келтирганилар! Аллоҳдан чинакам қўрқув билан қўрқингиз...

Маълумки, «Оли Имрон» сурасининг 102-ояти кейинчалик «Тағобун» сурасининг қуидаги 16-ояти билан мансух бўлган:

فَأَتَقُوا اللَّهَ مَا أَسْتَطَعْتُمْ ...

Маъноси: Бас, тоқатингиз етганича Аллоҳга тақвода бўлингиз...

Жабарийларнинг фикрига кўра, «Оли Имрон» сурасининг 102-ояти мансух бўлишидан олдин бандаларнинг Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилиши тоқатдан юкори иш бўлган. Шунингдек, «Бақара» сураси, 286-оятида Расулуллоҳ номидан хабар бериб айтилади:

رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ...

Маъноси: ...Эй, Раббимиз, тоқатимиз етмайдиган нарсани бизга юклаб ташлама!...

Жабарийларнинг эътироф этишича, агар тоқатдан юкори нарсага таклиф қилиш жоиз бўлмаганида, Расулуллоҳ нинг бундай дуо қилишлари мантиқан тўғри бўлmas эди. Демак, Расулуллоҳ нинг бундай дуо қилишларидан, Аллоҳнинг ўз бандасига тоқатидан юкори нарсани таклиф қилиши мумкин бўлади.

Куръонда айтилишича, Аллоҳ ўз фаришталарига қуидагича хитоб қилган:

فَقَالَ أَنْبِئُنِي بِاسْمَاءِ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ...

Маъноси: ...Сўнгра уларни фаришталарга (бирма-бир)

кўрсатиб деди: «Агар (эътироzingизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!» («Бақара» сураси, 31-оят).

Ваҳоланки, фаришталар уларнинг исмларини айтишга ожиз эдилар. Жабарийлар юқоридаги далиллар орқали, тоқатдан юқори ишга таклиф қилиш мумкин, деган ақидани илгари сурганлар.

Мотуридия уламолари жабарийларнинг юқорида келтирган далилларига қуйидагича жавоб берганлар:

«Нисо» сураси, 129-оятида (*Оят маъноси: Ҳар қанча истасангиз ҳам хотинларингиз ўртасида адолатли (ҳаммасига бир хил муносабатда) бўла олмайсиз...*) аслида қувват жиҳатидан қодирлик назарда тутилмаган, балки аёлларга нафақа қилиш ва бир хил муомала қилиш жиҳатидан қодир бўлиш назарда тутилган. Чунки кишида одатда ўз аёллари ўртасида тенг мувофиқлик қилиши ва маслаҳат қилиши имкони бўлмайди, аммо қувват жиҳатидан қодирлик имкони мавжуд бўлиши мумкин.

Аллоҳ «Наҳљ» сураси, 90-оятда (*Оят маъноси: Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қулур.*) аслида зулмнинг зидди бўлган адолатни ирода қилган ва бу нарсага банданинг қодир бўлиши ҳақиқатдир.

«Оли Имрон» сураси, 102-оятида (*Оят маъноси: Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан чинакам қўрқув билан қўрқингиз...*) тоқат қўтарадиган ишга таклиф қилинган, чунки пайғамбарлар ва авлиёлар Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилгандар. Шунинг учун бу оятдаги хитоб пайғамбарлар ва авлиёларга тегишилидир.

«Тагобун» сурасининг 16-ояти эса (*Оят маъноси: Бас, тоқатингиз етганича Аллоҳга тақвода бўлингиз,...*) оммага тегишилидир.

«Бақара» сураси, 286-оятида (*Оят маъноси: ...Эй, Раб-*

бимиз, тоқаттимиз етмайдиган нарсанни бизга юклаб ташлама...) олдинги умматларга бўлгани каби машаққатли амалнинг доимийлигидан паноҳ назарда тутилган, чунки Аллоҳ олдинги умматларга ҳам тоқатдан юқори ишларни юкламаган.

«Бақара» сураси, 31-ояти (*Оят маъноси*: ...Сўнгра уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: «Агар (эътирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!») аслида фаришталар учун таклиф эмас. Чунки агар таклиф қилинган иш тарк қилинса жазо вожиб бўлиб қолади. Бу оятдан мурод эса, Аллоҳнинг ўз фаришталарига ожиз эканликларини билдириб қўйиши бўлган.

Мотуридия олим Абул Муин Насафий «Бақара» сураси 286-оятни далил келтирган:

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ...


Маъноси: Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...

Насафийнинг таъкидлашича, ушбу оятда ҳар бир нафснинг ўз тоқатидан паст бўлган ишга таклиф қилиниши баён қилинмоқда.

Расулуллоҳ^ﷺдан ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло ўз бандаларига тоқати етадиган (амаллар)ни жорий қилган, тоқатларидан ташқари (амал)ларни жорий қилмаган».

Мотуридия олим Абу Шакур Солимиининг таъкидлашича, таклифдан мақсад, таклиф қилинган ишни бажаришдир. Қачонки таклиф қилинган ишга тоқат етмаса, таклиф бефойда бўлади. Шунинг учун қачон таклифга тоқат топилса, шунда таълиф саҳих бўлади, аксинча саҳих бўлмайди.

2. Таклиф ва иститоат турлари. Калом илмига муовониқ таклиф икки тур бўлади:

1. Лозим ва вожиб қилиши таклифи.

2. Бажарии ва вужудга келтириши таклифи.

Таклиф қилинадиган нарсалар ҳам бир неча қисм бўлади:

1. *Тоқатдан юқори.*
2. *Тоқат етадиган.*
3. *Бажарининг имкони йўқ.*
4. *Бажарии маҳол.*
5. *Бажарии жоиз эмас.*

Тоқатдан юқори бўлган таклиф шундай бўладики, одатда бир жинсдан бўлган мукаллафларнинг биронтасининг тоқати етмайди, балки одатда бошқа жинсдан бўлган баъзи мукаллафларнинг тоқати етади. Масалан, фаришталар ва жинлар каби Маккага ёки Мисрга бир кунда сувнинг устида ёки ҳавода юриб боришга одатда биронта инсоннинг тоқати етмайди. Аммо ақоид илмида одатга хилоф равишда баъзи инсонлар бу ишни бажара олишлари мумкин ҳисобланади. Бундай ҳодисалар инсонлар орасида нодир, ғайриоддий бўлгани учун «каромат» ёки «мўъжиза» деб аталади. Бу нарсага одатда фаришталар, жинлар ва шайтонларнинг тоқати етади. Одамзодни сув устида юришга ёки ҳавода учишга таклиф қилиш жоиз эмас. Бу ишга одатда биронта одамзод қодир эмас ва натижада фойда ҳам зохир бўлмайди. Шунинг учун ушбу ишга одамзод лозим ва вожиб қилиш жихатидан ҳам, бажариш ва вужудга келтириш жихатидан ҳам таклиф қилинмайди.

Тоқат етадиган нарсага таклиф қилиш эса, бунда инсон бирон нарса қилишга таклиф қилинади, лекин бу ишга муайян бир шахснинг тоқати етмайди, балки одатда унинг жинсидан бўлган бошқасининг тоқати етиши мумкин. Бу ерда энди лозим қилиш ва вожиб қилиш таклифи жоиз бўлади. Масалан, касал ёки кексайиб қолган кишининг рўза тутишга ва ҳажга боришга тоқати етмайди. Бундай инсонларга ҳаёти ҳавф остида қолиши гумон бўлгани учун рўза ва ҳажнинг адосига таклиф қилиш жоиз бўлмайди.

Абу Ҳанифанинг таъкидлашича, банда маъсиятга қодир

бўлиш билан бир қаторда, Аллоҳга итоат қилишга ҳам қодирдир. Аллоҳ бандага маъсият қилиш учун эмас, итоат қилиш учун берган қодирлик салоҳиятини гуноҳга сарф қилгани учун банда айбдор ҳисобланади.

Қадарийлар, мұтазилийлар, жаҳмийлар, рофизийлар ва карромийларнинг таъкидлашича, феълларга бўлган қудрат бандада шу феълларни бажаришдан олдин мавжуддир. Банда Аллоҳ тақдир қилиб қўйганидан олдин ўз нафси учун касб қилишга қодир. Шунинг учун банда яхши ёки ёмон феълларининг холиқидир (яратувчисидир).

Қадарийларга тескари эътиқодда бўлган жабарийларнинг таъкидлашича, бандада феъл ҳам, феълга қудрат ҳам йўқ. У яхши ёки ёмон феъл бўладими, барчасини қилишга мажбурдир. Шунинг учун коғир ўз куфрида узрлидир. Бандадаги ҳаракат дараҳт баргининг шамолдаги ҳаракатига ўхшайди. Айрим жабарийларнинг таъкидлашича, феъл банда билан унинг Холики ўртасида мавқуфдир. Банданинг феъли Аллоҳдан ёки бандадан экани номаълумдир.

Аҳли сунна вал жамоанинг фикрига кўра, банда ўз феълига қодир, қодирлиги банданинг ўзи билан эмас, балки мана шу ҳолатда Аллоҳнинг яратиши билан бандада ҳосил бўладиган қувват орқали бўлади.

Иститоат (қудрат, имконият) уч турга бўлинади:

1. Молларга бўлган имконият ва қудрат. Бунга ҳаж пайтида зўд ва роҳилага (ҳажга бориш учун зарур бўлган нарсалар) қодир бўлишни мисол келтириш мумкин.

2. Феълларга бўлган қудрат. Бунга амалларга яроқли бўлган соғлом аъзоларнинг бўлиши назарда тутилган.

3. Ҳолатларга бўлган қудрат. Бу бирон амални бажаришга бўлган қудрат ва қувватдир. Бу қудрат феълдан олдин ва кейин бўлиши жоиз эмас, балки биргаликда содир бўлади.

Мұтазилийлар, банданинг феълга қудрати бор, деган ақидасига қўйидаги оятларни далил келтирадилар:

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ...
٢٨٦

Маъноси: Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди... («Бақара» сураси, 286-оят).

Муътазилийларнинг таъкидлашича, Аллоҳ ушбу оятда банданинг феълга кудрати борлигини хабар бермоқда, яъни банда тоқатидан ортиқ нарсага мукаллаф бўлмаслиги – унинг ўз амалларини ўзи яратишидир.

... وَلَلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ أَسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا ...
٩٧

Маъноси: Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳажж қилиши (фарзи) бордир... («Оли Имрон» сураси, 97-оят).

Муътазилийларнинг таъкидлашича, Аллоҳ ушбу оятда бандаларга хитоб қилиб намоз ўқишга, ҳажж қилишга ва бошқа амалларга буюрмоқда. Агар бандага хитоб юзла-наётган вақтда бандада кудрат ва имконият бўлмаса, бу хитоб сахих бўлмайди.

Муътазилийларнинг юқоридаги келтирган ҳужжат-ларига ахли сунна вал жамоа уламолари қуидагича жавоб берганлар:

«Бақара» сураси, 286-ояти (*Оят маъноси: Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди... .*) аслида аёлларнинг нафақаси ҳакида нозил бўлган.

«Оли Имрон» сураси, 97-оятидаги (*Оят маъноси: ...Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳажж қилиши (фарзи) бордир... .*) «иститоат» калима-сини Расулуллоҳ ﷺ зод ва роҳила деб тафсир қилганлар. Аллоҳ намозга буюрганида банда бунга қодир бўлиши вожиб бўлади, лекин бу ўринда таклиф учун бўлган кудрат, яъни аъзоларнинг саломатлиги зарурдир. Чунки таклиф аъзолар кудрати билан бўлади. Феълни бажариш кудрат ва қувват билан бўлади ва ушбу кудрат ва қувват феълни касб қилаётган ва киришаётган вақтда пайдо бўлади.

Аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодига кўра, бандаларнинг феъллари махлукдир. Улар «Соффот» сураси, 96-оятни далил келтирганлар:

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ

Ушбу оятнинг аслида лугавий маъноси қуидагича: «Аллоҳ сизларни ва қилаётган нарсаларингизни билгувчидир». Лекин ушбу оятнинг тафсирига кўра маъноси қуидагича: «Ҳолбуки, сизларни ҳам, сизинаётган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!»

Мотуридия олим Абу Шакур Солимиининг таъкидлашича, аҳли сунна вал жамоа баъзи уламолари феълга бўлган қудратни икки турга ажратганлар: 1. Таклифий. 2. Тавфикий.

Таклифий қудрат деганда, феълни бажаришга салоҳиятли бўлган соғлом аъзолар тушунилади. Бу қудрат бандада феъллардан олдин мавжуддир. Тавфикий қудрат деганда, феълни адо қилаёттандаги қудрат тушунилади. Бу қудрат бандада феълни адо қилаётган чоғида пайдо бўлади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Жабарийларнинг тоат ва таклиф масаласидаги ақидалари қандай бўлган?
2. Аҳли сунна вал жамоанинг тоат ва таклиф масаласига оид қарашларини гапириб беринг.
3. Калом шимда таклиф неча турга бўлинган?
4. Калом шимда иститоат неча турга бўлинган?
5. Аҳли сунна вал жамоа ақидасида феълга бўлган қудрат неча турга бўлинган? *

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит. «Ал-Фиҳқ ал-акбар» рисоласи матни.
2. Мұҳаммад ибн Абдурахмон ал-Ҳомиши. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.

3. Мулло Али ал-Қорий ал-Ҳанафий ал-Имом. Шарҳ китоб ал-фикҳ ал-ақбар лил Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. – 336 б.
4. Насафий, Абуль Муин Маймун ибн Мұхаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
5. Солимий, Абу Шакур. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демурф матбааси. 1908.
6. Тафтазоний, Саъдуддин ибн Умар. Шарҳ ат-талвих ала ат-тавҳих (лил имом ал-қоди садр аш-шария Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий ал-Ҳанафий). – Ж. 2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – 432 б.
7. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Масъул мұхаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Абу Азба Ҳасан ибн Абдилмуҳсин. Ар-Равдат ал-бахия фима байнал ашайра вал мотуридия / Али Фарид Даҳруж нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор сабил ал-иршод, 1996. – 204 б.
3. Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит. «Ал-Фихқ ал-акбар» рисоласи матни.
4. Абдулкодир Абдурахим ўғли. Ақоид дарслиги. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 179 б.
5. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
6. Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибона ан усул аддиёна / Аббос Саббог нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор ан-нафоис нашриёти, 1994. – 183 б.
7. Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Лумाъ / Р. Мк. Картий нашрга тайёрлаган. – Байрут: 1953. – 467 б.
8. Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Мақолот ал-исломийин ва ихтилоф ал-мусоллини / Х. Питер нашрга тайёрлаган. – Wiesbaden: 1963. – 358 б.
9. Ибн Асокир. Табийин казиб ал-муфтариј фи мо нусиба илал Имом Абил Ҳасан ал-Ашъарий. – Ҷамашқ, 1947. – 672 б.
10. Имом Тажовий. Ақоид. Абдулазиз Мансур таржимаси. – Т.: Мерос, 1992. – 56 б.
11. Калнабавий, Исмоил ибн Мустафо ибн Маҳмуд Абул Фазл. Ҳошия ало шарҳ ад-Даввоний лил ақоид ал-а兹дия / Аҳмад Рафъат ибн Усмон Ҳилмий нашри. Тошбосма. – Истамбул: Аҳмад Ҳассон босмахонаси, 1905. – 297 в.
12. Ломиший, Абус Сано Маҳмуд ибн Зайд ал-Ҳанафий. Китоб ат-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид / Абдулмажид ат-Туркий нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 1995. – 258 б.
13. Мансуров А. Ақоид матнлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – 56 б.
14. Мотуридий, Абу Мансур. Китоб ат-тавҳид / Фатхуллоҳ Ҳулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломия, 1979. – 408 б.
15. Мулло Али ал-Қорий ал-Ҳанафий ал-Имом. Шарҳ китоб ал-ғикҳ ал-акбар лил Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. – 336 б.

16. Мулло Али ал-Қорий ал-Ҳанафий ал-Имом. Миркот ал-мафотиҳ. – Байрут: Дор ал-фикр, 1994.
17. Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳомиши. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2007. – 699 б.
18. Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Фурак. Мақолат аш-Шайх Абил Ҳасан ал-Ашъарий. Аҳмад Абдураҳим ас-Сойиҳ нашри. – Қохира: Мактаба ас-сакофа ад-диния, 2006. – 360 б.
19. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – 579 б.
20. Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида туттган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.
21. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин: 2 жилди / К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.
22. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳр ал-қалом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
23. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид / Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад нашрга тайёрлаган. – Миср: Дор ат-тибоа ал-Муҳаммадия, 1986. – 428 б.
24. Насафий, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий нашрга тайёрлаган. – Техрон: Ойнаи мерос, 1999. – 877 б.
25. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
26. Паздавий, Абул Йуср Муҳаммад. Китоб усул ад-дин / Х.Питер нашрга тайёрлаган. – Қохира: Дор иҳёо ал-кутуб ал-арабия, 1963. – 475 б.
27. Раҳимжанов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараккиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари асосида): Тар. фан. номз. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 26 б.
28. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 39 б.
29. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
30. Самарқандий, Абу Мукотил. Китоб ал-олим вал мутааллим / Абдулваҳҳоб ал-Ҳиндий нашрга тайёрлаган. – Ҳалаб: 1972. – 32 б.
31. Собуний, Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр. Ал-Бидоя фи усул ад-дин / Бакр Тўпалўғли нашрга тайёрлаган. – Анкара: 1995. – 143 б.

32. Солимий, Абу Шакур. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. –Самарқанд: Демурф матбааси. 1908.
33. Тафтазоний, Саъдуддин ибн Умар. Шарх ат-талвиҳ ала ат- тавҳид (лил имом ал-қоди садр аш-шария Убайдуллоҳ ибн Маъсүд ал-Маҳбубий ал-Бухорий ал-Ҳанафий). – Ж. 2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – 432 б.
34. Уватов У. Абул Муин ан-Насафий ҳәёти ва мероси. – Т.: Маънавият, 2003. – 36 б.
35. Шаҳристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.
36. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ кори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошк.; Маъсүл мұхаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

Чет тилларидаги адабиётлар:

37. Atay H. Ebu'l-Muīn Neseffī ve Tebsirettī'l-edille. «Табсират ал-адилла» нашрининг кириш қисмига ёзилган мақола. – Ankara: Diyanet işleri başkanlığı yayınları, 1993. – Б. 5-77.
38. Ahmet Ak. Büyük Türk Âlimi Mâturîdî ve Mâturîdîlik / Монография. – İstanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008. – 216 б.
39. Kavaklı Yusuf Ziya. XI ve XII asırlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr Islam Nukukciları. – Ankara: 1976. – 322 б.
40. Topaloğlu B. Nûreddin es-Sâbûnî. Mâturîdiyye Akâidi. Dr. Bekir Topaloğlu tercime ve neshri. – Ankara: 1998. – 215 б.
41. Özervarlı M. S. Mâturîdî kelâm ekolü ve başlıca temsilcileri // Üsküdar. – İstanbul: 2000. – Б. I-10.
42. Yazıcıoğlu M. S. Mâturîdî ve Neseffîye gore insane hürriyeti kavramı. M. E. B. Yayınları. – İstanbul: 1992. – 144 б.
43. Allard M. Le problème des attributs divins dans la doctrine d'al-Aš'arî et de ses premiers grands disciples. – Beyrut: 1965. – 632 б.
44. Бахадиров Р. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. – Т.: Академия, 2000. – 241 б.
45. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur: T. I-II. – Weimar-Berlin: 1898.
46. van Ess J. The Logical Structure of Islamic Theology // Logic in Classical Culture / Edited by G.E. von Grunebaum. – Wiesbaden: Otto Harrossowitz, 1970. – Б. 21-50.

47. Götz M. Māturīdī und sein Kitāb Ta’wīlāt al-Qur’ān // Der Islam. – 1965. – № 41. – 79 б.
48. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.
49. Madelung W. The Spread of Māturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – Б. 109-168.
50. Madelung W. Abu l-Mu‘īn al-Nasafī and Ash‘arī Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Köln: Brill, 2000. – Б. 318-330.
51. Madelung W. The Early Murji'a in Khurāsān and Transoxania and the Spread of Hanafism // Der Islam. – 1982. – № 59. – Б. 32-39.
52. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекции для студентов. – СПб., 2009. – 96 с.
53. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.
54. Radtke B. Theologen und Mystiker in Hurāsān und Transoxanien // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. – 1986. – № 136. – Б. 536-569.
55. Rudolph U. Al-Māturīdī und die sunnitische Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Köln: Brill, 1997. – 396 б.
56. Sezgin Fuat. Geschichte des arabischen Schriftums: Т. I. – Leiden: 1967. – Б. 353.
57. Schacht J. An Early Murci’ite Treatise: The Kitāb al-‘Ālim wa-l-muta‘llim // Oriens. – 1964. – № 17. – Б. 96-117.
58. Schacht J. Theology and Law in Islam / Ed. G. E. von Grunebaum. Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1971. – Б. 1-46.
59. Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идейные расхождение в исламе).

Интернет сайтларидан олинган манбалар:

60. Айдын Али-заде. Матуридизм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws .
61. Айдын Али-заде. Ашаризм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws .
62. http://sadaka.ucoz.ru/Knigi/akida/06_al_ibana.doc .

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
БИРИНЧИ БОБ: КАЛОМ ИЛМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА МОВАРОУННАҲРГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ	7
1.1 Саҳобалар даврида калом илми ва кейинги, даврдаги ривожи	7
1.2 Калом илмининг Мовароуннаҳрга кириб келиш тарихи	14
1.3 Абу Мансур Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти	19
ИККИНЧИ БОБ: АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ВА ОҚИМЛАР	34
2.1. Мұтазилия таълимоти тарихи	34
2.2. Абул Ҳасан Ашъарий илмий мероси ва ашъария таълимоти	55
2.3. Қадария, жабария ва мушаббиха оқимлари	61
2.4. Муржиия таълимоти тарихи	68
УЧИНЧИ БОБ: АҚИДАВИЙ МАВЗУЛАР ТАВСИФИ	77
3.1. Имон масаласи	77
3.2. Ризқ масаласи	89
3.3. Шафоат масаласи	95

3.4. Каромат ва мўъжиза масаласи	101
3.5. Башариятнинг ислом фитратида дунёга келиши ҳақидаги фикрлар	107
3.6. Ақл масаласи	113
3.7. Калом илмида эсхатологик қарашлар	119
3.8. Аллохнинг зоти, сифатлари ва Арш масаласи	129
3.9. Таклиф ва тоат масаласи	139
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	149

Маълумотларни қайд этиши учун

Маълумотларни қайд этиши учун

Маълумотларни қайд этиши учун

Маълумотларни қайð этиши учун

Маълумотларни қайд этиши учун

Тузувчи: тарих фанлари номзоди
САЙИДМУХТОР ОҚИЛОВ

**КАЛОМ ИЛМИ
(АҚОИД)**

Үқүв құлланма

Мұхаррирлар: *Дурбек Раҳимжонов,
Сарвар Очилов*
Мусаххих УмидА Инсонбоеva
Рассом дизайннер *Иzzатилла Нуриллаев*
Техник мұхаррир *Шуҳрат Ҳасанов*

Босишига рухсат этилди 31.05.2011
Босмахонаға топширилди 10.08.2011
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Шартли б.т. 10 . Нашрт. 9,26
Адади 1 200 дона. Буюртма № 93
Баҳоси шартнома асосида

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент ш., А.Қодирий күчаси, 11 уй.

